

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**«ЎСИМЛИКЛАРНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ»  
ЙЎНАЛИШИ**

**«КИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ  
ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ УСУЛЛАРИ»  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎКУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент-2021**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ  
йўналиши**

**“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИ  
КАСАЛЛИКЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА  
БАРТАРАФ ЭТИШ УСУЛЛАРИ”**

модули бўйича

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент-2021**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчи: **Р.А.Гулмуродов** - “Кишлоқ хўжалиги фитопатологияси” кафедраси профессори, к.х.ф.д.

Тақризчи: **Хорижий эксперт:** М.А.Зупаров - Тошкент давлат аграр университети “Агробиотехнология” кафедраси профессори, б.ф.н.

**Ўқув -услубий мажмуа ТошДАУ Кенгашининг 2020 йил 5 декабрдаги 3-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....	12
III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	17
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	85
V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....	127
VI. ГЛОССАРИЙ .....	131
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	136
ТАҚРИЗЛАР.....	138

## **I. ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

### **Кириш**

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқкан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илгор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўнималарини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Ушбу дастур жаҳоннинг қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатларининг илм-фан ютуқлари, адабиёт маълумотлари асосида чет эл мутахассислари билан ҳамкорликда яратилган бўлиб, унда “Ўсимликларни ҳимоя қилиш” йўналишлари, мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш бўйича – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, қўникма ва малакаларни такомиллаштириш муаммолари баён этилган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Қишлоқ хўжалик экинлари касалликларини олдини олиш ва бартараф этиш усуллари”** модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини қишлоқ хўжалик экинларини заарловчи янги карантин организмлар ва уларни бартараф этишнинг долзарб масалаларининг замонавий муаммолари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, фаннинг муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш қўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

## **“Қишлоқ хўжалик экинлари касалликларини олдини олиш ва бартараф этиш усуллари” модулининг вазифалари:**

- қишлоқ хўжалик экинларини заарловчи турли янги организмлар ва уларни бартараф этишнинг долзарб масалалари фанларини ўқитиш жараёнини технологиялаштириш билан боғлиқликда юзага келаётган муаммоларни аниқлаштириш;
- тингловчиларнинг қишлоқ хўжалик экинларини заарловчи янги организмлар ва уларни бартараф этишнинг долзарб масалаларидаги таҳлил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- фан бўйича педагогик муаммоларни ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиши ва амалиётга тадбиқ этишга ўргатиши.

### **Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар**

**“Қишлоқ хўжалик экинлари касалликларини олдини олиш ва бартараф этиш усуллари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:**

- ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги сўнгги ютуқларни;
- ўсимликларни ҳимоя қилиш йўналиши доирасидаги мутахассислик фанларини ўқитиш бўйича илгор хорижий тажрибаларни;
- ўсимликларни ҳимоя қилиш йўналиши доирасидаги фанларни ўқитиш бўйича педагогик маҳорат асосларини билиши керак.
- ўсимликларни ҳимоя қилиш йўналиши фанларидан электрон ўқув материалларини яратади олиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- ўсимликларни ҳимоя қилиш йўналиши педагогларида касбий билимларни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Қишлоқ хўжалик экинлари касалликларини олдини олиш ва бартараф этиш усуллари” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар қишлоқ хўжалик экинларини заарловчи янги микроорганизмлар ва уларни бартараф этишининг долзарб масалаларидағи муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолаш, оптимал ва муқобил ечим топишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

№	<b>Модул мавзулари</b>	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			
		Ҳаммаси	Жами	Аудитория ўқув юкламаси	
				Назай	Жумладан
1.	Дунёда ва республикамизда ғўза ва ғалла экинларида тарқалаётган янги, хавфли ва инвазив замбуруғ касалликлари.	2	2	2	
2.	Мевали дарахтлар ва тоқда тарқалган ва тарқалаётган касалликлар ҳамда уларга қарши кураш чоралари.	2	2	2	
3.	Полиз ва сабзавот экинларида тарқалаётган республикамиз учун янги касалликлар ва уларга қарши кураш чоралари	2	2	2	
4.	Манзарали ва ўрмон дарахтларининг касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари	2	2	2	
5.	Ғўзанинг замбуруғлар ва бактериялар қўзғатадиган асосий касалликлари.	2	2		2
6.	Буғдойнинг майса, илдиз, поя чиришлари, қоракуя, ун-шудринг ва занг касалликлари.	2	2		2
7.	Дуккакли дон экинларининг касалликлари.	2	2		2
8.	Помидор ва картошканинг фитофтороз, фузариоз ва вертицеллёз сўлиш ҳамда полиз экинларининг фузориоз сўлиш ва ун-шудринг касалликлари.	2	2		2
9.	Иссиқхона экинларини касалликлардан ҳимоя қилиш.	2	2		2
10.	Мевали дарахтларнинг монилиоз, ёнғоқ ва ёнғоқ мевали дарахтларнинг касалликлари.	2	2		2
11.	Касаллик қўзғатувчиларнинг биологик хусусиятлари.	2	2		2
12.	Қишлоқ хўжалик экинларининг замбуруғ ва бактерия касалликларини идентификация қилиш усуллари.	2	2		2
13.	Микологик ва фитопатологик экспертиза усуллари.	2	2		2
<b>Жами:</b>		<b>26</b>	<b>26</b>	<b>8</b>	<b>12</b>
					<b>6</b>

## **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-Мавзу: Дунёда ва республикамизда ғўза ва ғалла экинларида тарқалаётган янги, хавфли ва инвазив замбуруғ касалликлари**  
Қишлоқ хўжалик экинларида касаллик қўзғатувчи организмлар тўғрисида умумий маълумотлар. Ўсимликларнинг юқумли ва юқумсиз касалликлари таснифи. Ғўзанинг ниҳол касалликлари. Ғўзанинг вертицеллёз ва фузариоз сўлиш, альтернариоз, нематода, ташқи карантин ва ноинфекцион касалликлари. Ғалла экинларининг қора муртак, сариқ доғланиш, септориоз, нематода, занг ва бошқа касалликлари, уларнинг қўзғатувчилари, тарқалиши, зарари ва уларга қарши замонавий уйғунлашган кураш чоралари.

**2-Мавзу: Мевали дaraohтлар ва токда тарқалган ҳамда янги тарқалаётган касалликлар ва уларга қарши кураш чоралари**

Уруғмевали ва данакмевали дaraohтлар ҳамда токда учрайдиган юқумли ва юқумсиз касалликлар. Республикаизда уруғмевали дaraohтларда кенг тарқалган калмараз, ун-шудринг ва бошқа касалликлар. Ўзбекистонда боғларда кам тарқалган бактерила куйдирги, бактериал рак, мелойдогиноз, фабреоз, доғланиш ва бошқа касалликлар. Данакмевали дaraohтларда кенг тарқалган клястероспориоз, ун-шудринг касалликлари. Ўрикнинг стеганоспориоз, мелойдогиноз ва бактериал куйдирги касалликлари.

Токнинг кенг тарқалган оидиум, мильдю, антракноз ва бошқа касалликлари. Токзорларда кам тарқалган қора чириш, чипор некроз, фомоз, кладоспориоз, галл нематодалари ва бошқа касалликлар. Касалликларга қарши замонавий фунгицидларни қўллаш.

**3-Мавзу: Полиз ва сабзавот экинларида тарқалаётган республикамиз учун янги касалликлар ва уларга қарши кураш чоралари**

Полиз экинлари майсалари чириши, фузариоз вилт, кладоспориоз, альтернариоз, оқ чириш, аскохитоз, бактериоз сўлиш, вируслар қўзғатадиган касалликлар. Полиз экинлари ифлосланган ҳаво билан заарланиши, озуқа моддалари етишмаслиги, экинларнинг чангланиши қониқарли бўлмаслиги ҳамда тупроқ шўрлигининг зарари. Ширин қаламирнинг илдиз чириш,

фузариоз сўлиш касалликлари. Сабзининг замбуруғлар ва бактериялар қўзғатадиган касалликлари. Пиёз ва сариқсоқнинг кулранг чириш, пиёз бўғзи чириши, қоракуя ва бошқа касалликлари. Сабзавот экинларининг турли хил микроорганизмлар келтириб чиқарадиган касалликлари. Касалликларга қарши замонавий қураш чоралари.

#### **4-Мавзу: Манзарали ва ўрмон дархтларининг касалликлари ва уларга қарши қураш чоралари**

Манзарали ва ўрмон дарахтлари ниҳолларининг фузариоз, ризоктониоз, ун-шудринг касалликлари. Ноинфекцион касалликлар (илдиз бўғзи куйиши, Кўчатлар ва ниҳолларда хлороз кузатилиши ва улар ўзларига хос бўлмаган тусга кириши, кўчат ва ниҳолларни совук уриши ва б.). Эман (дуб) нинг ун-шудринг касаллиги, қайрағоч дарахтининг ун-шудринг касаллиги, арча ва дўлана (можжевельник, боярышник) нинг занг касаллиги. Касалликларга қарши замонавий фунгицидларни қўллаш.

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

#### **1-Мавзу: Ўзанинг замбуруғлар ва бактериялар қўзғатадиган асосий касалликлари**

Ўзанинг замбуруғлар келтириб чиқарадиган илдиз чириш, қора илдиз чириш, питиоз, ризотониоз касалликлари. Ўзанинг ўсув даврида учрайдиган бошқа касалликлари. Ўзанинг ташқи ва ички карантин касалликлари. Ўзанинг бактерия қўзғатадиган гоммоз касаллиги. Касалликларни ташқи белгилари, уларни келтириб чиқарадиган зарарли организмлар тўғрисида маълумотлар.

#### **2-Мавзу: Буғдойнинг майса, илдиз, поя чиришлари, қоракуя, ун-шудринг ва занг касалликлари**

Кузги буғдойда республикамизда тарқалган илдиз чириш, қоракуя, ун-шудринг ва занг касалликлари. Сўнгги йилларда ғалла майдонларида тарқалаётган касалликлар: кузги буғдойнинг унаётган уруғлари ва майсалари чириши, оддий ёки биполяриз илдиз чириши, фузариоз илдиз чириш, офиоболёз, псевдоцеркоспореллёз, ризоктониоз, микродохиоз (антракноз)

илдиз чириши, кулвулиоиз, гендерсониоиз. Ғалла экинларида тубан замбуруғлар қўзғатадиган илдиз чиришлари.

### **3-Мавзу: Дуккакли дон экинларининг касалликлари**

Соянинг фузариоз сўлиш, аскохитоз, ун-шудринг, занг, церкоспороз, оқ чириш, поя раки, бактериоз ва вирус (буришган мозаика, сариқ мозаика) касалликлари. Нўхатнинг илдиз чириш, аскохитоз, фузариоз сўлиш, занг, ун-шудринг, сохта ун-шудринг, кулранг чириш ва вирус касалликлари. Ловиянинг занг, ун-шудринг, антракноз, бактериоз ва вирус касалликлари. Дуккакли дон экинларининг юқумсиз касалликлари.

### **4-Мавзу: Помидор ва картошканинг фитофтороз, фузариоз ва вертициллёз сўлиш ҳамда полиз экинларининг фузариоз сўлиш ва ун-шудринг касалликлари**

Помидорнинг ниҳол, фитофтороз, сўлиш, кулранг чириш, меваларнинг ачиған чириш, помидор мевасининг ичи бўшлиги, фузариоз ва вертицеллёз сўлиш, вирус ва бактериялар қўзғатадиган ҳамда помидорни ёнғоқ дарахти сўлиш касалликлари. Картошканинг фитофтороз, фузариоз сўлиш, калмараз, фомоз, альтернариоз, мелойдогиноз, вирус ва бактерия касалликлари. Картошка ичи каваклиги, кимёвий моддалар билан жароҳатланиши, озуқа моддалар етишмаслиги касалликлари.

### **5-Мавзу: Иссикхона экинларини касалликлардан ҳимоя қилиш**

Помидорнинг кладоспориоз, илдиз чириш, меваларни турли хил чириш касалликлари. Полиз экинларининг замбуруғ, бактерия ва вируслар қўзғатадиган касаликлари. Касалликларга қарши чидамли навларни экиш, соғлом кўчат етиштириш, ташқи муҳит факторларини тартибга солиш, иссиқхона ичи ва иш анжомларини заарсизлантириш, дезинфекция ва фумигация қилиш, иссиқхона тупрогини заарсизлантириш, сув буғи билан заарсизлантириш, соляризация, фунгицидлар ёрдамида кимёвий ишлов бериш, фунгицидларни ишлатиш усувлари, фунгицидлар ўсимликларнинг ўйғунлашган ҳимоясига мос келиши ва патогенларда фунгицидларга чидамлилик пайдо бўлиши.

## **6-Мавзу: Мевали дарахтларнинг монилиоз, ёнгоқ ва ёнгоқ мевали дарахтларнинг касалликлари**

Уруғмевали ва данакмевали дарахтларнинг монилиоз касалликлари. Касалликни географик тарқалиши, белгилари, ривожланиш цикли. Ёнгоқнинг қўнғир доғланиш, цитоспориоз, бўқоқ замбуруғлари ва айрим бошқа базидиомицетлар қўзғатадиган касалликлари, бактериал рак, вирозлар ва нематода касалликлари. Ёнгоқ дарахтларига хавф туғдирувчи инвазив фитопатоген замбуруғ турлари. Бодом клястероспориоз, полистигмоз, калмараз ва бактериал доғланиш касалликлари. Пистанинг ун-шудринг, дарахт пояси ўзаги чириши касалликлари.

### **КЎЧМА МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

#### **1-Мавзу: Касаллик қўзғатувчиларнинг биологик хусусиятлари**

Касаллик қўзғатувчилар, айниқса тупроқда яшовчи ва сақланувчи паразит, сапротроф, ярим паразит микроорганизмлар (замбуруғлар, бактериялар, вируслар, нематодалар ва б.) пропагулаларининг миқдори тўғрисида маълумотлар бериш. Облигат сапротрофлар, оллигат паразитлар, факультатив сапротрофлар Факультатив паразитлар, микроорганизмларнинг паразитлик даражалари, замбуруғлар ва замбуруғсимон организмларнинг асосий таксономик гурухлари, ташқи муҳит факторларини баъзи вирусларга таъсири хақида батафсил ахборот бериш.

#### **2-Мавзу: Қишлоқ хўжалиги экинларининг замбуруғ ва бактерия касалликларини идентификация қилиш усуллари**

Заарланган ўсимлик органларининг намуналарини олиш, Заарланган ўсимлик органларининг намуналаридағи касаллик белгиларини қайд қилиш, Бирламчи микроскопия, Барглар сегментларини таҳлил қилиш ва касаллик қўзғатувчисини ажратиш, Иккиласи микроскопия, Ўсимликларни сунъий заарлаш, реизоляция, Кох триадаси, Ўсимликларни сунъий заарлаш усуллари, Замбуруғларни илдиздан ажратиб олиш, Замбуруғларни заарланган ўсимлик тўқималаридан ажратиб олиш, Бактерияларни аниқлаш.

#### **3-Мавзу: Микологик ва фитопатологик экспертиза усуллари**

Қишлоқ хўжалик экинлари касалликларини аниқлаш ва уларни ташқи белгиларига қараб дастлабки ташхис қўйиш. Барглар устидаги катта доғларни бирламчи микроскопия қилиш. Касалланган аъзолардан препаратлар тайёрлаш ва бирламчи текширувдан ўтказиш. Касаллик қўзғатувчиларини қулай озиқа муҳиларида ўстириб уларни соф культураларини ажратиш усуллари, соф культуралардаги замбуруғ ёки бактерияларни аниқлагичлар ёрдамида аниқлаш усулларини ўрганиш.

*Изоҳ: Кўчма машгулотлар университет ва илмий тадқиқот институтлари илмий лабораторияларида ўтказиласди.*

## II.МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

### “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиши йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



**Намуна:** Мобил қурилмалар учун Андроид операцион тизимининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

<b>S</b>	<b>Мобил қурилмалар учун Андроид операцион тизимидан фойдаланишининг кучли томонлари</b>	<b>Open source (очиқ кодли), фойдаланувчилар сонининг кўплиги.</b>
<b>W</b>	<b>Мобил қурилмалар учун Андроид операцион тизимидан фойдаланишининг кучсиз томонлари</b>	<b>Операцион тизимнинг виртуал машина орқали ишлаши.</b>
<b>O</b>	<b>Мобил қурилмалар учун Андроид операцион тизимидан фойдаланишининг имкониятлари (ички)</b>	<b>Beautiful UI (чиroyili интерфейс), Connectivity (барча мобил алоқа технологиялари ва Интернет билан боғланиш).</b>
<b>T</b>	<b>Тўсиқлар (ташқи)</b>	<b>Маълумотлар хавфлизигининг тўлақонли таъминланмаганлиги.</b>

## **Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган.

Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### **Намуна:**

Мобил операцион тизимлар					
Android		iOS		Windows Phone	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

## **“Кейс-стади” методи**

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижা (What).

## **“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари**

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни

<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топширигини белгилаш	✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топширигининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хulosasi ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

**Кейс.** Мобил қурилма учун Андроид опреацион тизимининг 5.0 (API Level: 21) версияси учун илова ишлаб чиқилди. Сизнинг телефонингиздаги Андроид опреацион тизимининг версияси 4.3 (API Level: 18). Мобил иловани телефонингизга ўрнатиб ишга туширмоқчи бўлганингизда хатолик келиб чиқди. Яъни илова ишламади.

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosalар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosalash, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот: натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хulosasi ёки ғоя тақлиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий

тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### **Намуна.**

**Фикр:** “**Полимарфизим объектга йўналтирилган дастурлашнинг асосий тамойилларидан биридир**”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### **“Ассесмент” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникумаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникумалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулот:ларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

### **“Инсерт” методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар.

Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
<b>“V” – таниш маълумот.</b>			
<b>“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.</b>			
<b>“+” бу маълумот мен учун янгилик.</b>			
<b>“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?</b>			

Белгиланган вақт яқунлангач, таълим олувчилик учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот яқунланади.

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Кўшимча маълумот
Activity	илованинг бирорта ойнасини (интерфейс) бошқарувчи Java кенгайтмали файл	

adb (Android Debug Bridge)	SDK орқали иловани ишга тушурувчи дастур	
SDK (Software Development Kit)	андроид учун кутубхона	
JDK (Java Development Kit)	Java дастурлаш тили учун кутубхона	
Layout Resource	илова ойналарининг кўринишини сақловчи XML файл	
Manifest File	илова учун керакли барча маълумотларни XML файл (мисол учун: илова номи, интент филтрлар, интернетга боғланиш)	
Service	илова орти хизматлар яратиш учун синф	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

### Веин Диаграммаси методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишиган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва хар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурух аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишиган қисмига ёзадилар.

### Намуна: Мобил илова маълумотларини сақлаш турлари бўйича “Блиц-ўйин” методи

**Методнинг мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўнималарини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

## **Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастьлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гурухдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурухлар ўз ишларини тугатгач, тўғри харакатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қутиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**«Дастурний воситаларни ўрнатиш ва созлаш» кетма-кетлигини  
жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб қўринг!**

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
<b>Андроид виртуал машинасини созлаш (AVD)</b>					
<b>Eclipse IDE ни ўрнатиш</b>					
<b>Керакли SDK версиясини юклаб олиш</b>					
<b>Андроид SDK Manager дастурини ўрнатиш</b>					

<b>Java учун кутубхона ўрнатиш (JDK)</b>				
<b>Eclipse учун ADT (Android development tools) plugin ни ўрнатиш</b>				

### **“Брифинг” методи**

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишиланган қисқа пресс-конференция.

#### **Ўтказиш босқичлари:**

1. Тақдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишиланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

### **“Портфолио”методи**

“Портфолио” – ( итал. portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва қасбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг саралangan ўқув-методик ишлари, қасбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, талаба ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг куйидаги турлари мавжуд:

<b>Фаолият тuri</b>	<b>Иш шакли</b>	
	<b>Индивидуал</b>	<b>Гурӯҳий</b>
<b>Таълимий фаолият</b>	Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Талабалар гурӯҳи, тингловчилар гурӯҳи портфолиоси ва бошқ.
<b>Педагогик фаолият</b>	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Қафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

### **ІІІ. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

#### **1-МАВЗУ: ДУНЁДА ВА РЕСПУБЛИКАМИЗДА ҒЎЗА ВА ҒАЛЛА ЭКИНЛАРИДА ТАРҚАЛАЁТГАН ЯНГИ, ХАВФЛИ ВА ИНВАЗИВ ЗАМБУРУҒ КАСАЛЛИКЛАРИ**

**РЕЖА:**

- 1. Ўсимлик касалликлари ҳақида умумий маълумотлар.**
- 2. Ғўзанинг замбуруғлар келтириб чиқарадиган хавфли касалликлари.**
- 3. Ғалла донли экинларнинг замбуруғлар келтириб чиқарадиган хавфли ва инвазив касалликлари.**

**Таянч сўзлар:** ғўза, буғдой, замбуруғ, бактерия, касаллик, хавфли, инвазив, юқумли, юқумсиз, организм.

##### **1. Ўсимлик касалликлари ҳақида умумий маълумотлар**

Ўсимлик касаллиги – касаллик қўзғатувчи организм, ўсимлик ва атроф-мухит факторлари ораларидаги муносабатларга асосланган патологик жараёндир. Россиянинг 24507-81 рақамли ГОСТ ига қўра касаллик – фитопатоген ёки атроф-мухитнинг нокулай шароитлари таъсирида ўсимликнинг ҳужайралари, аъзолари ёки барча қисмларида нормал модда алмашинуви жараёни бузилишидир. Касаллик туфайли ўсимликнинг нафас олиши, фотосинтези, транспирацияси, ассимилятлари барглардан илдизларга оқиб ўтиши, ферментлари ва ҳужайра мембраннынг фаолияти, ҳужайрага лозим бўлган моддалар синтези ва бошқа функциялари ҳам бузилади.

**Патологик жараён.** Ўсимликлардаги патологик жараён бир-бири билан яқин алоқадаги ва ривожланиши бир-бири билан яқиндан боғлик бўлган морфологик ва физиологик-биокимёвий ўзгаришлар шаклида намоён бўлиши мумкин. Масалан, нормал ўстириш бирикмалари синтези бузилса (физиологик-биокимёвий ўзгаришлар юз берса), ўсиш хусусиятлари ўзгаради, мисол учун, ўсимлик пакана бўлиб қолади (морфологик ўзгариш).

**Патоморфологик ўзгаришлар.** Ўсимлик ўсиши, бутун ўсимлик ёки унинг айрим органларининг шакли бузилиши билан ифодаланади. Ўсимликлар ўсишининг бузилиши кўпинча уларнинг заифлашиши билан ифодаланади. Мисол учун, буғдой қаттиқ қоракуя (*Tilletia caries*) билан зарарланганда поя узунлиги ва бошоқчалар сони камаяди, натижада ўсимликларнинг ҳосилдорлиги пасаяди.

Вирус касалликлари кўпинча ўсимлик бўйини кучли даражада пасайтиради, улар ҳатто карлик (пакана) бўлиб қолиши мумкин. Бунда бутун ўсимликнинг ёки унинг айрим органларининг шакли бузилиши деформация деб аталади. Масалан, занг касаллиги (қўзғатувчи *Uromyces pisi*) билан

заарланган ихрож (сутлама) ўсимлигининг барча қисмлари деформациясига учрайди. Микоплазма қўзғатадиган помидорнинг столбур касаллиги гулларнинг шакли бузилишига олиб келади: гулкосабарглар ҳажми катталашади, улар кўпинча узунасига бир-бири билан туташиб, қўшилиб, ўсиб кетади, гуллар қўнгироқчалар шаклига киради.

Кўп касаллик қўзғатувчилари гипертрофия, гиперплазия, гипоплазия, дегенерация ва ўсимлик тўқималари некрози жараёнларини пайдо қилиши туфайли ўсимликларда галлар, бўртмалар, шишлар пайдо қилади.

Аксарият ҳолларда ўсимлик органларининг шакли ўзгариши билан бирга кечадиган ўсимлик хужайраларининг ҳажми катталashiши **гипертрофия** деб аталади. Масалан, кила касаллиги қўзғатувчиши (*Plasmodiophora brassicae*) билан заарланган карам илдизлари хужайраларининг ҳажми катталашади, шакли ўзгаради, натижада илдизда шишлар ривожланади. Касалликнинг шунга ўхшаш белгилари картошка туганакларида ўсимлик рак касаллиги қўзғатувчиши (*Synchytrium endobioticum*) билан заарланганида ҳам намоён бўлади.

**Гиперплазия** деб патоген ёки бошқа касаллик қўзғатувчи агент таъсирида ва ўсимлик хужайралари тез-тез бўлиниши натижасида хужайралар сони кўпайиб кетиши тушинилади. Бўртма ва галлар ҳосил бўлиши, дараҳт поясида шишлар ва бўқоқлар ривожланиши гиперплазиянинг мисоллариdir. Баъзан гипертрофия ва гиперплазия бирга учрайди ва тезда йирик галлар пайдо бўлади; мисол учун бу маккажўхори пуфак қоракуяси (қўзғатувчи *Ustilago zeaе*) билан заарланганида намоён бўлади.

Патологик жараён туфайли хужайраларда **дегенерация** кузатилиши мумкин. Бунда уларнинг қобиқлари кимёвий таркиби ҳар хил бўлган моддаларга айланади, улар ўсимликда тўпланиши ёки тўқималардан ташқарига чиқарилиши мумкин. Дегенерациянинг мисоли касаллик билан заарланган данакли мевали дараҳтлар (олхўри, олча ва б.) танасида елим пайдо бўлиши ва оқиб чиқишидир. Бу жараён **елим оқиши** ёки **гоммоз** деб аталади.

Патологик жараён натижасида **некроз** – хужайралар нобуд бўлиши ва нобуд бўлган тўқима қисмлари ҳосил бўлиши кузатилади. Нобуд бўлган хужайраларнинг йифиндиси – ўсимлик тўқимасининг жигарранг тусли участкалари – **некроген тўқима** ёки **некроз** деб аталади. Аксарият ҳолларда хужайралар некрози ўсимлик барглари заарланганида доғлар шаклида намоён бўлади.

Патологик жараён тўқима хужайралари склеротизация бўлиши, яъни ёғочлашишига олиб келиши мумкин. Ҳужайралар склерозининг мисоли помидор столбур билан заарланишидир. Соғлом помидор меваларининг

томир-тола дасталари жуда кам ривожланган, фақат баъзи толаларигина спираль шаклли ва қалинлашган бўлади. Заарланган меваларнинг томир-тола дасталари кучли ривожланган, толалари ғоваклашган ва ёғочлашган бўлади.

Патологик жараён *эпидермис чатнаши ва ёрилишига* сабаб бўлиши мумкин. Мисол учун эпидермис ёрилиши ток антракноз (қўзғатувчи *Gloeosporium ampelophagum*) ва ғўза илдиз чириши (қўзғатувчи *Rhizoctonia solani*) билан заарланганида учрайди.

Замбуруғлар (мисол учун *Fusarium* турлари) ва бактериялар (*Erwinia* турлари) қўзғатадиган чириш жараёнида *мацерация*, яъни ҳужайралараро модда эриши натижасида ҳужайра деворчалари юмшashi ва ҳужайралар бир-бираидан ажralиб кетиши кузатилади.

**Патофизиологик ўзгаришлар.** Фитопатоген ҳўжайин ўсимлик тўқимасига кириши билан уларнинг ўзаро муносабатлари бошланади. Бунда касал ўсимликда пайдо бўладиган физиологик ва биокимёвий ўзгаришлар асосан тўқималар сув билан таъминланиши тартиби, фотосинтетик фаоллик, нафас олиш, ферментлар фаолияти, карбонсув ва оқсил алмашинуви ва баъзи бошқа фаолиятлар бузилишига олиб келади.

**Сув билан таъминланиши бузилиши.** Ўсимликлар касалланиши одатда тўқималар сувсизланишига олиб келади. Касал ўсимликлар сув йўқотишининг иккита асосий сабаби маълум: илдизлар ёки томир системаси шикастланиши натижасида сув олиши бузилиши ва устки тўқималар шикастланиши натижасида транспирация кучайиши.

Илдизлардан юқориги қисмларга қислема орқали сув ва минерал тузлар ўтказилиши бузилганда ўсимлик ёки унинг айрим шохлари бутунлай нобуд бўлиши мумкин. Сув транспорти бузилишининг сабаблари қислема ҳужайралари нобуд бўлиши, илдиз системаси касалланиши, илдизчалар нобуд бўлиши ва бошқалар бўлиши мумкин.

Бактерия ҳужайралари тўпланиб қолиши ёки касаллик қўзғатувчисининг мицелийси ўсиб кетиши туфайли томирларнинг ичи тўлиб, тиқилиб, сув қисман ёки бутунлай ўтмайдиган бўлиб қолиши мумкин. Паразит токсик метаболитлари ҳам томирлар ўтказувчанлиги йўқотилишига сабаб бўлиши мумкин. Токсик моддалар таъсирида ўсимлик ўтказувчи томирларининг ички қисмларида ўтказувчи найларининг ўзак нурлари ҳужайраларидан ўзига хос ўスマлар – *тиллар* ўсиб чиқади, улар томир ички қисмларининг анча ҳажмини эгаллаши ва томир ўтказувчанлигини камайтириши мумкин.

Данакли мевали дарахтлар цитоспороз қўзғатувчиси (*Cytospora leucostoma*) нинг токсинлари таъсирида заарланишдан бир сутка ўтгандаёқ,

новда томирларида елимсимон моддалар пайдо бўлади ва улар томирларнинг ички йўлларини бутунлай бекитиб қўяди.

Хужайралар сув билан таъминланиши тартиби бузилиши бутун ўсимлик ёки унинг айрим қисмлари нобуд бўлишига олиб келади.

**Фотосинтез бузилиши.** Патологик жараён, ўсимлик баргларининг бир қисми нобуд бўлиши ёки баргда қўзғатувчи замбуруғ мицелийси ўсиши туфайли, одатда фотосинтетик жараён сусайишига олиб келади. Касал ўсимликка хос бўлган белги – хлорофилл микдори камайиши – паразит микроорганизмлар таъсирида хлоропластлар емирилиши билан боғлик. Фотосинтез фаоллиги камайишининг сабаби заарланган ўсимлик флоэмасининг ҳужайралари нобуд бўлиши туфайли фотосинтез маҳсулотлари баргдан ўсимликнинг бошқа қисмларига оқиб бориши (транспорти) жараёни бузилиши ҳам бўлиши мумкин.

Фотосинтетик жараён камайиши даражаси фитопатоген организм хусусиятлари, ўсимлик заарланиш даражаси ва патологик жараённинг қайси босқичда эканлигига боғлик. Факультатив паразитлар қўзғатадиган касалликлар патологик жараённинг илк босқичларидаёқ фотосинтетик фаолиятни камайтира бошлайди. Агар патологик жараённи облигат паразитлар қўзғатган бўлса, унинг илк босқичларида фотосинтез даражаси камаймаслиги, ҳатто кучайиши мумкин. Бу облигат паразитлар факат ҳўжайин ўсимликларнинг тирик ҳужайралари билан озиқланиши билан боғлик.

**Карбонсувлар алмашинуви бузилиши.** Ўсаётган ўсимликларда карбонсувлар микдорини аниқловчи фотосинтез даражаси кучли равишда патологик жараён даражасига боғлик. Ўтказувчи система заарланганида фотосинтез маҳсулотларининг ассимиляция органларидан ўсимликнинг бошқа қисмларига транспорти ҳам бузилиши мумкин. Карбонсувлар ҳам ўсимлик, ҳам касаллик қўзғатувчиси учун асосий энергия манбай бўлгани учун, касаллик оксидланиш-тикланиш жараёнларини кучайтириши бу моддалар кўп сарфланишига олиб келади. Натижада патологик жараён организмнинг карбонсувлари камайиб кетишига ва мураккаб заҳира карбонсувлари гидролизи кучайишига олиб келади. Фаол гидролитик ферментларга эга бўлгани учун, факультатив паразитлар облигат паразитларга нисбатан заҳира карбонсувларни кучлироқ парчалайди.

**Азот алмашинуви бузилиши.** Заарланган ўсимликнинг таркибида азот бўлган бирималари ўзгариши шартларидан бири – патоген микроорганизмларнинг протеолитик ферментлари мавжуд бўлишидир. Оқсиллар парчаланиши ва аминокислоталар тўпланишини паразит

токсинлари таъсирида фаоллашган хўжайин ўсимликнинг ўзининг протеазалари ҳам амалга ошириши мумкин.

Айни пайтда касал ўсимликнинг азот алмашинувига касаллик таъсирида пайдо бўлган карбонсувлар алмашинувидаги ўзгаришлар таъсир қилади. Масалан, фотосинтез бузилиши ёки касаллик қўзғатувчиси карбонсувларни сарфлаши туфайли хужайралар карбонсувларга очиқиб қолиши оқсиллар парчаланиши кучайишига олиб келади. Касаллик қўзғатувчилари учун энергия манбаи сифатида аҳамияти бўйича оқсиллар иккинчи ўринда туради. Ундан ташқари, оксидловчи ферментлар фаоллашиши натижасида ўсимликнинг ўзининг оқсил билан озиқланиши кучаяди.

Ўсимлик ҳаётида оқсиллар муҳим фаолиятларни бажариши туфайли, оқсил алмашинуви бузилиши касал ўсимликнинг бутун модда алмашинувига салбий таъсир қилади.

**Нафас олиши бузилиши.** Ўсимликлар касалланиши ҳолларининг аксариятида ўсимлик нафас олиши олдин анча фаоллашади, кейинчалик эса пасаяди. Бу жараён кучайишининг даражаси биринчи навбатда қўзғатувчи ва ўсимлик тўқималари хусусиятлари билан аниқланади. Сақланаётган меваларнинг нафас олиши кучайиши бир қатор фақультатив паразитлар фаолияти билан боғлиқ. Масалан, қўк моғор (қўзғатувчи *Penicillium digitatum*) билан заарланган лимонларнинг нафас олиши деярли 10 марта кучаяди.

Патоген билан муносабатга кирган ўсимлик нафас олишининг фаоллашиши оксидловчи ферментлар фаоллиги ўзгариши билан бирга кузатилади. Патологик жараёнларнинг аксарияти заарланган тўқималарда пероксидаза фаоллиги кучайишига олиб келади. Картошка рак қўзғатувчиси (*Synchitrium endobioticum*) билан заарланганида бу ферментнинг фаоллиги 1,5 мартадан 8 марта гача кучайиши мумкин.

Кўп касалликлар, мисол учун картошка фитофторози (қўзғатувчиси *Phytophthora infestans*), сабзи фомози (қўзғатувчиси *Phoma rostrupii*) полифенолоксидаза ферментининг фаоллиги кучайишига олиб келади.

Патологик жараён барча босқичларини ферментлар назорат қилиб турадиган ўсимлик модда алмашинувини бузади. Шу сабабдан, карбонсувлар ва оқсил алмашинуви ҳамда нафас олиш жараёнлари бузилиши муайян – гидролитик, протеолитик, оксидловчи ферментлар гурухларининг – ўзгаришлари билан узилмас шаклда боғлиқдир.

Шундай қилиб, патологик жараён ўсимлик модда алмашинуви ва ўсимлик ўсиши ва ривожланиши бузилишига, натижада ҳосил пасайишига


олиб келади. Ўсимлик ҳаётидаги бузилишлар қанча кучли бўлса, касаллик туфайли қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосили ўшанча кўп пасаяди.

## 2. Ғўзанинг замбуруғлар келтириб чиқарадиган хавфли касалликлари

### 2.1. Ғўзанинг илдиз чириши касаллиги ва унга қарши кураши чоралари

Дунёда ғўзада 100 тадан ошиқ касалликлар учрайди ва улар ҳосилнинг анча қисмини нобуд қиласди. Ғўза касалликларининг тарқалиши ҳар хил бўлиб, баъзилари дунё бўйича барча минтақаларда кенг тарқалган бўлса (мисол учун ниҳол ва илдиз чириши касалликлари), бошқалари 1 ва 2 та мамлакатда ёки 1 ва 2 та минтақада учраши мумкин. Мисол учун, кўмирсимон илдиз чириши асосан Ҳиндистон ва Покистоннинг айрим қисмларида учраса, вирус қўзғатадиган “кўк касаллик” – фақат марказий Африкада, техас илдиз чириши эса АҚШнинг жануби-ғарбий штатлари ва шимолий Мексиканинг ишқорли қора тупроқли минтақаларида учрайди.

Дунёнинг барча ғўза экиладиган мамлакатларида, ғўза касалликлари туфайли ҳар йили ҳосилнинг 13-14 % нобуд бўлади. Шу йўқотилаётган ҳосилнинг 3 % ини ниҳол касалликлари ташкил этади. Нима учун ниҳол касалликлари жуда хавфли ҳисобланади? Чунки, биринчидан, олимларнинг ҳисобига кўра, чигит униб чиққандан кундан бошлаб 30 кун ичида, ўсиш ва ривожланиш даврида йиғилиши мумкин бўлган (потенциал) пахта ҳосилининг 80 фоизининг асоси, негизи яратилар экан. Иккинчидан, Ўзбекистоннинг кўпчилик вилоятларида ҳар йили ўртacha ғўза экилган далаларнинг энг камида 10-15 фоиз, баъзи йилларда эса 70-80 фоизгача майдонларини бузиб, қайта экишга тўғри келади. Тупроғи замбуруғлар билан кучли заарланган далалар, об-хаво ноқулай бўлган йиллари, баъзида 2 ва 3 мартараб қисман ёки бутунлай қайтдан экилади.



## **1-расм. Фўзанинг илдиз чириш (чапда) ва қора илдиз чириш касалликлари**

Илдиз чириш касаллигини *Rhizoctonia solani* замбуруғи келтириб чиқаради. Чигит унишдан олдин чириши, чигит унаётган пайтда яъни уруғпалла ҳосил бўлишидан олдин ёки унинг тупроқ юзигача бўлган йўлида чириши, униб чиқсан ниҳол поясининг тупроқ юзасига энг яқин қисми нозиклашиши, халқасимон яра билан қопланиб чириши ва ниҳол нобуд бўлишига олиб келади (1-расм). Илдиз чириш касаллиги ўсимликларни узоқ муддатга нимжон қилиб қўяди ва натижада ҳосилдорлик пасаяди. Мисол учун замбуруғлар таъсиридан ўқ илдизнинг тупроқ юзасидан 5-7 см даги пастки қисми чириши, ўсимликни фақат бир нечта юзаки ён илдизларга қарам қилиб қўяди. Бундай ўсимликлар ёзда ҳаво исиб, ёш кўсаклар ривожлана бошлаган пайтда тупроқдаги намлик етарли бўлса ҳам нобуд бўлади. Тупроқ ва ҳаво ҳароратининг паст бўлиши, уруғликни тавсиядагидан чуқурроқ экиш, қатқалоқ, тупроқнинг ортиқча намлиги, яхши юмшатилмаганлиги, патоген замбуруғлар билан заарланганлиги илдиз чириш касаллигининг кўпайишига олиб келади.

**Кураш чоралари.** Агротехник кураш чораларини амалга ошириш. Чигитни 9 фоизли сульфат кислотаси билан туксизлантириш. Бунда чигит тукидаги бактериялар 100 фоиз нобуд бўлади. Уруғлик чигитнинг сифатлисини экиш. Чигит сифатини дастлабки аниқлаш учун уни кесиб кўриш лозим; муртаги оқ ёки сарғишроқ-оқ бўлиши, қўнғир, кулранг ёки қорайган бўлмаслиги керак. Уруғлик 3-5 смдан чуқур экилмаслиги керак, чунки жуда чуқур экилган чигит кечроқ чиқиши ва гипокотиль узунроқ бўлиши унинг касаллик қўзғатувчи организмларга дуч келиши эҳтимолини оширади. Уруғ дорилагичлардан қуйидагиларни ишлатиш лозим:

1. Паноктин 35% с.э. (сувли эритма) Истроил – 4 л/т уруғга.
2. Витавакс 200 ФФ 34% с.сус.к (мойли суспензия конценрати) Англия – 5 л/т уруғга.
3. Витарос 34% с.сус.к. (мойли суспензия концентрати) Россия – 5 л/т уруғга.
4. Пахта М 20% кук. (кукун) Ўзбекистон – 5 кг/т уруғга. Булардан ташқари Дармон-4, Гаучо, Далвакс, Барака, Полисанд, Дорилин, Ҳимоя, Бахор, Монцерн ва бошқа уруғ дорилагичларни ишлатиш мумкин.

### **2.2. Фўзанинг вертициллёз сўлиши касаллиги ва унга қарши кураш чоралари**

Вертициллёз сўлиш фўзани ҳарорат қулай пайтда ( $20-24^{\circ}\text{C}$ ) уруғбаргдан бошлаб, барча фазаларида заарлайди, аммо кўзга яққол ташланадиган белгилари кўп ўсимликларда шоналаш давридан бошлаб кузатилади. Касалликни дейтромицетлар синфиға оид *Verticillium dahliae* замбуруғи

қўзғатади. Замбуруғ ғўза илдизига кириши билан касалликнинг биринчи белгилари пайдо бўлиши орасида 7-10 ёки 8-16 кун ўтади. Ургубарг вилт таъсирида яшил рангини йўқотиб, оқаради ва қурийди. Биринчи чин барглар четида ва бош томирлари орасида олдин оқиши сарғиш хлороз, сўнгра қўнғир некротик доғлар ривожланади, барг орачипор бўлиб қолади. Вилтнинг бошқа белгилари – барглар тўқ яшил тус олиши, ғўза бўйи паст бўлиб қолишидир. Касалликка ўта мойил навларда олачипор доғланиш тезда барча юқори ярус баргларига ўтади, улар тушиб кетмасдан, ғўзада турган жойларида қуриб қолади. Чидамли навлар барглари ҳам доғланади, аммо уларда, ҳатто об-ҳаво касаллик учун қулай бўлганида ҳам вилт кучли ривожланмайди. Ҳарорат кўтарилиши ( $26^{\circ}\text{C}$  дан юқори) билан вилт ривожланиши ҳатто мойил навларда ҳам камаяди.

Вилтни аниқлаш мақсадида дала шароитида энг кўп қўлланиладиган усул – бош пояни қия ҳолатда кесиб қўришдир. Поянинг ички қисмларида қўнғир доғлар кузатилади. Ундан т ашқари ғўза шохлари, барг банди ва бош томирларида ҳам қўнғир ёки тўқ – қўнғир доғлар кузатилади.

Замбуруғнинг вирулент ирқлари ғўзанинг барча баргларини ва бутун ўсимликни тезда сўлдири мумкин. Бунинг сабаби – касалланган экиннинг найчасимон ксилема тўқималари гель (шилимшиқ) моддаси билан тўлиб, тиқилиб, сув ва озуқа моддалрни ўтказмай қўйиши ҳисобланади.



**2-расм. Ғўзанинг вертицеллёз сўлиш касаллиги**

Бир туп ғўзада минглаб микроскероций ҳосил бўлади. Бу касаллик билан асосан ўрта толали ғўза навлари заарланади. Ингичка толали навлар анча кам заарланади.

Ҳаво ва тупроқ ҳарорати паст бўлиши ғўза вилт билан заарланиши ва касаллик ривожланишига катта таъсир кўрстади. Вилт учун баҳорнинг салқин об-ҳавоси, айниқса ҳарорат кечаси  $18^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлиб, кундузи  $32-35^{\circ}\text{C}$  дан ошмаслиги жуда қулай келади. Айниқса, ушбу ҳароратда, ёмғир ёки суғориш натижасида тупроқ намлиги 50-80 фоиз орасида бўлиши касаллик ривожланиши учун оптимал шароит туғдиради. Ёз ўртасида вилт ривожланиши секинлашиб, охирида яна кучаяди (2-расм).

Вилтнинг асосий инфекция манбаси – тупроқда эркин ҳолда ёки ўсимлик қолдиқларида сақланадиган замбуруғ микросклероцийлари ҳисобланади. Улар бирнчи навбатда далада тупроққа ишлов бериш машиналари ва асбоблари ёрдамида, камроқ суғориш пайтида ёки шамол ёрдамида тарқалади.

Олимларнинг 1966, 1974, 1983 йиллардаги маълумотларига кўра вертициллёз вилт туфайли Республикамизда ҳосилнинг 10-15% қисми йўқотилган. 1968-1969 йилларда Янгийўл тумани хўжаликларида вилт эрта бошланганда 70%, кеч кузатилганда эса 21% га ҳосил йўқотилган.

**Кураш чоралари:** Алмашлаб экишни яхши ташкил этиш. Ғўза якка хокимлигига, ҳатто чидамли нав экилса ҳам, тупроқда вилт инфекцияси миқдори йилдан-йилга кўпаяверади, чунки патоген ҳам чидамли, ҳам мойил навларда янги инокулюм ҳосил қиласи. Вилтга қарши курашда тупроқдаги замбуруғ пропагулаларини миқдорини камайтириш ёки чидамли (толерант) навлар экиш орқали касалланишини олдини олиш керак бўлади. Тупроқни вилт инфекциясидан тозалашда алмашлаб экиш учун энг самарали экинлар қаторига шоли, буғдой, маккажўхори, оқ жўхори, соя, саримсоқ, пиёз қанд лавлаги ҳамда беда киради.

Чидамли навларни экиш ғўзани вертициллёз вилтдан ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади. Аммо самарали комплекс кураш чоралари қўлланилмаса чидамли навлар ҳам заарланиши тезлашади.

**Кимёвий ва биологик кураш чоралари:** Уруглик чигитни дорилаш, тупроқни фумигация қилиш, фунгицидларни тупроққа солиш ёки ўсув даврида пуркаш киради. Вилт инфекциясидан чигит фунгицидлар билан ниҳол касалликларига қарши дорилаш ёки кислота ёрдамида туксизлантириш пайтида тўла тозаланади. Касалликнинг асосий манбаси – тупроқни заарсизлантириш мақсадида фумигантлар (карбатион, метам, хлорпикрин) ва фунгицидлар (нитрафен, бенлат, тиабендазол, узген, алгин) ва ўсув даврида пуркаш учун эса бенлат синаб кўрилган. Аммо фумигантлар ғўза

бўйини паст қилиб қўйган, фунгицидлар иссиқхонада яхши самара берган, очик далада самараси пастлиги ҳамда қўллаш меъёрлари яъни – узген 50-150 кг, нитрафен 100-120 кг юқорилиги иқтисодий томондан мос келмаслигига олиб келади. Шунинг учун бу усул катта бўлмаган майдонларда касаллик манбаларини йўқотиш учун ишлатилиши мумкин. Ўзбекистонда вилтга қарши ўсув даврида сепиш учун КМАХ, биологик кураш учун эса тупроққа 15-20 кг/га триходермин препарати солиш тавсия этилади. Минерал ўғитларни балансида солиш ўсимликни вилт ва бошқа касалликларга чидамлилигини оширади.

### **2.3. Ғўзанинг фузариоз сўлиши касаллиги ва унга қарши кураши чоралари**

Фузариоз сўлиш ғўзани барча ўсиш даврида заарлайди. Уруғбарг ва ёш ниҳолларнинг барча барглари сарғаяди ёки қизғиш-сариқ, сўнгра қўнғир доғлар билан қопланади, тўкилиб кетади, ниҳол яланғоч бўлиб қурийди. Ғўзанинг ингичка ва ўрта толали навларини ҳам заарлайди. Заарланган ниҳоллар ва етилган ўсимликларнинг бўйи пасаяди, поя бўғин оралари узунлиги камаяди. Уларнинг пояси ичидаги ўтказувчи тўқима найлари қўнғир тус олади. Фузариоз сўлишнинг белгилари вертициллёз сўлишнидан фарқ қиласи, аммо дала шароитида бу иккита касалликни ажратиб бўлмайди ёки жуда қийин бўлади (3-расм).



**3-расм. Ғўзанинг фузариоз сўлиш касаллиги**

Касалликни *Fusarium oxysporum f.vasinfectum* замбуруғи келтириб чиқаради. Лаборатория озуқа муҳитида у вегетатив мицелий, микро ва макронидия ҳамда хламидоспоралардан иборат колония ҳосил қиласи. Вилт билан заарланган ўсимликлар фитопатологик таҳлил қилинганда фузариум оксиспорум ташқари бошқа фузарум турлари ҳам ажралиб чиқиши

мумкинлиги аниқланган, лекин бу касалликни қўзғатувчиси фақат фузарум оксиспорум деб тан олинган.

Фузариоз сўлиш вертициллёз сўлишга нисбатан иссиқсевардир. Замбуругнинг мицелий ва конидияларининг ўсиши, ўсимликни заарлаши ва касаллик ривожланиши  $7-10^{\circ}\text{C}$  ва  $30-32^{\circ}\text{C}$  орасида кузатилади, аммо ҳарорат  $18-27^{\circ}\text{C}$  оптимал ҳисобланади. Паразит учун қулай тупроқ намлигши 40-70%, оптимал 50-60%га teng. Юқори намлик ва  $60^{\circ}\text{C}$ . ҳароратда замбуруғ 5 дақиқада нобуд бўлади, аммо қуруқ шароитда замбуруғ хламиdosпоралари  $80^{\circ}\text{C}$  иссиқда ва  $20^{\circ}\text{C}$  совуқда қолганда ҳам яшовчанлигини йўқотмайди.

Замбуруғ ғўза илдизларининг ўтказувчи томир системасига илдизлардаги ҳар хил яралар орқали ёки соғлом илдиз қобиғини бевосита тешиб киради. Замбуруғ ўтказувчи томир системасига киргач касаллик ривожланади. У ҳосил қиласиган микроконидиялари ўтказувчи томир системаси ичидағи фаол нафас олиш оқимлари ва ўсимлик ширалари ёрдамида юқори қисмларида жойлашган илдиз, поя ва баргларда тарқалади. Касаллик ривожланган фазаларида замбуруғ ғўзанинг энг тепа қисмларидаги органлаидан ҳам ажратиб олинган.

Фузариоз сўлишнинг қўзғатувчиси тупроқда 0-60 см, баъзида 1 метргача чуқурликда, эркин ҳолда ёки ғўза ва бошқа мойил экинлар қолдиқларида ҳамда бошқа органик материалларда узоқ муддат сақланади. Касаллик манбаси заарланган тупроқ, бошқа манбалари –уруглик чигит, сув, ғўзапоя, ишчи қуроллари киради. Фузариоз сўлишнинг дала ичидаги ёки бир даладан иккинчисига асосан сув ёрдамида тарқалиши аввал Ўзбекистонда (1954) сўнгра Истроилда (1983) исботланган. Тажрибалар замбуруғлар билан заарланган даладан ифлосланиб чиқкан сув, қўшни далада 50-70 фоиз ниҳол нобуд бўлишига олиб келганлигини кўрсатган.

Ўзбекистонда фузариоз сўлиш Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ингичка толали ғўзада кенг тарқалган. Сурхондарёда 1960-1978 йиллар орасида 7 та мавсумда касаллик кучийиши кузатилган. Кейинги йиллрад ўрта толали ғўза навларини ҳам заарлаши кузатилмоқда. Фузариоз сўлиш ўрта толали ғўза навларида ҳам ўз ареалини кенгайтириб, вертициллёз вилтга нисбатан кўпроқ тарқалиши ва катта зиён келтириши кузатилмоқда.

### **3. Ғалла донли экинларнинг замбуруғлар келтириб чиқарадиган хавфли ва инвазив касалликлари**

#### ***3.1. Илдиз чириши касаллиги ва унга қарши қураш чоралари***

Буғдой бир нечта илдиз чириш касалликлари билан заарланади, улар бир-биридан ташқи белгилари ва қўзғатувчилари билан фарқ қиласиди.

Ўзбекистон шароитида *Fusarium culmorum*, *F.gubbosum*, *Rhizoctonia solani* ва бошқа замбуруғлар келтириб чиқаради.

Кузги буғдой лалми ерларда баҳори экинларга нисбатан 20-40% кўпроқ ҳосил беради. Аммо баъзида экинлар жуда сийрак бўлиб қолади ва бу ҳолларда уларнинг баҳори буғдойдан устунлиги йўқолади. Бунинг асосий сабабларидан бири-уруғликни кузда қуруқ тупроққа экуишdir. Экишдан кейин ёмғир бўлмаса, уруғлик тупроқда 2-3 ҳафтадан 1-2 ойгача унмасдан қолади; уларнинг устини ҳар хил мөғор замбуруғлари қоплайди. Натижада ургунинг униш қобилияти пасаяди ёки йўқолади, баъзан улардан нимжон, илдизи чириган майсалар унади, экин жуда сийрак бўлади, ҳосил эса 5-10% дан 40-50% гача камаяди. Суғориладиган ерларда бу ҳол кўп учрайди, айниқса сув кеч берилса ва уруғлик сифати паст бўлса, уруғликнинг ички ва устки қисмлари илдиз чиришни чақириувчи патоген замбуруғлар билан заарланган бўлса, майсаларда илдиз чириш ва сийракланиш ҳоллари кузатилади, ҳосилдорлик 1-3 % дан, 10-20 %гача камайиши мумкин.

**Кураш чоралари:** Уруғликка фақат замонавий уруғ дорилагичлар билан ишлов бериш лозим.

### **3.2. Бугдойнинг қора куя ва қаттиқ қора куя касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари**

Бу касаллик билан Ўзбекистонда 0,5-1,0% экин майдонлари заарланади, аммо уруғ дориламасдан ёки сифатсиз дориланиб экилганда қора куя 10-20% гача майдонда тарқалади. Касаллик бир йилдан иккинчи йилга фақат уруғлик доннинг ичидаги ўтади.

Коракуяларни қўзғатувчи замбуруғлар Basidiomycota бўлими, Ustilaginomycetes синфи, Ustilaginales тартиби, Ustilaginaceae оиласининг қуйида кўрсатилган учта туркумига мансуб замбуруғлар бўлиб, улар маданий ва ёввойи ҳолда ўсадиган кўп бошоқли (ҳамда сўтали ва рўвакли) ўсимликларни заарлайди. Бунда бошоқлар (сўталар, рўваклар) ёки бошоқларнинг алоҳида қисмлари бутунлай ёки қисман кукун шаклли телиоспора тўдаларига айланади.

Бугдой чанг қоракуяси типи – ўсимлик гуллаш пайтида гул орқали заарланади. Мицелий уруғдонга, сўнгра муртакка ўтади, уни заарлайди ва ҳосил бўлган, ташқи кўриниши соғлом бўлган дон ичидаги сақланади. Кейинги мавсумда бундай дон унганда, мицелий ҳам ўсади ва ўсимликларда системали (диффуз) шаклда ривожланади ва уларда касалликнинг – чанг қоракуяларнинг белгилари намоён бўлади. Бунда ўсимлик бошоқларида дон ўрнига телиоспора тўдалари ҳосил бўлади (4-расм).



**4-расм. Буғдойнинг чанг қоракуя касаллиги**

Буғдойда қаттиқ қоракуяни *Tilletia tritici* (=*T. caries*) ва *Tilletia laevis* (=*T. foetidae*) замбуруғлари қўзғатади. Булар морфологияси, ривожланиш цикли ва касаллик ривожланиши бўйича бир-бирига жуда яқин турлар бўлиб, заарланган буғдойда ҳосил бўладиган қоракуя халтачаларининг ва телиоспораларининг шакли ва уларнинг қобигининг структураси билан бироз фарқланади.

**Кураш чоралари:** Ўзбекистонда экиладиган ғалла экинлари навларининг қоракуяларга чидамлилиги камлиги туфайли уларга қарши курашнинг энг самарали усули – уруғликни фунгицид билан дорилашdir. Уруғни замонавий системали таъсирли фунгицид билан дорилаш экинларни нафақат қоракуялардан, балки уруғ мөгорлашидан, майса ва илдиз чиришидан, экин сийрак бўлиб қолишидан, арпа доғланиши касалликларидан ҳамда экин униб чиққандан сўнг 20-30 кун давомида бошқа турли касалликлардан ҳимоя қиласди.

Маккажўхори пуфакли қоракуяси билан кучли заарланган ўсимликларни ва ерга тушган пуфакларни йигиб олиб, даладан ташқарида кўмиб ташлаш лозим.

### **3.3. Буғдойнинг ун-шудринг касаллиги ва унга қарши кураш чоралари**

Касаллик Ўзбекистонда кенг тарқалган бўлиб, ривожланиш даражасига кўра 2-3 % дан, 20-25 % гача ҳосилни нобуд қиласди. Биринчи белгилари ўсимликларнинг баргларида оқ пахтасимон ғуборлар ҳосил қиласди. Кейинчалик бу ғуборлар қалинлашиб кулранг ёки сарғиш-кулранг тусга

киради. Касаллик ҳаво ҳарорати 15-20 градус иссиқ ва 96-99 % намлик бўлгандада жуда тез тарқалади.

Касалликни *Blumeria graminis* замбуруғи келтириб чиқаради. Қўзғатувчи замбуруғнинг конидиялари шамол билан бошқа ўсимликларга осон тарқалади ва уларни заарлайди (5-расм).



**5-расм. Буғдойнинг ун-шудринг касаллиги**

Ёз охири-кузда касалланган органлар устида замбуруғнинг қишлоучи босқичи – клейстотецийлар пайдо бўлади. Уларнинг ичида аскоспоралар етилади ва униб чиқсан кузги экинларни заарлайди (Ўзбекистонда тажрибада исбот қилинмаган). Замбуруғ зааррланган ғалла ўсимликларида ҳамда ёввойи ҳолда ўсаётган бошоқли ўтларда мицелий воситасида қишилайди.

**Кураш чоралари:** Алмашлаб экиш, ерни чукур ҳайдаш, бегона ўтларни йўқотиш, баҳори ва кузги ғалла экинларини яқин жойлаштираслик, ун-шудрингга чидамли навлар яратиш ва экиш, касаллик кучли тарқалиши хавфи пайдо бўлса, тавсия қилинган фунгицидлардан бири билан ишлов бериш лозим.

### **3.4.Буғдойнинг занг касаллклари ва уларга қарши кураш чоралари**

Ғалла экинларининг занг касаллкларини Basidiomycetes синфи, Uredinales тартиби, *Russinia* туркумига мансуб бўлган бир неча тур қўзғатади. Ўзбекистонда экинга хавф туғдирадиган занг турлари қаторига фақат буғдойни заарлайдиган 3 та тур (*Russinia graminis* f. sp. *tritici*,

*Puccinia triticina*, *Puccinia striiformis* f. sp. *tritici*) киради, шунинг учун биз фақат шу учта турни ўрганамиз (6-расм).

Буғдой касалликларидан энг хавфлиси поя занги ҳисобланади, аммо у Ўзбекистонда ҳар доим мавсум сўнгида, фақат тоғолди минтақаларида учрайди, ўсимликларда ривожланиш даражалари ҳам паст, шу сабабдан иқтисодий аҳамиятга эга эмас. Шу билан бирга, ҳалқаро қ.х. ташкилотлари (CYMMIT, ICARDA, FAO) нинг маълумотларига кўра, Шарқий Африка (Уганда) да бу касаллик қўзғатувчисининг янги, олдин чидамли бўлган навларни ҳам заарлайдиган, иссик ва қуруқ об-ҳаво шароитларига чидамли физиологик ирқи пайдо бўлган ва у шарқ ҳамда шимолий-шарқ йўналишида тарқалиб келмоқда.

Бу ирқ 2007 йилда Эронга етиб келган, Ўзбекистон (ва бошқа М. Осиё давлатлари) га кириш ва буғдойни қучли заарлаб, ҳосилга катта заар етказиш хавфи катта. Буғдой касалликларидан энг кенг тарқалгани буғдойнинг қўнғир занги (барг занги) ҳисобланади, у Ўзбекистонда ҳам барча буғдой экиласдиган минтақаларда ҳар йил учрайди, баъзи далаларда қучли ривожланади ва ҳосилга сезиларли зарар етказади.



6-расм. Буғдойнинг поя занг (чапда) ва қўнғир занг (ўнгда) касалликлари

Сариқ занг буғдойда Ўзбекистоннинг барча буғдой экиласдиган минтақаларда ҳар йили учрамайди, одатда Сурхондарё вилоятининг айrim туманларида кўпроқ кузатилади. Бу касаллик бир неча (6-10) йилда бир марта кўп вилоятларга тарқалиши ва эпифитотия шаклида ривожланиб,

хосилга жуда катта заарар етказиши мумкин. Охирги бундай эпифитотия 1999 йилда кузатилди, бунда касаллик Сурхондарё вилоятида бошланиб, у ердан Сирдарё вилоятигача бўлган барча вилоят ва туманлар далаларида ривожланиб, аксарият далаларда хосилнинг энг камида 40-50 фоизини нобуд қилди.

**Кураш чоралари:** 1). Тилзол 25% эм.к. 0,5 л/га; 2). Титул 390 к.э.к. 0,26 л/га; 3). Альто Супер 33 % эм.к. 0,3 л/га. 4). Байлетон 25% н.кук. 1,0 кг/га. Импакт 25% сус.к. 0,25-0,5 л/га ва бошқалар.

### **3.5. Бугдойнинг доғланиши касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари**

Буғдойда икки хил доғланиш касалликлари учрайди: қорамтир-қўнғир (*Bipolaris sorokiniana*) ва сариқ (*Drechslera tritici*) доғланиш. Сариқ доғланиш Ўзбекистоннинг айрим вилоятларида кенг тарқалган. Об-ҳаво экин учун ҳам, касаллик учун ҳам қулай (20-25оС ҳарорат, 100% ҲНН, ёмғир) келганда, сариқ доғланиш кучли ривожланиши мумкин ва чидамли навларда хосил 5-10 %, чидамсиз навқларда эса 20-40 % гача камайтириш мумкин.

Касалликни *Drechslera tritici* замбуруғи келтириб чиқаради. Сариқ доғланиш касаллиги буғдой баргларида олдинига кичик, думалоқ, қўнғир, кейинчалик катта доғлар ривожланиши билан ажралиб туради. Доғлар устида хосил бўлган конидиялар 20-25 градус ва 100 % ҳаво нисбий намлигига экинларда ёмғир томчилари ва шамол ёрдамида тез тарқалиб, кучли зарар етказиши мумкин.

Сариқ доғланиш касаллиги буғдойда Ўзбекистон ва Тожикистанда биринчи марта 1985-1986 йилларда аниқланган. Кейинчалик буғдойнинг бу касаллиги Ўзбекистоннинг айрим минтақаларида ва Шимолий Қозоғистонда кенг тарқалганлиги исботланган.

Буғдой якка ҳокимлиги (айни далаларга ҳар йили қайта экилиши), ерни чуқур ҳайдамаслик, тупроқда азот етишмаслиги, қўлланилган ўғитда моддалар баланси сақланмаган бўлиши касаллик кучайишига олиб келади

**Кураш чоралари:** 1) Чидамли навлар яратиш ва қўллаш.

- 2) Агротехник чора-тадбирлар (алмашлаб экиш, бегона ўтларни йўқотиш).
- 3) Экинга элементлар баланси сақланган ўғитларни ўз вақтларида солиш.
- 4) Ўсимлик бошоқ чиқариш пайтида доғланиш баргларда 5-10% га етса ва башорат бўйича касаллик учун қулай об-ҳаво кутилса, экинга самарали фунгицидлардан бирини пуркаш лозим (сариқ доғланишга қарши триадимефон, тиофанат-метил, беномил каби фунгицидлар самара бермаслигини эсда тутиш лозим).

### ***Мұхокама учун саволлар***

1. Қишлоқ хұжалик әқинлари касалліклари олдини олиш ва уларни бартараф этиш усуллари модулининг асосий вазифаси нимадан иборат ва нимани үрганади?
  2. Қишлоқ хұжалик әқинлари касалліклари олдини олиш ва уларни бартараф этиш усуллари модули қандай фанлар билан яқындан боғлиқ?
  3. Касаллікнинг әқинларга бевосита ва бавосита таъсирларини таърифлаб беринг.
  4. Ўсимлиklärни касалліклардан үйғунлашған ҳимоя қилиш системасининг моҳияти нима?
  5. Ўзбекистонда ўсимлиklärни ҳимоя қилиш соҳасида қандай давлат ташкилотлари иш юргизади ва уларнинг фаолиятлари нимадан иборат?
  6. Республикаизда сўнгги йилларда ғўзада кенг тарқалаётган замбуруғ касалліклари қайсилар?
  7. Республикаизда сўнгги йилларда кенг тарқалаётган буғдойнинг замбуруғли касалліклари қайсилар?
  8. Инвазив касалліклар қандай касалліклар ҳисобланади?
  9. Ғўзанинг юқумсиз касаллікларини юзага келишига нима сабаб бўлади?
  10. Ғўзанинг вилт касаллиги ўсимлиќнинг қайси даврида қўпроқ зарар келтиради?
  11. Буғдой майдонларида сўнгги ўн йилликда кенг тарқалаётган касаллікларнинг номлари нима?
- Фойдаланилган адабиётлар:**
1. Ҳасанов Б.А. Қишлоқ хұжалик әқинларининг касалліклари ва уларга қарши кураш чоралари. Тошкент, 2013, 207 б.
  2. Ҳасанов Б.А. ва бошқалар. Ғўзани заараркунанда, касалліклар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш. Тошкент, 2002, 379 б.
  3. Тўрақулов Х.С. ва бошқалар. Буғдойнинг занг касалліклари. Тошкент, 2015, 119 б.
  4. Гулмуродов Р.А. Буғдойнинг майса, илдиз, поя чиришлари, қоракуя, ун-шудринг касалліклари ва уларга қарши кураш чоралари. Тошкент, 2016, 159 б.
  5. Койшыбаев М. Болезни пшеницы. Анкара, 2018, 364 с.

### **2-МАВЗУ. МЕВАЛИ ДАРАХТЛАР ВА ТОҚДА ТАРҚАЛГАН ҲАМДА ЯНГИ ТАРҚАЛАЁТГАН КАСАЛЛІКЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ**

**РЕЖА:**

1. Мевали дарахтларнинг тешикли доғланиш касаллиги
2. Уруғ мевали дарахтларнинг парша касаллиги
3. Токнинг замбуруғлар қўзғатадиган касалликлари

**Таянч сўзлар:** мевали дарахтлар, ток, ўрик, олма, парша, клястероспориоз, монилиоз, замбуруг, конидия, спора.

## 1. Мевали дарахтларнинг тешикли доғланиш (клястероспориоз) касаллиги

Клястероспориоз (тешикли доғланиш) касаллиги данакли мевали дарахтларда бутун дунёда тарқалган, ўрик ва шафтолига энг катта зарари МДҲда Марказий Осиё, Кавказ орти давлатлари, Молдавия ва Украинада кузатилади. Касаллик дарахтларни тез нобуд қилмайди, унинг зарари ҳосил микдори ва сифатини пасайтириши, янги новдалар ва шохлар ривожланишини камайтириши, дарахтни жуда заифлашига олиб келади.

Касалликни *Stigmina carpophila* (Стигмина карпофила) замбуруғи, синоними *Clasterosporium carpophilum* (Клястероспориум карпофилум) қўзғатади.

Ўзбекистонда клястероспориоз (монилиоз билан бирга) ўрикнинг иккита энг зарарли касалликларидан биридир, шафтолига ҳам иқтисодий зиён келтиради. Гилос, олча, тоғолча, бодом, олхўри ва *Prunus* туркумига мансуб бошқа турлар камроқ зарарланади. Баҳор сернам ва салқин келса (мисол учун, 2009 йилдаги каби), ўрик меваларининг усти қўтири билан қопланади ва уларнинг барчаси нафақат бозорбоплигини, балки истеъмол қилишга яроқлилигини ҳам йўқотади.

**Касаллик белгилари ва ривожланиши.** Касаллик билан дарахтларнинг барг, новда, куртак, гул, гул тугун, мева ва шохлари зарарланади. Уларда оч-жигарранг тусли, атрофида қизғиши-бинафша, қизғиши-қўнғир ёки тўқ-қизил ҳошияли доғлар пайдо бўлади. Доғлар олдин кичик нуқта шаклли, кейин ўсиб кенглиги 2-5 ммга етади, улардан елим оқиб чиқади. Доғлар билан қопланган тўқима 2-3 ҳафта ичида қуриб қолади ва тушиб кетади, барглар илма-тешик бўлиб қолади (7-расм).

Заарланган баргларнинг кўпчилиги тўкилиб кетади, натижада қишлоғчи куртаклар уйғонади, дарахтлар совуққа чидамсиз бўлиб қолади ва келгуси йил ҳосили камаяди. Заарланган куртаклар қўнғир тус олади ва нобуд бўлади. Баъзи заарланган гулкуртаклар соғлом бўлиб кўриниши мумкин, аммо кейинги йил баҳорда очилмайди. Заарланган гуллар тўкилиб кетади. Ўрик мевалари устида кичик, қизил ёки апельсин тусли, бироз ботик доғлар пайдо бўлади, улар ўсиб қизғиши-қўнғир ёки қўнғир, ўртаси очроқ тусли сўгалчаларга айланади.



**7-расм. Ўрикнинг клястероспориоз касаллиги**

Кучли заарланган меваларда сўгаллар қўшилиб кетади, мева қобиги дағал, терисимон шакл олади, қобик усти қўтирга ўхшаб қолади, улардан елим оқиб чиқади (расм). Ўрик новдалари камроқ заарланади, ёш новдалардаги доғлар барглардагига ўхшаш, нотўғри думалоқ шаклли, улар ўсади, чатнайди, бироз ботиқ шаклли яраларга айланади, қорамтири-қўнғир тус олади ва елим чиқаради. Вақт ўтиши билан, яралар билан заарланган новдаларнинг қўпчилиги нобуд бўлади. Кучли заарланган дараҳт ҳам нобуд бўлиши мумкин.

Шафтолининг ёш новдалари, шохлари ва куртаклари заарланади, мевалари камроқ шикастланади. Новдаларда дастлаб кичик, қизғиш, бўртган доғлар ҳосил бўлади, кейин улар узунчоқ, қўнғир ва қора тусли яраларга айланади (расм). Яралар новдани ўраб олиши ва нобуд қилиши мумкин. Улардан елим оқади. Новдалар заарланиши қўпинча куртаклардан бошланади. Замбуруғ мицелий, конидия ва хламиdosпоралари билан касал куртакларда (тангачалар остида) ва новдалардаги ҳар хил тешикларда, яраларда елим тагида ва қисман баргларда (шафтоли баргларида кам ҳолларда) қишлийди. Эрта баҳорда ҳарорат  $4-5^{\circ}\text{C}$  га етганда ёмғир сувида елим эрийди ва конидиялар ёмғир томчилари ичиди, шамол воситасида уйғонаётган куртаклар ва ёзилаётган баргларга тушади ва уларни бирламчи заарлайди. Конидиялар күшлар, ҳашаротлар, боғ қуроллари ва ҳоказолар билан ҳам тарқалиши мумкин.

Устида шилимшиқ модда мавжудлиги туфайли, конидиялар дараҳт аъзоларига яхши ёпишади. Дараҳтларнинг шохлари қалинлашиб кетиши касаллик кучайишига олиб келади. Замбуруғ ўсиши, конидиялар ривожланиши ва ўсиши учун оптималь ҳарорат  $(18)21-26^{\circ}\text{C}$ , минимум  $0-3^{\circ}\text{C}$  ва максимум  $28-29^{\circ}\text{C}$ . Қулай ҳароратда тез-тез жала ёғиб ва шамол бўлиб туриши касаллик ҳам баҳорда, ҳам кузда, жуда тез тарқалишига олиб келади.

**Кураш чоралари.** Энг самарали ва иқтисодий томондан маъқул кураш чораси – дaraohтларга фунгицид пуркашдир. Баҳорда куртаклар бўртишидан олдин ёки бўртиб бошлиши билан ҳамда кузда барглар тўкилгандан кейин 1% ДНОК (100 л сувга 1 кг), мис хлороксиди 900 г/кг, 4-8 кг/га ёки 3% Бордо суюқлиги (100 л сувга 3 кг мис купороси ва 3 кг оҳак), мавсум давомида эса 2-3 марта – гуллашдан кейин дарҳол ва 2-3 ҳафта сўнгра – 1% Бордо суюқлиги ёки бошқа бирор фунгицид (Байлетон 25% н.кук., 0,06-0,12 кг/га, 0,01-0,02% эритма, Скор 25% эм.к., 0,2 л/га, мис хлороксиди 900 г/кг, 4-8 кг/га, Хорус 75% с.э.г., 3,5 г/10 л сувга ва б.) пуркаш лозим.

Кузги ишловлар дaraohтларда янги яралар ҳосил бўлишининг олдини олади, аммо эскидан мавжуд бўлган яраларни йўқотмайди. Шу сабабдан, вегетация даврида касаллик кучли ривожланиши кутилганда мавсумда 2-3 мартағача 1%-ли Бордо суюқлиги ва Байлетон фунгицидларини юқорида кўрсатилган меъёрларда қўллаш; бунда биринчи ишлов ёзги инфекциянинг биринчи белгилари пайдо бўлганда, кейинги ишловлар, об-ҳаво келишига қараб (сернам об-ҳавода), ҳар 10-20 кунда бир марта берилади.

Гуллар очилган пайтда фунгицид пуркаш мумкин эмас. Агар дaraohт камроқ заарланган бўлса ва ёғингарчилик қўп бўлмаса, меванинг катталиги нўхатдай бўлган пайтда дaraohтларга бир марта фунгицид пуркаш уларни касалликдан тўла химоя қиласи. Бундай об-ҳаво Ўзбекистонда одатда қўп мавсумларда кузатилади.

Қўзғатувчи новдалардаги яраларда 3 йилгача сақланиши мумкин, шу сабабдан, касаллик ҳар йили кузатиладиган боғларда 2-3 йил давомида, ҳар йили кузда ва баҳорда заарланган шоҳларни буташ ва программа асосида мунтазам (ҳар 2 ҳафтада 1 марта) кимёвий ишлов бериш лозим. Заарланган новда ва шоҳларни фақат баҳорда ва кузда эмас, балки уларни кўргач, дарҳол буташ лозим. Бу ишловлар касаллик дaraohтнинг бошқа қисмларига ва бошқа дaraohтларга тарқалишининг олдини олади. Касаллик туфайли заифлашиб кетган ва қўп новдаларини йўқотган дaraohтларни баҳорда, ўсув даври бошланишидан олдин, қўшимча NPK ва микроэлементлар билан озиқлантириш даркор. Шоҳлар қалинлашиб кетишига йўл қўймаслик, баҳорда ва кузда барглар тўкилишидан олдин заарланган шоҳларни буташ ва уларни боғдан чиқариб, йўқотиш; кесилган жойларни оҳак сутининг 1% мис ёки 3% темир купороси билан аралашмасини суртиб, дезинфекциялаш; дaraohтни ёшартирувчи кесиши усулини қўллаш; агротехника қоидаларига риоя қилиш (тупроққа ишлов бериш, ўз вактида ўғитлаш ва суғориш); чидамли навлар экиш тавсия қилинади.

## **2. Уруғ мевали дaraohтларнинг парша касаллиги**

Калмараз (қўтири, парша) касаллиги олмада дунёниг барча мамлакатларида, жумладан Марказий Осиё давлатларида ва Ўзбекистоннинг барча вилоятларида тарқалган. Касалликни *Venturia inaequalis* замбуруғ тури қўзғатади.

**Касаллик белгилари.** Касаллик олма дарахтларининг барг, гулкосабарглари ва меваларини, барг ва мева бандларини, камроқ ҳолларда новда ва куртак тангачаларини (қобиғини) заарлайди. Баргларнинг пастки томонида жигарранг, кулранг ёки зайдун-яшил тусли доғлар ривожланади. Битта барг устида битта - иккитадан бир неча юзгача доғ пайдо бўлиши мумкин. Вақт ўтиши билан улар ўсади, қўшилиб кетади, доғ остидаги ҳужайралар нобуд бўлади, натижада доғлар баргларнинг пастки томонидан ҳам кўринади.

Усти доғлар билан тўла қопланган барглар буралиб, хунук шакл олади ва ерга тўкилади. Ёш меваларда барглардагига ўхшаш доғлар пайдо бўлади, сўнгра улар қўнғир тус олади, пробкалашади, усти чатнайди, меванинг шакли бузилади. Барг ва мева бандлари заарланиши улар тўкилишига олиб келади. Нам шароитда барг ва мевадаги доғларнинг устида юпқа, духобасимон, тўқ-зайдун тусли моғор қатлами ривожланади (8-расм).



8-расм. Олма мевасидаги парша касаллиги

Ёз охири – куз бошларида заарланган меваларда ташқи белгилар ривожланмайди ёки жуда кичик, тўқ-қўнғир доғлар пайдо бўлади, омборхоналарда сақлаш пайтида уларнинг диаметри 0,1-0,4 мм гача ўсади, думалоқ шакл ва қора тус олади. Касаллик омборхонада бошқа меваларга тарқалмайди. Заарланган новдаларда унча катта бўлмаган бўртмалар ривожланади, улар кейинчалик ёрилади ва новданинг усти кўп жойларидан чатнаб кетади; натижада новда ўсиши секинлашади, кўпинча қуриб қолади.

**Касалликнинг зарари.** Касаллик натижасида мева ҳосилининг микдори ва сифати бевосита (мевалар тўкилиши, бозорбоплигини йўқотиши, омборхоналарда сақлаш пайтида чириб кетиши) ва бавосита (барглар

тўкилиши, дарахтлар ривожланиши сусайиши, уларнинг қиши совуғига чидамсиз бўлиб қолиши, мевадаги яралар орқали бошқа ҳашарот ва микроорганизмлар кириб олиши ва мевани чиритиши) камаяди. Баҳорда салқин ҳаво ва юқори намлик кузатилганда ҳосилнинг 70 фойзигача ёки кўпроғи йўқотилиши мумкин; касаллик Ўзбекистонда (ва қўшни мамлакатларда) муҳим иқтисодий аҳамиятга эга.

**Касаллик ривожланиши.** Касаллик қўзғатувчи замбуруғ ерга тўкилган барг ва меваларда псевдотеций муртаклари ёрдамида қишлиайди. Замбуруғ 2 жинсли (гетероталлик) бўлиб, куз сўнги - қиши бошларида заарланган барг тўқимаси (мезофилл) ичидаги унинг ҳар хил жинсли намояндадарининг гифалари қўшилади; ҳосил бўлган янги гифалардан псевдотеций муртаклари ривожланади. Муртакларнинг кўпчилиги барг тупроқка тушгандан сўнг 4 ҳафта ичидаги пайдо бўлади. Улар ривожланишини давом эттириши учун  $0^{\circ}\text{C}$  ёки пастроқ ҳароратда тиним даврини ўтиши лозим. Тиним даврини ўтган муртаклар етилган псевдотецийларга айланади,  $8-10^{\circ}\text{C}$  оптимал ҳароратда, ҳар бир псевдотеций ичидаги 50-200 та халтacha ривожланади. Ҳар бир халтacha ичидаги 8 та аскоспора пайдо бўлади.

Аскоспоралар етилиши учун қулай ҳарорат  $16-18^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этади. Қишлиаган барглар эрта баҳорда намланган пайтда халтачалар псевдотеций учиға келади ва улардан аскоспоралар юқори осмотик босим таъсирида отилиб чиқади. Улар шамол билан дарахтларда очилаётган гул куртаклари ва биринчи очилган баргларга тушади.

Аскоспоралар бирламчи инфекция манбаи бўлиб хизмат қилади, улар етилиши ва тарқалиши 5-9 ҳафта давом этади. Барг ва гул куртакларига тушган аскоспоралар фақат томчи намлик (ёмғир, шабнам) мавжудлигига, ҳарорат  $1-27^{\circ}\text{C}$  ва нисбий намлик 95% дан юқори бўлганида ўсади ва ўсимлик тўқималарига кириб, заарлайди.

Заарланиш амалга ошиши ва заарланиш даражаси ҳаво ҳарорати ва намлик сақланишининг давомийлиги билан боғлиқ.  $1-2^{\circ}\text{C}$  ҳароратда заарланиш амалга ошиши учун томчи намлик барг ва гул куртаклари устида энг ками билан 48 соат мавжуд бўлиши лозим; оптимал ҳароратда ( $16-24^{\circ}\text{C}$ ) эса бунинг учун 9 соат кифоя.  $26^{\circ}\text{C}$  дан юқори ҳароратда тўқималар деярли заарланмайди.

Фақат ёш барглар заарланади, 25 кундан катта барглар заарланмайди. Тўқима ичидаги замбуруғ гифалари эпидермис ва кутикула орасида ривожланади ва кутикула тагида строма, унинг устида эса конидияларни ҳосил қилади. Конидиялар ҳаво нисбий намлиги энг ками билан 60-70% бўлганида, ўсимлик бирламчи заарлангандан 8-21 кун ( $17-21^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 8-9 кун) ўтганда пайдо бўлади.

Конидиялар иккиламчи ва ундан кейинги заарланишларни ҳамда касаллик ёз давомида тарқалишини таъминлайди. Ҳар бир дод устида 100 000 тагача конидия ҳосил бўлиши мумкин. Улар ёмғир ва шамол воситасида бошқа барг ва меваларга тарқалади, заарлайди, янги доғлар пайдо қиласди ва бу жараён мавсум давомида бир неча марта такрорланади.

Ўзбекистон шароитида замбуруғ 1 мавсумда 9-10 авлод беради. Тўкилган баргларда замбуруғ псевдотеций муртакларини ҳосил қиласди.

*Кураш чоралари. Агротехник ва санитария тадбирлари.* Боғни юқори агротехника талабларида парвариш қилиш, озиқлантириш, суғориш, ҳашаротларга қарши курашиш лозим. Замбуруғнинг қишлоғчи авлоди – псевдотецийлар миқдорини камайтириш максадида олма дарахтлари оралари очик бўлиши ва шамол яхши юришини таъминлаш (дарахт барглари ёмғирдан сўнг тез қуриши касаллик камайиши ёки йўқотилиши учун шароит яратади); дарахт тагини буташ, қуриган ва ортиқча ривожланган шохларни вақтида кесиб туриш; кузда ҳосил йифиб олингач, баргларга азотли ўғит (мисол учун, мочевина) ёки фунгицид пуркаш; дарахтлар барглари тўкилгач, уларни ва тўкилган меваларни йифиб олиш ва йўқотиш, дарахт атрофи ва қатор ораларини 20-30 см чуқурлиқда ағдариш, кузги шудгордан олдин гектарига 60-70 кг соф калий ва фосфор, ёзда ҳар бир дарахтга 1-1,5 кг аммофос ўғитини 2 марта бериш лозим.

Кимёвий кураш чораларини қўллашни эрта баҳорда бошлаш ва кейинчалик, об-ҳаво башоратларини ҳисобга ҳолда, ҳар 10-14 кун ўтганда такрорлаш керак.

Куртаклар ёйилишидан олдин қуйидаги препаратлардан бири пуркалади:

- Бордо суюқлиги, 3-4% ли эритма (100 л сувга 3-4 кг мис купороси ва 3-4 кг сўндирилган оҳак), мис купороси бўйича 30-60 л/га меъёрида (дарахт яхшилаб ҳўллангунича);

- Мис оксихлориди 90% н.кук., 0,3-0,5% ли эритма;
- Оҳак-олтингугурт қайнатмаси (ИСО), 5° ли;
- Темир купороси 53% э.кук., 2,0-3,0% ли эритма, 30-40 кг/га меъёрида дарахтларга ва остидаги тупроққа;

- Вектра 10% сус.к., 0,03% ли суспензия, 0,3 л/га меъёрида.
- Куртак ёйилиши даврида ҳам Бордо суюқлиги ёки Вектра билан юқоридаги кўрсатилган меъёрларда ишлов берилади.

- Дарахтлар гуллашигача ва гуллагандан кейин:
- Бордо суюқлиги, 1,0% ли эритма, мис купороси бўйича 10-20 л/га меъёрида, ёки;
- Вектра 10% сус.к., юқорида кўрсатилган меъёрда, ёки;

- Топсин-М 70% н.кук., 0,1% ли суспензия (100 л сувга 100 г), 1,0 л/га меъёрида пуркалади.

- Ўсув даврида:

- Байлетон 25% н.кук., 0,4 кг/га меъёрида, ёки;
- Импакт 25% сус.к., 0,01% ли суспензия, 0,1 л/га меъёрида, ёки;
- Оҳак-олтингугурт қайнатмаси, 0,5-1,0° ли эритма, ёки;
- Сапроль 20% эм.к., 0,1% ли эмульсия, 1,0 л/га меъёрида пуркалади.

Чидамли навлар экиш. Олма навларининг калмаразга чидамлилиги ҳар хил. Самарқанд тўнғичи, Ренет Симиренко, Розмарин, Голдспур, Делишес, Ренет Бурхардта, Апорт, Румянка алматинская ва Пеструшка навлари қаттиқ шикастланади. Ўртача чидамли навлар қаторига Антоновка, Боровинка, Жонатан, Либерти, Флорина, Голден Делишес, Старкримсон, Кандил Синап ва Ренет Ландсбергский навлари киради. Макфри, Пионер, Трент, Нова Изигро, Новамак, Ришелье ва Роувиль навлари чидамли, Прима, Присцилла, Сир Прайз, Жонафри ва Редфри навлари юқори чидамлиликка эга.

**Нокнинг калмараз** (қўтири, парша) касаллиги нокда дунёнинг барча мамлакатларида, жумладан Марказий Осиё давлатларида ҳам тарқалган, Ўзбекистонда барча вилоятларда учрайди. касалликни *Fusicladium pyrorum* замбуруғи қўзғатади.

**Касаллик белгилари.** Касаллик нок дарахтларининг барг, гулкосабарглари ва меваларини, барг ва мева бандларини новда ва куртак тангачаларини (қобиғини) заарлайди. Нок мевалари олмага кўра қаттиқроқ шикастланади, уларнинг устида (олдин гул бўлган томонда, кейин ёnlарида ҳам) доғлар пайдо бўлади, улар ўсиб катталашади ва қўшилиб, тўқ-қўнғир ёки қора тусли яралар ҳосил қиласди, мева хунук шакл олади, чатнаб кетади.

Каттароқ мевалар заарланганида уларнинг устида думалоқ, кичик (эни 2-5 мм), тўқ тусли доғлар ривожланади. Баргларда доғлар ҳар икки томонида пайдо бўлади, улар қўнғир тусли, думалоқ, эни 5-10 мм. Барг ва мевадаги доғлар устида конидиялар фақат ёз охирларида ва кам миқдорда ҳосил бўлади. Барг томирлари бўйлаб, барг ва мева бандларида ҳамда ёш новдаларда доғлар қўнғир, узунчоқ шаклли. Новдаларнинг заарланган жойлари пробкалашади, чатнайди, уларда конидиялар ҳосил бўлмайди ёки кам миқдорда кузатилади.

**Кураш чоралари.** Агротехник ва санитария тадбирлари ҳамда кимёвий кураш чоралари олмада калмаразга қарши ишлатиладиганлари билан бир хил. Чидамли навлар экиш. Касаллик қўзғатувчисининг физиологик ирқлари мавжуд бўлиб (ҳозиргача Истроилда 5 та, Англияда 4 та ирқ ажратилган), нок навларининг уларга чидамлилиги ҳар хил. Барлетт, Бере Боск, Комис, Д'Анжуй, Пахамс Триумф, Спадона Эстива, Винтер

Нелис, Лесная красавица, Талгарская красавица, Любимица Краппа ва кўп бошқа навлар қаттиқ шикастланади. Нисбатан чидамли навлар қаторига Конгресс, Масловка Клаппа, Бессемянка, Бергамот, Васса, Бере Лигеля, Бере Клержо, Бере Боск ва Бере Бор навлари киради. Косякия нави юқори чидамлиликка эга.

### 3. Токнинг замбуруғлар қўзгатадиган касалликлари

#### 3.1. Токнинг ун-шудринг касаллиги

Касаллик Шимолий (ватани) ва Жанубий Америка, Ўарбий Европа, Осиё, Африка, МДҲ да Украина, Молдавия, Кавказ орти мамлакатлари (Арманистан, Грузия, Озарбайжон) ва Марказий Осиёда тарқалган. Ўзбекистонда оидиум узумнинг учта энг ашаддий, кенг тарқалган ва заарли касалликларидан биридир.

**Касаллик белгилари.** Токнинг барча яшил қисмлари – барг, барг банди, яшил новда, гул, тўпгул попуги, гажаги, узуми ва узум бошлари заарланади. Замбуруғ фақат эпидермис ҳужайраларига гаусторийлари билан киради ва улардан озуқа моддаларини сўриб озиқланади.

Барг заарланганида, олдин унинг устки томонида, дастлаб оқ, сўнгра оқишиш-кулранг, сийрак, нозик гифалардан ташкил топган, ун ёки чангга ўхшаш, қўзга ташланмайдиган ғубор пайдо бўлади, кейинчалик у баргнинг остки томони, барг бандлари ва новдаларга ўтади. Кейинроқ баргда кичик, қуруқ, қўнғир, тарқоқ некротик доғлар пайдо бўлади, улар бир-бири билан қўшилиб, тўрсимон расм ҳосил қиласди, бу расм диагностик белги бўлиб, баргларнинг тирик, яшил фонида яққол ажралиб туради. Ғубор замбуруғнинг мицелий, конидиофоралари ва конидияларидан ташкил топади. Ёзилаётган ёш барглар буришиб, нимжон бўлиб қолади. Барг бандлари мўрт, осон синувчан бўлиб қолади.



9-расм. Токнинг ун-шудринг касаллиги

Заарланган яшил новдалар устида жуда оз, унсимон ғубор билан қопланган тўқ-қўнғир, кейинчалик қора тус олувчи дөглар пайдо бўлади. Бундай новдалар деярли ўсмайди, ҳарорат пасайишига чидамсиз бўлиб қолади ва қишида уларни совуқ уриб кетади. Кучли заарланган новдалар кўмирдай қора, куйган тус олади. Кечроқ заарланган новдалар устида кузга қараб ғубор бироз қалинлашади ва қизғиш-қўнғир тус олади (9-расм).

Тўпгул попуги гуллашдан олдин ёки кейин заарланади, узум туғилиши камаяди, ҳосил пасаяди ёки кўпинча тўпгул бутунлай қуриб қолади.

Узумлар уларнинг таркибидаги қанд моддалари миқдори 8% бўлгунига қадар заарланиши мумкин (расм). Эрта заарланган узумлар қуриб, мавсум охиригача тўкилмасдан, токда осилиб қолади. Кейинроқ заарланган узумлар чатнайди ва уруғигача ёрилади, сапротроф замбуруғлар (кўпинча *Botrytis cinerea*) таъсирида чириб кетади. Мевалари қизил ёки қора навларнинг узумлари чипор тус олади, сифатини (бозорбоплигини) йўқотади, улардан тайёрланган шаробнинг таъми нохуш бўлади.

**Касалликнинг зарари.** Бу ашаддий касаллик Ўзбекистонда айrim боғларда узум ҳосилини 50 фоизгача пасайтиради, баъзи мавсумларда эса 100 фоизи йўқотилишига олиб келади.

Заарланадиган ўсимликлар. Оидиум билан маданий ток турлари (*Vitis vinifera* ва б.) ва *Vitaceae* оиласига мансуб бошқа турлар заарланади. Меваси рангли ва нордонроқ узум навлари камроқ заарланади. Ўзбекистон шароитида Сояки ва Нимранг Мускат навлари оидиумга юқори толерантлик намоён қилган.

**Касаллик ривожланиши.** Ўзбекистонда қўзғатувчи замбуруғ мицелийси билан тиним давридаги куртакларда, новдаларда ва клейстотецийлари ёрдамида заарланган аъзоларда қишлияди. Баҳорда касалликнинг биринчи белгилари шу куртаклардан ўсаётган новдаларда пайдо бўлади. Мицелий куртаклар бўртган пайтда ёки ундан сал эртароқ, ўртacha ҳаво ҳарорати 10-11°C га етганда ўса бошлайди ва ўсаётган ёш новда ва ёзилаётган баргларни оқ мицелийси билан ўраб олади, устида кўп конидиялар ҳосил қилади ва улар касалликнинг бирламчи манбаи бўлиб, токнинг бошқа қисмларини ва бошқа токларни заарлайди. Касалликни бирламчи тарқатувчи бу новдаларга “байроқ новдалар” номи берилган.

Оидиум бир мавсумда бир неча авлод беради. Оидиум баҳорда барвақт пайдо бўлади ва ток гуллаши олдидан жадал ривожланади. Унинг ривожланиши ҳаво жуда исиб кетишигача ва намлик камайгунча давом этади.

Касаллик иссиқсевар бўлиб, унинг ривожланишида ҳарорат асосий роль ўйнайди, конидиялар 6-32°C, оптимум 18-25°C ҳароратда ўсади ва токни заарлайди; 35°C да конидиялар ўсишдан тўхтайди, 40°C дан ошганда конидиялар ва экзоген мицелий ҳалок бўлади. Ток заарланишидан конидиялар пайдо бўлишигача 23-30 °C ҳароратда 4-6 кун, 7°C да эса 32 кун ўтади. 36 °C ҳароратда мицелий 10 соатда, 39 °C да эса 6 соатда ҳалок бўлади. Ўртача кунлик ҳарорат 19-20°C бўлганида касаллик жуда тез ривожланади ва тарқалади, 24-25°C ҳароратда эса бу жараёнларнинг тезлиги сезиларли даражада пасаяди ва 40°C да тўхтайди. Эркин намлик (ёмғир, шабнам) конидия ўсишига салбий таъсир қиласи, бунинг учун 20-100% (оптимум 50-80%) намлик етарли бўлади. Кўзғатувчининг ривожланиш цикли расмда кўрсатилган.

**Кураш чоралари.** Токларни шамол яхши юрадиган, офтоб яхши тегадиган жойларда ўстириш, шпалерларга кўтариб қўйиш лозим. Уларни ўз вақтида хомток қилиб, ортиқча новда ва баргларини қирқиб туриш, айниқса кузда замбуруғ қишлидиган заарланган (усти кўнғир доғ билан қопланган) новдалар ва баҳорда биринчи пайдо бўлган, заарланган “байроқ новдалар” кесиб олиниши ва йўқотилиши жуда муҳим, агар бу чоралар қўлланилмаса, бошқа кураш усулларининг самараси жуда пасаяди. Токлар ораларини ағдариб, бегона ўтлардан тозалаб туриш, заарли ҳашаротлар ва бошқа касалликлар билан кураш чораларини қўллаш талаб этилади.

Тошкент вилояти Паркент тумани Навбаҳор ширкат хўжалигига 2005 йилда ўтказилган тажрибаларда олинган маълумотларга кўра, ток мавсумда 1 марта хомток қилинганда Қора кишиниши нави барглари, новдалари ва узум бошларининг оидиум билан заарланиши хомток қилинмаган назоратга нисбатан 18-28% ва антракноз билан заарланиши 26-31% га камайган, ҳосил деярли 2 марта ошган (гектарига 40 центнердан 79 центнергача); 2 марта хомток қилинганда эса, ҳар 2 касаллик билан заарланиш 50-56% га камайган ва ҳосилдорлик 110 центнерга етган. Ток ораларини кузда ва баҳорда ҳайдаш ҳам бу касалликлар ривожланишини камайтирган ва ҳосилдоликни деярли 2 баравар кўпайтирган.

Кимёвий ҳимояда олтингугурт препаратлари (туйилган қуқун, н. қуқ., коллоид – сус. к., оҳак-олтингугурт қайнатмаси ва б.) юқори самара билан қўлланилади. Ўзбекистоннинг қуруқ об-ҳаволи иқлимида қуқун шаклидаги олтингугурт ишлатиш юқори самара беради, ёмғирли об-ҳавода эса суспензия қўллаш тавсия қилинади. Олтингугурт препаратлари токни ҳаво ҳарорати 25-30°C бўлганида касалликдан яхши ҳимоя қиласи, 18-20 °C да деярли самара бермайди. Ҳарорат 30°C дан ошганда у ўсимликларга

фитотоксик таъсир кўрсата бошлайди, шу сабабдан 31°C ва ундан юқори ҳароратда олтингугуртни ишлатиш тавсия қилинмайди.

Олтингугурт кукуни (15-30 кг/га) ёки ООҚ (0,5-1,0) билан биринчи ишлов баҳорда ток гуллашидан олдин, биринчи хомтокдан сўнг дарҳол берилиши лозим, кейинги ишловлар, об-ҳаво шароитлари ва касаллик ривожланишини ҳисобга олган ҳолда, ҳар 10-15 ёки 20-30 кунда, ҳаммаси бўлиб бир мавсумда 7-10 та ишлов берилади. Олтингугурт кукунини йўлдан олинган майда чанг билан 1:1 нисбатда қўшиб ишлатиш ҳам яхши самара беради. Ток суғорилиши лозим бўлса, ишловни суғоришдан сўнгра бериш лозим.

Оидиумга қарши бошқа фунгицидлар олтингугуртдан камроқ қўлланилади, улардан Байлетон (Ботир) 25% н.кук. (0,15-0,3 кг/га), Бампер (Крест) 25% эм.к. (0,25 л/га), Вектра 10% сус.к. (0,3 л/га), Импакт 25% сус.к. (0,1-0,15 л/га), Сапроль 20% эм.к. (1,0-1,5 л/га), Топаз 10% эм.к. (0,2-0,25 л/га), Топсин-М 70% н.кук. (1,0 кг/га) ва Фоликур БТ 22,5% эм.к. (0,15 л/га) тавсия қилинган. Бу фунгицидларни мавсумда 2-3 марта (гуллашдан олдин, биринчи ишловдан кейин 20-30 ва 40-60 кун ўтгач) қўллаш тавсия қилинади.

### **3.2. Токнинг антракноз касаллиги ва унга қарши қураш чоралари**

Антракнознинг ватани – Европа. Шимолий Америкадан оидиум ва мильдью ўтишидан олдин бу қитъада антракноз энг заарли касаллик бўлган. Ҳозир баъзи қуруқ иқлимли минтақалардан ташқари узум экиладиган барча мамлакатларда, МДҲда Украина, Россия (Дофистон республикаси, Астрахан ва Ростов вилоятлари, Краснодар ва Ставропол ўлкалари), Молдавия, Кавказ орти ва Қозогистонда тарқалган. Ўзбекистонда барча вилоятларда учрайди.

**Касаллик белгилари.** Токнинг барча яшил қисмлари заарланади. Барглар қотгунича (ёзилганидан сўнг 20-25 кун давомида) зааррланиши мумкин. Уларда кўплаб (битта баргда 100 тагача), думалоқ, майда (кенглиги 1-5 мм), четлари қизғиши, қўнғир ёки қора доғлар пайдо бўлади, уларнинг баъзилари қўшилиб кетади. ҳошия пайдо бўлади.



## 10-расм. Токнинг антракноз касаллиги

Вақт ўтиши билан доғлар нотўғри думалоқ, кўп қиррали шакл, ўртаси оч-кулранг тус олади, атрофида қизғиши ёки қўнғир Доғларнинг ўртаси қурийди ва тушиб кетади, баргда тешиклар пайдо бўлади. Касалликка ёш барглар ўта чидамсиз, улар кучли заарланади ва новдаларнинг учи томони куйганга ўхшаб қолади. Томирлари заарланган барглар қуриб қолади ва тўкилади.

Ёш новдалар кучли заарланади. Уларнинг устида майда, қўнғир, якка-якка жойлашган, бинафша-қўнғир ҳошияли доғлар ҳосил бўлади. Доғлар аста-секин нимранг-кулранг ёки бинафша-қора тус олади, ўсиб, узунлиги 7-8 см ва ундан кўпроққача етади, бир-бири билан қўшилиб кетади, новданинг ўртасигача киради ва яраларга айланади. Яра атрофида бўртма шаклли қалин каллюс тўқимаси пайдо бўлади, яра ўртаси бироз ботик шакл олади ва бундай новдалар мўрт бўлиб, шамолда синиб кетади. Заарланган новдалар охир-оқибатда қораяди, ўсишдан орқада қолади ва нобуд бўлади. Барг ва гул бандлари ҳамда гажакларда касаллик белгилари новдалардаги билан бир хил (10-расм).

Гул тўплари заарланганида гулбаргларда думалоқ, қора доғлар ҳосил бўлади. Заарланган гул тўплари ва тугунчалар қўнғир-қора тус олади ва тўкилади.

Узум попуги ва шингили гуллашдан пишиш бошлангунича касалликка чалинади. Шингилнинг асосий ўқи ва мева бандларидаги касаллик белгилари новдалардаги билан бир хил. Доғлар шингилнинг асосий ўқини ўраб олса, узум бошининг пастки (учидаги) қисми буришиб, сўлиб қолади. Узумларда сал ботик, ўртаси олдин бинафша, сўнгра оқиш-кулранг, атрофида тор тўқ-қўнғир ёки қора ҳошияси мавжуд бўлган доғлар ҳосил бўлади. Улар узум ичига тарқалса, у ёрилиб кетади.

**Касалликнинг зарари.** Европанинг айрим, сернам минтақаларида антракноз билан жуда кучли заарланиши ва ҳосил бермаслиги туфайли баъзи навлар экилмайди. Заарланган токларнинг барглари ва гуллари тўкилиши, новдалари ўсишдан орқада қолиши ва узум кам тугилиши натижасида, ток ўсиши ва ҳосили пасаяди. Сурункали ва кучли заарланган ток 3-4 йилдан сўнг нобуд бўлиши мумкин. Ўзбекистонда антракнознинг зарари анча катта (аммо оидиумнидан сал камроқ).

Сернам об-ҳавода июнь ойининг бошида заарланган токнинг Ҳусайнни ва Қора кишиши навлари баргларининг 28 фоизини йўқотиши мумкин. Кучли заарланган Ҳусайнни нави шингилларининг ҳосили соғломларига кўра 3-5 марта камаяди. Тажрибада ўсимликлар антракноздан фунгицидлар билан

ҳимояланганда бир тупдан олинган узум ҳосили заарланган назоратдаги 9,0 кг дан 22-24 кг гача (2,5-2,7 марта) кўпайган.

**Касаллик ривожланиши.** Баҳорда ҳарорат 2°C дан ошганда ва новдалар 24 соат ва ундан кўпроқ вақт давомида нам шароитда бўлганида склероцийлар устида кўплаб конидиялар ҳосил бўлади. Ёмғир пайтида шилимшиқ модда эрийди, конидиялар ёмғир томчилари ва шамол билан токнинг яшил қисмларига тарқалади ҳамда уларда бирламчи заарланиш қўзғатади. Ўзбекистонда касалликнинг биринчи белгилари март охири – апрель бошларида кўринади. Янгидан заарланган тўқималарда конидиялар ривожланади ва касаллик тарқалиши давом этади. Аскоспоралар ҳам 2-32°C ҳароратда ўсиши ва токда бирламчи заарланиш қўзғатиши мумкин, аммо улар жуда кам учрайди ва антракноз тарқалишида роль ўйнамайди.

Антракноз ривожланишига таъсир қилувчи асосий факторлар ҳарорат ва ҳавонинг нисбий намлигидир. Тез-тез ёмғир ва жала ёғилиши кузатиладиган мавсумларда касаллик айниқса кучли ривожланади. Замбуруғ конидиялари 2-32°C орасида (оптимум 24-26°C) ўсиши ва токни заарлаши мумкин. Инкубацион давр навга, новда ва баргларнинг ёшлигига боғлик. Чидамсиз навларда бу давр 2°C да 13 кун, 24-32°C да 3-4 кунни ташкил этади. Бир мавсумда қўзғатувчи 30 тагача авлод беради.

Ток навларининг антракнозга чидамлилиги ҳар хил. Нимранг, Оқ Ҳусайни, Каттақўғон, Ҳиндогни, Ҳалили, Оқ Тоифа, Мускат, Қора Кишмиш, Оқ Кишмиш, Пушти Кишмиш, Эчкиэмар, Гўзал Қора, Чиллаки ва Чарос навлари кучли заарланади (42-94%), Пушти Тоифа, Пушти Паркент, Сояки ва Рқацители ўртacha (14-33%) даражада заарланади, Тарнау ва Мирний навлари чидамли (заарланиши 5% гача). Меваси рангли ва нордонроқ узум навлари камроқ заарланади. Умуман олганда Марказий Осиёда ўстириладиган ток навлари Европа навларига нисбатан антракноз билан кучлироқ заарланади.

**Кураш чоралари.** Ун-шудрингга қарши тавсия қилинган барча агротехник ва ташкилий чора-тадбирларни қўллаш лозим. Экиш учун фақат соғлом қаламчалар ишлатиш, уларни экишдан олдин темир купороснинг 10% ли ёки нитрафеннинг 3% ли эритмасига ботириш; янги токзорлар яратишда ниҳолларни еrostи суви яқин жойларга экмаслик керак. Антракнозга қарши ишлатиш учун Ўзбекистонда қуйидаги фунгицидлар рухсат этилган: Бордо суюқлиги (мис купороси бўйича 10-15 кг/га, 1% ли эритма), Вектра 10% сус.к. (0,3 л/га), оҳак-олтингугурт қайнатмаси (0,5-1о), темир купороси 53% э.кук. (30-40 кг/га, дарахт куртак ёйгунча ва остидаги тупроққа 2-3% ли эритма) ва Фоликур БТ 22,5% эм.к. (0,25 л/га).

Тажрибаларда Альто Супер 33% эм.к. (0,3 л/га), Импакт 25% эм.к. (0,2 л/га), Вектра 10% сус.к. (0,3 л/га) ва Бампер 25% эм.к. (0,25 л/га) фунгицидлари антракнозга қарши юқори (барг ва мевада 89,5%, пояды 95% гача) самара кўрсатган.

Кузда барглар тўкилгандан ва ток кесилгандан кейин ёки баҳорда куртаклар ёзилишидан олдин токка 1,5% ли ДНОК (100 л сувга 1,5 кг) эритмасига 2-3% (100 л сувга 2-3 кг) №30 препаратини қўшиб пуркаш, ёки темир купоросининг 10% ли эритмасини сепиш лозим. Баҳорда ёш новдаларнинг узунлиги 5-10 см га етганида ёки 2-3 барг пайдо бўлиши билан Бордо суюқлиги ёки бошқа самарали фунгицид пуркаш ва касаллик ривожланишини ҳисобга олган ҳолда, лозим топилса ишловни 7-10 ва 14-20 кундан кейин такрорлаш тавсия қилинади.

### **3.3. Токнинг сохта ун-шудринг касаллиги ва унга қарши қураши чоралари**

Касаллик қўзғатувчisi – космополит, барча узум экиладиган мамлакатларда учрайди. Марказий Осиёда илгари, баъзи йиллари Туркманистонда учраган.

Ўзбекистонда сохта ун-шудринг узумда биринчи марта Сирдарё вилоятида 1993 йилда қайд этилган. Кейинги йилларда касаллик Самарқанд, Тошкент, Сирдарё ва Навоий вилоятларида, баъзан катта майдонларда кузатилмоқда.

**Касаллик белгилари.** Токнинг барча яшил қисмлари, заарланади. Баргларда томирлари орасида жойлашган олдин сарғиш, мойсимон, сўнгра қизғиши-қўнғир, қиррали, кенглиги 2-3 см келадиган, баъзан атрофика хлороз мавжуд бўлган доғлар пайдо бўлади. Юқори намлик шароитида баргнинг остки томонида, устидаги доғларнинг қаршисида майин, қалин, зич, бароқ, оқ тусли мөгор қатлами ривожланади. Бу қатлам қўзғатувчи замбуруғнинг спорангийфора ва спорангийларидан иборат бўлиб, улар қўзғатувчи узум боғида тарқалиши, новда, гул ва меваларни заарлаши ва қишлиши учун муҳим манбаа ҳисобланади.

Кучли заарланган барглар кўпинча тўкилиб кетади . Натижада узумда қанд моддаси кам ҳосил бўлади ва қишлоғчи куртакларнинг совуққа чидамлилиги камаяди.

Заарланган яшил новдаларда қўнғир, бироз ботик доғлар пайдо бўлади. Новданинг уч қисми заарланганида у йўғонлашади, қинғир-қийшиқ бўлиб қолади, юқори намлик шароитида усти оқ қатлам билан қопланади, охири қўнғир тус олади ва нобуд бўлади. Бундай белгилар барг банди, гажаклар, ёш тўпгуллар ва гул бандларида ҳам ривожланади ва уларни нобуд қиласади.



**11-расм. Токнинг сохта ун-шудринг касаллиги**

Мева тугунчалари ва ғўралар кучли заарланади, усти ноаниқ-кулранг тус олади ва бароқ ғубор билан қопланади (11-расм). Вакт ўтиши билан узумнинг касалликка чидамлилиги ортади, аммо қўзғатувчи замбуруғ етилган мевага заарланган шингилнинг ўқларидан ўтиши ва заарлаши мумкин. Заарланган меваларда ғубор ҳосил бўлмайди, улар қўнғир тус олади ва чирийди. Заарланган меваси оқ узумлар ноаниқ-кулранг-яшил, меваси қоралари эса нимранг-қизғиши тус олади. Соғлом узумдан фарқли ўлароқ заарланганлари юмшамайди, эти қаттиқ бўлиб қолади, уларнинг айримлари ёки бутун узум бош тўкилиб кетиши мумкин.

**Касалликнинг зарари.** Касаллик жуда заарли. Ёзи нам ва илиқ мамлакатларда касаллик кучли ривожланганда ва кураш чоралари қўлланилмаганда узум ҳосили бутунлай йўқотилади. Ўзбекистоннинг милдью тарқалган вилоятларда сернам 2001-2003 йилларда касаллик токнинг хўраки навлари баргларининг 75-80% заарланиши ва 25-30% тўкилиши, тўпгулларнинг 95-97% қуриб қолишига олиб келган; камроқ заарланган винобоп навларнинг ҳосили ўртача 25-45% га пасайган. Май-июнъ ойлари қуруқроқ келган 2004 йили хўраки навларда касаллик камроқ ривожланиши, тўпгул ва ғўраларнинг 5-10% қуриб қолиши кузатилган.

**Касаллик ривожланиши.** Замбуруғ асосан тўкилган баргларда ооспоралари билан ва муайян миқдорларда куртакларда мицелий билан қишлияди. Баҳорда ҳарорат  $11^{\circ}\text{C}$  га етганда ( $11\text{-}32^{\circ}\text{C}$ , оптимум  $23\text{-}25^{\circ}\text{C}$  да) ооспора сув томчисида ўсади, спорангийлар ҳосил қиласи. Ооспораларнинг ҳаммаси бирдан ўсмасдан, бу жараён 1-2 ойга чўзилади. Спорангийлар ёмғир ва шамол билан ўсимликка тушади, ўсади, ҳосил бўлган зооспоралар сув томчисида ҳаракатланиб, ўсимлик тешикчалари ёнида хивчинчаларини йўқотади, цистага айланади, ўсади, пайдо бўлган муртак найчаси билан ўсимлик тешикчасига кириб, заарлайди (расм).

Заарланган ўсимлик тўқималарида замбуругнинг ножинсий спорангифора, спорангий ва зооспоралари ривожланади ва зооспоралар ёмғир ва шамол билан бошқа ўсимликларга тушади ва заарлайди. Бир мавсумда замбуруғ 7-16 жинсиз авлод беради.

Спорангифора ва спорангийлар тешиклардан 95-100% намлик (ёмғир ёки яхши шабнам тушганда), 11-30°C (оптимум 18-24°C) ҳарорат ва 4 соат давомида ёруғлик бўлмаган шароитда (кечаси) чиқади ва зооспоралар ҳосил қиласди. Спорангийлар сув томчисида ўсиши, зооспоралар чиқиши ва ўсимликни заарлаши 12-13°C да бошланади (оптимум 18-25°C, максимум 29-30°C).

Ҳарорат ва намлик билан боғлиқ ҳолда ўсимлик заарланиши ва унда янги споралар ҳосил бўлиши орасида 4-12 кун ўтади. Касалликнинг яширин даври 61°C га тенг бўлган самарали ҳарорат (7,9°C дан юқорилари хисобланади) йигиндиси билан ифодаланади.

Сохта ун-шудринг кучли ривожланиши серёмғир шароит ва 10-30°C (оптимум 24-26°C) ҳарорат мавжуд бўлиши билан белгиланади.

Об-ҳаво сернам йиллари Ўзбекистонда касаллик учрайдиган минтақаларда май-июнь ойларида катта майдонларга тарқалиши ва токни кучли заарлаши мумкин. Пушти Тоифа, Нимранг, Ҳусайнин, Қора ва Оқ Кишиш, Нимранг Мускат ва Рислинг каби навлар кучли, Баян Ширин, Рқацители, Қора Майский, Кульжинский, Рқацители, Тарнау ва Мирний навлари нисбатан камроқ заарланади.

**Кураш чоралари.** Сохта ун-шудринг билан курашда ун-шудринг ва антракнозга қарши тавсия қилинган барча агротехник ва ташкилий чоратадбирларни қўллаш лозим. Одатда касалликни фунгицид билан ишлов бермасдан жиловлаб бўлмайди.

Баҳорда куртаклар ёзилишидан олдин темир купороси, барг ёзилиши пайтида эса Бордо суюқлиги, мис хлороксиди, капитан, ридомил, эупарен ва бошқа препаратлар ишлатилади.

Мильдьюга қарши МДХ мамлакатларида кўпроқ мис препаратлари ишлатилади. Баҳорда 2% ли Бордо суюқлиги билан биринчи ишлов барглар ёзилаётганда, кейингиси гуллашдан 10 кун олдин ва учинчи марта 1% ли препарат билан дарҳол гуллашдан кейин ишлов берилади. Бордо суюқлиги ўрнига мис купоросини 8-10 кг/га миқдорида қўллаш мумкин. Ишловлар ток сугорилишидан олдин ўтказилади. Ўзбекистонда боғбонлар 1% ли Бордо суюқлиги билан (500-600 л/га) ишлов беруб, яхши натижа олишган.

### *Муҳокама учун саволлар*

1. Пропагула нима? Замбуруғлар күпайишида қандай пропагулалар ҳосил бўлади?
2. Замбуруғларнинг неча хил күпайиш усуллари мавжуд?
3. Замбуруғларнинг вегетатив күпайиши қандай пропагулалар воситасида амалга ошади? Бу пропагулалар қайси усуллар билан ҳосил бўлади ва уларнинг бир-бирларидан фарқлари нимада?
4. Оидиялар ва хламидоспораларнинг бир-бирларидан фарқлари нимада? Улар қайси замбуруғларда учрайди?
5. Замбуруғларнинг репродуктив ножинсий күпайиши қандай тузилмалар воситасида амалга ошади? Зооспорангий нима? Спорангий нима? Зооспорангий ва зооспоралар ҳамда спорангий ва спорангиспоралар орасидаги фарқлар нималардан иборат?
6. Зооспоралар замбуруғларнинг қайси таксономик гурухлари вакилларида мавжуд?
7. Замбуруғлар зооспораларининг неча хил хивчинчалари мавжуд? Битта зооспорада нечта хивчинча бўлиши мумкин? Ушбу хивчинчалар нима учун хизмат қиласди?
7. Спорангиспоралар табиатда қандай усулда тарқалади?
9. Замбуруғларнинг конидиялари қайси усулда (эндоген, экзоген) ҳосил бўлади?
10. Замбуруғларнинг конидиялари конидиофора учida нечтадан жойлашади?
11. Республикаизда данак мевали дараҳтларда кенг тарқалган замбуруғ касалликлари қайсилар?
12. Урӯғ мевали дараҳтларда куйдирги касаллиги республикаизда неchanчи йилда ким томонидан биринчи марта қайд этилган?
13. Олхўрида сўнгги йилларда кенг муҳокамага сабаб бўлаётган ташқи каратин касаллиги қайси касаллик?
14. Олманинг парша касаллигини уларни омборхонада сақлаш даврида зарари қандай?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Горленко М.В. Сельскохозяйственная фитопатология. Москва, «Высшая школа», 1968, 423 с.
2. Рибаков А.А., Остроухова С.А. Ўзбекистон мевачилиги. Тошкент, 1981, 508 б.
3. Ҳасанов Б.А. ва бошқалар. Мевали дараҳтларнинг монилиоз касалликлари. Тошкент, 2019, 167 б.

4. Ҳасанов Б.А. ва бошқалар. Мевали ва ёнғоқ мевали дараҳтлар, цитрус, резавор мевали буталар ҳамда ток касалликлари ва уларга қарши кураш. Тошкент, 2010, 316 б.

5. Ҳасанов Б.А. Микология. Тошкент, 2019, 503 б.

### **З-МАВЗУ. ПОЛИЗ ВА САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИДА ТАРҶАЛАЁТГАН РЕСПУБЛИКАМИЗ УЧУН ЯНГИ КАСАЛЛИКЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ**

#### **РЕЖА:**

- 1. Полиз экинларининг майсаларини чириши**
- 2. Бодринг бактериал серқирра доғланиш касаллиги**
- 3. Қовунни фузариоз сўлиш касаллиги**
- 4. Лавлагининг церкоспориоз касаллиги**
- 5. Помидор новда ва меваларининг қулранг чириш касаллиги**

*Таянс сўзлар: бодринг, қовун, тарвуз, сабзаовт, фузариоз, ун-шуудринг, фунгицид, компост, ООК.*

#### **1. Полиз экинларининг майсаларини чириши**

Касалликни гифомицетлар *Fusarium equisetii*, *Fusarium spp.*, *Rhizoctonia solani*, *Thielaviopsis basicola* ва оомицетлар *Pythium spp.* қўзғатади.

**Касаллик белгилари:** Экилган уруғ ва унаётган майсалар тупроқ остидаёқ чириб кетиши мумкин. Тупроқ юзасига чиққан ниҳолларнинг илдиз бўғзи ингичкалашиб қўнғир, сўнгра қора тус олади, ниҳоллар бужмайиб, нобуд бўлади. Қўзғатувчи заарланган ниҳол атрофидаги ўсимликларга ҳам ўтади ва касалликнинг ўчоқлари пайдо бўлади. Бу ҳолат айниқса иссиқхоналарда тез-тез учрайди. Кечроқ заарланган ниҳоллар ҳалок бўлмайди, аммо илдиз бўғзи ингичкалашади ва тўқ тус олади, илдизлари яхши ривожланмайди, кўчириб экилганда яхши тутиб кетмайди.

Омон қолган, аммо заарланган ёш ўсимликлар поясининг пастки қисми ва илдизларида сув шимганга ўхшаш, ботик, рангсиз, сўнгра қўнғир тус оловчи (*Pythium spp.*), ботик, қўнғир (*Rh. solani*) ёки қизғиши- қўнғир (*Fusarium equisetii*, *Fusarium spp.*) доғлар ва яралар пайдо бўлади, илдиз туклари чириб, илдиз туксиз бўлиб қолади, барглари сарғаяди ва пасткиларидан бошлаб, аста-секин қурийди.

Касаллик полиз экинларини очиқ дала ва иссиқхоналарда заарлайди ва у дунёнинг барча мамлакатларида, жумладан Ўзбекистонда ҳам кенг тарқалган.

Полиз экинлари иссиқсевар бўлгани учун, улар паст ҳароратда заифлашиб, касалликларга чидамлилиги кескин пасаяди.

Иссиқхоналарда тупроқ ҳарорати кескин ўзгариб туриши ва 21°C дан паст (14-16°C) бўлиши, совуқ (9-11°C) сув билан суғориш, ургуни фунгицид билан дориламасдан чуқур экиш, бодринг уруғи унмасдан ёки уруғбарг тупроқ юзасига чиқмасдан чириб кетишининг асосий сабабларидир.

Қўзғатувчи замбуруғлар тупроқда сақланади ва тупроқ касалликнинг асосий манбаи ҳисобланади. Улар ўсимлик тўқимасига илдиз қобиғидаги кичик чатнашлар ва илдиз туклари орқали киради ва заарлайди.

Иссиқхонада ҳар йили бодринг ёки бошқа, ниҳол касалликларига мойил экинлар экилиши қўзғатувчининг пропагулалари тупроқда йилдан-йилга кўпайиши ва йиғилишига, натижада ўсимликларнинг уруғбарглари ва майсалари заарланиши йилдан-йилга қучайиб боришига олиб келади. Тупроқдан ташқари, торф, гўнг, уруғлик ва суғориш суви ҳам касаллик манбаалари бўлиши мумкин.

Бодринг, қовун, тарвуз, қовоқ ва бошқа полиз экинларининг уруғбарглари ва ёш ўсимликлари чириши дала шароитида ҳам кўп учрайди. Бу экинларнинг уруғбарги тупроқ юзасига чиққандан 3-4 ҳафта ўтганга қадар, улар касалликка жуда чидамсиз. Касаллик экинлар жуда сийрак бўлиб қолишига, ўсимликлар вақтидан олдин қуриб қолишига ва ҳосил пасайишига олиб келади. Касалликка чидамли навлар мавжуд эмас

**Кураш чоралари.** Иссиқхоналарда жорий қилинган об-ҳаво режимига қатъий риоя қилиш, ҳаво ва тупроқ ҳарорати 20-22°C дан паст бўлмаслигини таъминлаш, илиқ (20-25°C) сув билан суғориш; бодринг уруғини экиш учун тайёрланган тупроқ ёки компостга фунгицид (масалан, толклофос-метил ёки этридиазол + куинтоцен) солиш; заарланган тупроқни экишдан олдин алмаштириш ёки заарсизлантириш; уруғликни факат соғлом экинлардан олиш; саралаш (3-5% ли ош тузи эритмасига солиб, 3 дақиқа давомида аралаштириш, юзага чиққанларини дока билан сузиб олиб ташлаш, қолганларини сув билан бир неча марта ювиш, дорилаш ва қуритиш); иложи бўлса, 3-4 йил сақланган уруғ ишлатиш; экишдан олдин уруғларни 50-60°C ҳароратда 4-5 соат давомида иситиши.

## 2. Бодринг бактериал серқирра доғланиш касаллиги

Касалликни бактерия қўзғатади. Бу бактериоз дунёда кўп мамлакатларда, жумладан Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозогистонда очиқ дала ва иссиқхоналарда бодрингда кенг тарқалган.

**Касаллик белгилари.** Заарланган уруғдан уруғбаргларда қайнок сувга қуйганга ўхшаш, рангиз доғлар пайдо бўлади, улар тезда қуриб,

қўнғир тус олади. Кучли заарланган уруғпалла ва ёш ўсимликлар қуриб қолади, камроқ заарланганлари ўсишдан орқада қолади. Чинбаргларнинг остки томонида олдин қайноқ сувга куйганга ўхшаш, рангиз, ёки мой томганга ўхшаш тўқ-яшил, барг томирчалари орасида жойлашган доғлар пайдо бўлади. Улар сўнгра қизғиш-қўнғир тус ва серқирра шакл олади, атрофида сариқ ҳошия ривожланади, доғлар қурийди ва чатнаб, тўкилади, уларнинг ўрнида тешиклар пайдо бўлади. Юқори намлиқда доғлар устида сарғиши ёки оқиши, сутга ўхшаган суюқлик томчилари пайдо бўлади; улар қуриб, доғлар устида юпқа, ялтироқ парда ҳосил қиласиди (13-расм).

Бодринг меваларида, баъзан пояси ва барг бандларида ҳам мой томганга ўхшаш доғлар пайдо бўлади, сўнгра улар қурийди, ботик, қўнғир яраларга айланади. Мева ўсишдан орқада қолади, хунук (қийшайган) шакл ва аччиқ таъм олади. Бодрингнинг ички қисмлари ва уруғлари ҳам заарланади.



**12-расм. Бодрингни бактериал серқирра доғланиш қасаллиги**

**Қасалликни ривожланиши.** Бактерия ўсимлика барг оғизчалари ва яралари, меваларга факат механик яралар орқали киради, экин ичида ёмғир, шамол ва ҳашаротлар ёрдамида тарқалади. Ўсимликлар заарланиши учун минимал ҳаво ҳарорати  $1^{\circ}\text{C}$ , максимум  $35^{\circ}\text{C}$  ва оптимум  $25\text{-}27^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этади, ёмғир ва шабнам қасаллик ривожланиши учун қулай шароит туғдиради. Қасалликнинг инкубацион даври 5-10 кун. Қасалликнинг зарари – уруғбарг ва майсалар чириши, экин сийрак бўлиб қолиши, мевалар кам туғилиши, шакли ҳамда сифати бузилиши, иккиласми заарланиш натижасида тез чириб кетишидир. Бодрингдан ташқари қовун, тарвуз ва қовоқ ҳам бактериоз билан заарланади, бироқ қасаллик уларда камроқ учрайди. Қовунда серқирра доғланиш Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозогистонда қайд этилган. Қовуннинг уруғбарг, чинбарг, новда ва мевалари заарланади ва уларда ҳам доғ ва яралар ривожланади. Бактерия ўсимлик қолдиқлари ва уруғда икки йилдан кўпроқ сақланиши мумкин.

**Қўзғатувчининг белгилари.** *Pseudomonas syringae*. Бактерия тўғри ёки сал эгилган таёқча шаклли, ўлчами  $1,5\text{-}5,0 \times 0,5\text{-}1,0$  мкм. Грамманфий, аэроб, хемоорганогетеротроф. Бир неча поляр хивчинчалари воситасида ҳаракатчан, баъзан ҳаракатсиз. Оксидазаманфий, каталазамусбат. Агарли озуқа муҳитида четлари ноаниқ шаклли, оқ тусли колониялар ва муҳитга диффузия қилувчи флюресцент пигмент ҳосил қиласи. Бактерия  $41^{\circ}\text{C}$  да, баъзи штаммлари  $4^{\circ}\text{C}$  да ўсмайди. Органик ўсиш факторларига муҳтоҷ эмас. Баъзи штаммлари сахарозадан шилимшиқ модда – леван синтез қиласи; баъзилари желатинани суюлтиради; крахмални парчаламайди. Глюкозани, азот манбааси сифатида нитратни ўзлаштиради.

**Кураш чоралари.** Чидамли навлар яратиш ва қўллаш; икки йиллик алмашлаб экишни жорий қилиш; уруғликни соғлом экинлардан олиш ва экишдан олдин дорилаш; касаллик пайдо бўлса экинга таркибида мис мавжуд бўлган фунгицид пуркаш; калийли ўғитларнинг юқори меъёрларини қўллаш; ўсув даврида заарланган меваларни ва ҳосил йиғишириб олингандан кейин ўсимлик қолдиқларини даладан чиқариб, йўқотиш; чуқур кузги шудгор; экинни ортиқча суғормаслик; иссиқхоналарда фитосанитария қоидаларига риоя қилиш тавсия қилинади.

### 3. Қовун фузариоз сўлиш касаллиги

Касалликни *Fusarium oxysporum* f.sp. *melonis* гифомицет замбуруғи қўзғатади. Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Жанубий Қозоғистонда қовун етиширишда энг катта зарар келтирадиган ва соҳа ривожланишига тўсиқ бўлиб келаётган иккита замбуруғ касалликлари мавжуд бўлиб, улар ун-шудгринг ва фузариоз сўлишdir.

**Касаллик белгилари:** Фузариоз сўлиш билан қовун барча ўсиш ва ривожланиш фазаларида заарланади. Ёш майсаларнинг уруғбарглари, пояси (гипокотиль) ва илдиз бўғзида қайноқ сувга куйганга ўхшаш, рангиз, сўнгра қўнғир тус олувчи доғлар ривожланади, улар чирийди ва майсалар қуриб қолади, экин сийрак бўлиб қолади. Эртапишар навлар майсаларининг 43-86 фоизи нобуд бўлгани Ўзбекистонда қайд этилган.

Фузариоз сўлиш экинларда мева ривожланиши ва пиша бошлиши пайтида кўплаб учрайди. Олдин ўсимликнинг пастки ярусдаги баргларида сарғиш, сўнгра қўнғир тус олувчи доғлар пайдо бўлади ва улар юқори ярус баргларига ўтади. Палаклардан бири ёки бир нечтаси, сўнгра бутун ўсимлик сўлади (расмлар). Илдиз пўсти титилган шакл олади, усти кукунга ўхшаб қолади. Баъзан ўсимлик касалликка мавсум сўнгигача қаршилик кўрсатади, сўлимайди, аммо улар заиф, палаги калта бўлиб қолади, кам ҳосил тугади.

Касалликнинг тез ривожланувчи шакли кузатилганда ўсимлик 1-2 кун ичида сўлиб қолади (14-расм).



**14-расм. Қовуннинг фузариоз сўлиш касаллиги**

Сўлишнинг сабаби – ўсимликнинг ўтказувчи томирлари замбуруғ мицелийси билан тўлиши ва сув ўтмай қолишидир. Сўлиган ўсимликларнинг илдизи ва пояси кесиб кўрилганда, уларда сарғиш, жигарранг ва қўнғир доғларни кўриш мумкин, аммо бу доғлар ҳар доим мавжуд бўлмайди. Фузариоз сўлиш қовун ҳосилини 30% гача камайтиради. *F. oxysporum* f.sp. *melonis* тор ихтисослашган ва у бошқа полиз экинларини заарламайди.

Кўзғатувчининг 4 та физиологик ирқи мавжудлиги аниқланган ва улар айрим қовун навларини заралashi билан фарқланади. “Ўзбекистон сабзавот, полиз ва картошка экинлари илмий-тадқиқот институти” ходимлари томонидан қовуннинг фузариоз сўлишга (ва ун-шудрингга) чидамли навлари ва гибридлари (Ширали, Суюнчи, Олтин тепа, Лаззатли, Олтин водий, Тўёна, Зарчопон, Гурлан ва Амударё) яратилган ва туманлаштирилган

Патоген ривожланиши учун мультадил ҳаво ҳарорати 25-28°C, минимум 12°C ва максимум 34°C; қишида замбуруғ 15°C совукда ҳам нобуд бўлмайди. Экин ичида ва бошқа далаларга касаллик тупроқ заррачалари, тупроққа ишлов бериш асбоб-ускуналари ва сугориш сувидаги замбуруғ пропагулалари (мицелий парчалари, конидиялари ва х.к.) орқали тарқалади. Мавсумдан мавсумга касаллик ўсимлик қолдиқлари ва камроқ даражада (3-8% гача) уруғлар билан ўтади. Замбуруғ ўсимликларга илдизлари орқали киради. У тупроқда кўп йил сақланиши мумкин.

**Кураш чоралари.** Касаллик мавжуд бўлган далаларга 4-5 йилгача қовун экмаслик; сўлишга чидамли навлар экиш; уругликни фақат соғлом ўсимлик меваларидан олиш, экишдан олдин уни микроэлементлар (Fe, B, Zn, Mn, Cu) эритмасида ивитиш, қуритиш ва самарали фунгицид (мисол учун, Витавакс 200ФФ) билан дорилаш; таркибида элементлар баланси мавжуд бўлган ўғитларни киритиш; ўсимлик қолдиқларини даладан чиқариб, ёқиб юбориш тавсия қилинади. Ўзбекистонда экинга суперфосфатнинг 5% ли эритмасини 3 марта (экин 4-10 барг чиқарганда, гуллаш-мева тушиш пайтида ҳамда мевалар пиша бошлагандаги) пуркаш касалликка қарши яхши натижага берган.

#### 4. Лавлагининг церкоспороз касаллиги

Касалликни Mycota (=Fungi) (Ҳақиқий замбуруғлар) дунёсининг Anamorphic Fungi (Deuteromycota) (Анаморф замбуруғлар = Дейтеромикота) бўлими, Hymomycetes (Гифомицетес) синфи, Hymomycetales (Гифомицеталес) тартиби, Dematiaceae (Дематиацеа) оиласи, *Cercospora* (Церкоспора) туркумига мансуб бўлган *Cercospora beticola* (Церкоспора бетикола) тури қўзғатади. Осиёнинг бошқа мамлакатларида қанд лавлагиси, хўраки ва хашаки лавлагида тарқалган.

**Касаллик белгилари:** Касаллик одатда далада ўчоқлар шаклида ривожланади. Заарланган баргларда думалоқ, кенглиги 2-3 мм, ноаник-кулранг, қўнғир, қўнғир-кулранг, қизғиш-қўнғир ҳошияли, куриганда оқиш ёки деярли оқ тусли доғлар пайдо бўлади. Пастки барглар кўпроқ заарланади. Юқори намлиқда доғлар устида конидиофора ва конидиялардан ташкил топган кулранг ғубор пайдо бўлиши мумкин.



15-расм. Лавлагининг церкоспороз касаллиги

Кучли заарланган, сатҳининг 30-40 фоизи доғлар билан қопланган барглар қораяди, бужмайиб, ерга ётиб қолади ва бутунлай чирийди. Натижада хўраки, ҳашаки ва қанд лавлагисининг ҳосили 20-30% га камаяди. Қанд лавлагиси таркибида қанд микдори экин кам даражада заарланганида 5-10% га, ўртача даражадагисида 20% гача, кучли заарланганида 70% гача камаяди. Қирғизистонда церкоспороз таъсирида қанд лавлаги илдизлари оғирлиги 19,6% га, қанд микдори 34,4% га пасайган. Заарланган барг банди ва пояларда думалоқ ёки узунчоқ, бироз ботик доғлар ривожланади (15-расм).

Замбуруғ конидиялари экин ичида шамол, ёмғир, ҳашаротлар, ерга ишлов бериш асбоб-ускуналари ва деҳқонлар воситасида тарқалади. Касаллик 10-25°C орасида ва 70% дан юқори намлиқда тез ривожланади, 5°C дан паст ва 30°C дан юқори ҳароратда ривожланмайди.

Ўсимлик қолдиқлари ва уруғда қишлияди. Лавлагига церкоспороз баъзи бегона ўтлардан (олабўта, эшакшўра ва б.к.) ҳам ўтади. Лавлагидан кейин такроран экилган лавлаги, қишки буғдойдан кейин экилганига нисбатан церкоспороз билан 5 баравар кучлироқ заарланади.

**Кураш чоралари.** Ниҳоллар илдиз емирилишига қарши курашда тавсия қилинган тадбирларни қўллаш; Чидамли навлар яратиш ва экиш; ҳосилни йиғиб олгач, тезда омборхоналарга жойлаш; Далада 1-2 кунга қолдирилса, илдизмевалар сўлимаслиги учун уларни 15-20 см баландликдаги тупроқ билан кўмиб қўйиш; Вегетация даврида фунгицид пуркаш лозим.

## 5. Помидор новда ва меваларнинг кулранг чириши (*Botrytis cinerea*) касаллиги


Касалликни гифомицет замбуруғи қўзғатади. Намликни юқори бўлиши, қўёшли кунларни кам ва булатли кунларни кўп бўлиши касаллик учун қулай хисобланади.

**Касаллик белгилари.** Касаллик иссиқхоналарда барча мамлакатларда кенг тарқалган ва у ўсимликнинг барг, гул, гулбанд, новда ва меваларини заарлайди. Олдин гуллар заарланади, улардан касаллик баргларга, барглардан пояга ўтади. Баргларда оч-қўнғир, думалоқроқ шаклли доғлар пайдо бўлади ва улар баргни бутунлай қоплаши мумкин. Пояда одатда оч-қўнғир, узунлиги 1 мм дан бир неча см гача бўлган қуруқ доғлар ривожланади, вақт ўтиши билан заарланган жойлар қора тус олади. Лупа билан қараганда поя устида тўқ-қўнғир, эшилган каноп ипига ўхшаш мицелийни (юпқа моғор қатламини) кўриш мумкин. Новдаларда рангиз, устида кулранг моғор пайдо қилувчи доғлар ривожланади. Меваларнинг устида, одатда улар новдага бириккан жойларида, кулранг-яшил ва кулранг-

күнгир некроз (яра) лар ривожланади ва мевалар ўша жойларидан бошлаб чирийди.

**Касалликни ривожланиши.** Фақат ёш мевалар заарланади; уларнинг диаметри 2-4 см га етгач, заарланишга чидамлилик намоён этади, аммо пишиб етилгач, яна чидамсиз бўлиб қолади. Яшил меваларнинг тўқимасига кирган замбуруғ қуёш нури ва иссиқ ҳаво ҳарорати таъсирида нобуд бўлиши мумкин. Бунда мевалар устида кенглиги 0,3-0,6 см келадиган оқиш доира ва доғлар пайдо бўлади. Юқори намлик мавжудлигига чириётган мевалар устида конидиофора ва конидиялардан ташкил топган қукунсимон кулранг моғор ривожланади 16-расм). Конидиялар шамол билан тарқалади ва бошқа, соғлом меваларни заарлайди.

Замбуруғ иссиқхона тупроғида склероций ва конидиялар, ром, ойна, полиэтилен парда ва ҳоказоларда конидиялар шаклида қишлиайди.



16-расм. Помидорнинг кулранг чириш касаллиги

**Кўзгатувчининг белгилари:** *Botrytis cinerea*. Гифалар рангсиз ёки кулранг-зайтун тусли, эни 2-10 мкм. Конидиофоралар тўғри, кўп ҳужайрали, устки қисми шохланган, базал ҳужайраси оч-кулранг тусли, юқоридаги ҳужайралари рангсиз, конидияларнинг сувда осон ва тез эрувчан шилимшиқ ёрдамида бириккан бошчалари билан қопланган. Конидиялар эллипсоид, тухум, овал шаклли ёки думалоқ, 1 ҳужайрали, рангсиз ёки оч-кулранг тусли, ўлчами 7-21x5-10 мкм.

Вақт ўтиши билан моғор қатлами ичида диаметри 1-15 мм келадиган, думалоқ ёки нотўғри шаклли, кулранг-оқ, кейин қора тус оловчи склероцийлар пайдо бўлади. Улар тиним даврини ўтгач, ўсади ва омборхоналарда сақланаётган сабзавот, мева ҳамда кейинги мавсумда, далада ўсаётган экинларнинг илдиз, тупроққа бевосита теккан барг, мева ва бошқа қисмларини заарлайди.

Склероцийлар оптимал ҳароратда ( $19\text{-}26^{\circ}\text{C}$ ) ўсганда конидиофора ва конидияларни, паст ҳароратда ( $2\text{-}13^{\circ}\text{C}$ ) эса, аскомицет боскичининг апотеций, халтacha ва аскоспораларини пайдо қилади.

**Кураши чоралари.** Касаллик кучли ривожланиши учун лозим бўлган шартлардан энг муҳими – юқори ҳаво намлиги узоқ вақтгача мавжуд бўлишидир. Помидорнинг пастки баргларини юлиб олиб ташлаш ва иссиқхонани иситиш ва шамоллатиш ёрдамида намлик 70-80% бўлиши таъминланса, экин кучли заарланмайди. Инфекция тўпланишининг олдини олиш учун заарланган ўсимлик қолдиқларини иссиқхонадан чиқариб, йўқотиш лозим. Касаллик кучли ривожланиш хавфи бўлса, экинга фунгицид (дихлофлуанид, ипродион) пуркаш тавсия қилинган. Кўзғатувчи берназидазолларга чидамли; дикарбоксимидлар (ипродион, винклозолин) мунтазам равишда ишлатилса, қўзғатувчидаги уларга ҳам чидамлилик ривожланиши эҳтимолини ҳисобга олиб, фунгицид қўллашда уларнинг турли хилидан фойдаланиш талаб қилинади.

### ***Муҳокама учун саволлар***

1. Полиз экинларида қандай вирус касалликлари учрайди?
2. Полиз экинларида ун-шудринг касаллиги қандай шароитда яхши ривожланади?
3. Полиз экинларида қандай юқумсиз касалликлар қайд этилган?
4. Сабзида неча хил чириш касалликлари мавжуд?
5. Помидорнинг вирус касалликларининг белгилари ҳақида тушунча беринг.
6. Ўсимликларда паразитизм эволюциясининг йўналиши? Облигат сапротрофлар, факультатив паразитлар, факультатив сапротрофлар ва облигат паразитларнинг тавсифлари? Мисолларини келтиринг.
7. Касаллик қўзғатувчи организмларнинг ихтисослашиши?
- Филогенетик, онтогенетик, органотроп ихтисослашиши. Кенг ва тор ихтисослашган фитопатоген организмларнинг тавсифлари ва мисоллари?
8. Касаллик қўзғатувчи организмларнинг физиологик формалари, физиологик ирқлари ва биотипларининг тавсифлари. *Fusarium oxysporum* f. sp. *lycopersici* 12 В ёзувидан нималарни билиб олишимиз мумкин?
9. Полиз экинларининг республикамиз шароитида энг катта зарар келтирадаиган касалликлари қайси касалликлар ҳисобланади?
10. Қовуннинг фузариоз сўлиш касаллиги қайси вилоятларда катта зарар келтиради?
11. Бодрингнинг иссиқхонада катта зарар келтирадиган касалликлар тавсифи?

12. Қовуннинг фузариоз сўлишга чидамли навлари қайси навлар ва улар қайси олимлар томонидан яратилган?

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ҳасанов Б.А. Қишлоқ хўжалик экинларининг касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари. Тошкент, 2011, 205 б.
2. Ҳасанов Б. А. ва б. Сабзавот, картошка ҳамда полиз экинларининг касалликлари ва уларга қарши кураш. Тошкент: "Voris-Nashriyot", 2009, 245 б. + 45 бет рангли тасвирлар. Ўқув қўлланма.
3. Ҳасанов Б.А. Микология. Тошкент, 2019, 503 б.
4. Кимсанбоев Х.Х., Зуев В.И., Болтаев Б.С. и др. –Зашита паслёновых овощных культур и картофеля от вредителей и болезней.(пособие для фермеров). Ташкент-2013й.
5. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ўсимлик зааркунандалари, касалликларига ва бегона ўтларга қарши фойдаланиш учун рухсат этилган кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари, дефолиантлар ҳамда ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи воситалар рўйхати. Тошкент, 2016, 381 б.
6. Agrios, G. N. Plant Pathology Elsevier, xviii + 922 pp. 5th ed. 2008. USA.
7. Alexopoulos C. J., Mims C. W., Blackwell M Introductory Mycology. 4th ed Wiley – India India, 2007

**4-МАВЗУ. МАНЗАРАЛИ ВА ЎРМОН ДАРАХТЛАРИНИНГ  
КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ**

**РЕЖА:**

- 1. Манзарали дараҳтларнинг ниҳол ва қўчат касалликлари**
- 2. Эманнинг ун-шудринг касаллиги**
- 3. Ёнғоқ дараҳтининг касалликлари**

**Таянч сўзлар:** ўрмон, уруг, ниҳол, қўчат, тупроқ, конидия, спора, оқ губор, кулранг чириш, фузариоз, ун-шудринг.

**1. Манзарали дараҳтларнинг ниҳол ва қўчат касалликлари**

Ўрмон ўсимликларининг ёш қўчатлари касалликка жуда хам сезгир хисобланади. Ҳатто кичик заарланишда хам ўсимликнинг кучсизланиши ва нобуд бўлиши кузатилиши мумкин. Кўчатзорларда замбуруғли, бактериал ва вирусли касалликлар учрайди. Уларнинг ичидаги қўчатларнинг ётиб қолиши, чириш, бўғилиш энг хавфли хисобланади.

**Кўчатларнинг ётиб қолиши.** Ётиб қолишни асосан *Fusarium*, *Alternaria*, *Botrytis*, *Rhizoctonia*, *Phytophtora* туркумларига мансуб турлар қўзғатади.

Улар тупроқда, ўсимлик қолдиқларида ва экилган уруғларда яшайды. Касаллик белгилари уруғларда, униб чиқаётган ниҳоллар, илдизчаларда ўзига хос шаклда кўринади: а) тупроқда уруғ ва ниҳоллар чирийди; б) ниҳоллар 1-3 ҳафталик дав-рида, ёш кўчатлар 1-2 ойлик даврида ётиб қолади. Игнабаргли дарахт кўчатларининг илдиз бўғзи, барглиларда эса уруғпалла тирсагида боғлам ҳосил бўлади. Илдиз чирийди, ниҳол эса ерга ётиб қолади ва секинаста пастдан юқорига қараб қурийди. Ён илдизчалар чириб кетади. Ниҳол сұғуриб олингандан фақат илдизнинг асосий ўзак қисми чиқади. У ҳам чириб қолган бўлади; в) илдиз ва ниҳолларнинг юқори қисмлари чирийди.

*Fusarium* туркумiga мансуб турлар илиқ, сернам ҳаво шароитида ёки намлик камерасида ниҳолларнинг илдиз бўғзида тиник-пушти, юмшоқ мицелий ҳосил қилади. Мицелий устида макро ва микроконидиялар ва хламидоспоралар ҳосил бўлади. Макроконидиялар ўроқсимон, 4-5 ҳужайрали ўлчами  $30-60 \times 4-6$  мкм бўлиб, шохланган ёки оддий конидиябандларда ҳосил бўлади. Микроконидиялари бир ҳужайрали, баъзан икки ҳужайрали бўлиши ҳам мумкин. Овал, тухум шаклида якка ёки занжирсимон жойлашган. Хламидоспоралари сариқ-жигарранг, қалин пўстли. Шунинг учун юқори ва паст ҳароратга чидамли. Замбуруғ хлами-доспоралари ва мицелийлари билан тупроқда қишлиайди.

*Alternaria* туркумiga мансуб замбуруғ турлари қорамтири ёки қўнғир-жигарранг мицелий ҳосил қилади. Конидиялари ( $30-60 \times 14-15$  мкм) қўнғир, бутилкасимон ёки урчуқсимон, кўндалангтига ва узунасига тўсиқли бўлиб, акропетал занжирсимон йигилган. Тупроқдаги ўсимлик қолдиқларида мицелий іолатида қишлиайди.

*Botrytis* туркумiga мансуб турлар кулранг мицелий ҳосил қилади. Конидиябандлари оддий мицелийлардан йўғонлиги, шохланиши ва ранггининг жигарранг бўлиши билан ажралиб туради. Конидиялари бир ҳужайрали, рангсиз, баъзан тутун рангли, думалоқ, ўлчами  $9-12 \times 7-9$  мкм, думалоқ бошчага тўпланган. Баъзан бу туркумга мансуб турлар қора склероцийлар ҳосил қилиб, қишини яхши ўтказади.

*Pythium* туркумiga мансуб турлар кўп шохланган, оқ ингичка ўргимчак ини шаклидаги мицелийлардан ташкил топган ғубор ҳосил қилади. Зооспоралари думалоқ, диаметри 15-25 мкм, гифалари ўзида ўсиши мумкин ёки намлик муҳитда уларнинг ичида зооспоралар ҳосил бўлади. Ооспоралари думалоқ, диаметри 12-18 мкм, сарғиш-жигарранг, қалин қобиқли, шунинг учун қиши совуғини талофатсиз ўтказади.

Касалланган ниҳолларнинг ён илдизлари чириб, ерда қолиб кетади. Ниҳолни ердан сұғуриб олганда фақат ўзак қисми чиқади. Касаллик қўзғатувчи замбуруғ турларини аниқлаш учун фитопатологик тахлил

үтказиш тавсия этилади. Бунинг учун касалланган ниҳоллар намлиқ камерасига жойланганда 20-25<sup>0</sup>C хароратда 6-8 кунда намуналар устида споралар ҳосил бўлади. Аниқлагичлардан фойдаланиб уларнинг тур ёки туркуми аниқланади.

Ниҳолларнинг ётиб қолиш касаллигининг инфекцияси кўпроқ тупроқда, камроқ қисми уруғда, кўчатлар атрофини ҳимоялаш ва ўсимлик гурухлари устини беркитиш учун қўлланилган материалларда ва ниҳоят ишлатилган асбоб-ускуналар ва бошқаларда бўлиши мумкин. Замбуруғлар ажратган захар ва уларнинг ўсимлик танаси ичида ўсан мицелийлари озуқа моддаларнинг ўтиш йўлларини беркилиб қолишига олиб келади, натижада ниҳол нобуд бўлади.

Баҳорда тупроқ харорати 6-8<sup>0</sup>C га етганда ва намлиқ етарли бўлганда замбуруғларнинг ўсиши бошланади. Ўсимлик уруғларининг униб чиқиши вақтида замбуруғ мицелийси бемалол ўсади, ёш ниҳолларни касаллантиради ва уларнинг нобуд бўлишига олиб келади.

Касаллик жуда тез ривожланиб, тарқалиш ўчоғига айланади, айниқса май ойларидаги ёғингарчилик ва ҳаво ҳароратининг паст келиши, уруғларнинг чуқур экилиши, тупроқ юзасида қатқалоқларнинг пайдо бўлиши, тупроққа дезинфекцияланмаган компост солиш, чиримаган ўсимлик қолдиқлари билан сепилган уруғларни беркитиш, уруғларни қалин экиш ва бошқалар касалликнинг тарқалишини кучайтириб юборади. Касаллик кунига 4-5 см масофага тарқалади. Баъзан касаллик эпифитотияси ҳосил бўлади.

Қуруқ ва иссиқ ҳаво шароитида замбуруғ ўсишдан тўхтайди, улар конидия ва хламидоспоралар ҳосил қиласи. Бу даврда ниҳолларнинг ётиб қолиши ҳам камаяди. Касалланган ниҳолларнинг баъзиларида илдиз бўғзи ёнида қўшимча илдизлар пайдо бўлади ва шулар ҳисобига у сақланиб қолади.

Ёз охирларида мицелийлар яна ўса бошлайди, аммо у ниҳолларни касаллантира олмайди, чунки бу пайтда уларнинг илдиз бўғзи ва танасининг пўсти қотиб қолган бўлади. Одатда кузги экилган ниҳоллар касалланади. Қишигача конидия ва хламидоспоралар ҳосил бўлади ва улар қишлиб чиқади.

Ётиб қолиш касаллиги билан кўпроқ қарағай, қорақарағай, тилоғоч, камроқ терак, тоғтерак, оқ акация дарахтларининг ниҳоллари заарланади.

**Кўчатларнинг чириши.** Касалликни *Phytophthora cactorum* (*Leb. et Cohn.*) *Schroet* замбуруғи қўзғатади, шу боис у кўпинча фитофтороз деб ҳам юритилади. Замбуруғ баргли дарахтларни (жўка, эман, заранг) ва игнабаргли (оққарағай, қорақарағай) дарахтларни, айниқса қорақайнин кўчатларини ва ниҳолларини касаллантиради. Касалланиш баҳорда қишлиб чиқкан ооспоралар ҳисобига бошланади.

Уруғпалла, уруғпоя ва биринчи хақиқий барг ёки игнабаргларда оқ,

кейинчалик қорамтирашган дөглар пайдо бўлади. Сернам ҳавода касаллик тез ривожланиб, барча ўсимликни касаллантиради. Куруқ ҳавода кўчатлар дастлаб қорамтири, кейинчалик умуман қорайиб, кўмирсимон бўлиб қолади. Мицелийлари ҳужайра ораларида жойлашади, ҳужайра ичига эса гаусторийларини киритади. Гаусторийлар озуқа моддаларни ҳужайрадан мицелийга ўтказиб беради. Касалланган жойнинг устки қисмида замбуурғнинг споралари ҳосил бўлади. Улар майин оқ ғубор кўринишида бўлади. Конидиябандлари ингичка, кучсиз, кам шохланган, тутамга тўпланган бўлиб, уларнинг юзасида рангсиз, ноксимон ( $50-60 \times 35$  мкм) конидиялар ҳосил бўлади. Конидиялар тушиб кетгандан сўнг конидиябандлари ўсишда давом этади ва уларнинг юзасида янги конидиялар юсил бўлади. Конидиялар нисбатан қуруқ шароитларда мицелий шаклида ўсади, томчи холидаги сув ёки суюқлик бўлганда эса 10-50 тагача зооспора ҳосил қилиши мумкин. Ҳосил бўлган зооспоралар ўсимлик ниҳолларини зарар-лантиради.

Нобуд бўлган ёки нобуд бўлаётган барг ва ўсимликнинг бошқа тўқималарида жинсий йўл билан ооспоралар ҳам ҳосил бўлади. Улар ўсимлик қолдиқлари билан тупроққа тушади. Ооспоралари думалоқ, жигарранг, диаметри  $24-80$  мкм. Қишлиб чиққандан сўнг улар ёш ўсимликларни касаллантиради. Қулай шароит юзага келмаса, улар тупроқда 4 йилгача яшаши мумкин ва шу давр ичидаги касаллик қўзғатиши мумкин. Кўчатзорларга замбуурғ касалланган барг, чиримаган компост ва бошқа йўллар билан тушади. Фитофтороз касаллиги қорақайин ва оқ қарағай ниюллари учун айниқса хавфлидир.

**Ниҳолларнинг бўғилиб қолиш касаллиги.** Касаллик қўзғатувчиси – *Thelephora terrestris Ehrenb.* Касаллик кўчатзорларда қарағай ниҳоллари, қисман қорақарағай, тилоғоч, саурарча, қизил-қайин ва ўзи ўсиб чиққан ўсимликларни касаллантиради.

Замбуурғ мицелийси сапротроф шаклда ўсимлик қолдиқларида яшайди. Дастреб илдиз бўғзида кўнғир ғубор мева танасининг бошланиши ҳосил бўлади. Кейинчалик у ўсиб, кўчатни ўраб олади. Касалланган кўчатнинг физиологик жараёни бузилади ва ўсимлик тезда нобуд бўлади. Мева танаси кўп йиллик, чармсимон, воронкасимон ёки ёйилган, тўқ жигарранг, чекка қисми очроқ рангли бўлади. Мева танасининг устки қисми қаттиқ кулранг қиллар билан қопланади. Базидиоспоралари жигарранг, думалоқ, бурчаксимон, ўлчми  $8-12 \times 7-9$  мкм.

Ўсимлик қолдиқларида ҳосил бўлган мицелий ва базидиоспоралар инфекция манбаи ҳисобланади. Ўсимликларнинг касалланиши 3% дан ошмайди. Касалликни бартараф этиш учун нобуд бўлган ўсимлик

қолдиқларини ёқиб ташлаш, күчтәрни вақтида яхши парвариш қилиш, тупрокларни юмшатиш ёки касаллик ўчоқларини умуман йўқотиш тавсия этилади.

**Игнабаргларнинг тўкилиши ёки шютте.** Касаллик қўзғатувчиси – *Lophodermium pinastri* Chev. ва конидияли даври – *Leptostroma pinastri* Desm. Касаллик биринчи марта XVIII аср охирларида Германияда учраган, шунинг учун у немисча «Schutten» - «тўкилувчи» деган маънени билдиради.

Замбуруғ күчтәрларда, ёш қарағай дараҳтзорларида ва қари игнабаргли дараҳтларда учрайди. Айниқса 1-5 ёшли қарағай ўсимликлари учун жуда ҳавфлидир (у дараҳтларни бутунлай нобуд қиласи). У оддий қарағайдан ташқари, қора, қирим, тоғ қорақарағайларини хам касаллантиради, аммо уларга унчалик зарап етказмайди. Веймут, кедр ва бошқа тур қарағайларга янада камроқ зарап келтиради. Қарағайнинг касалланиши ёз ўрталарида замбуруғ мева танаси пишиб етилганда – апотеций ва халтаспоралари халталаридан чиқсан вақтига тўғри келади. Халталарнинг ҳосил бўлиши кузгача давом этиши мумкин, баъзан баҳорда ҳам кузатилади, аммо энг заарлиси ёздагиларидир. Халтачалар ўсган-дан кейин мицелийлари игнабарг ичига оғизчалар орқали киради. Кузда игнабаргларда касалликнинг биринчи белгиларини кўриш мумкин. Споралар кирган жойларда майда сарғиши доғлар ҳосил бўлади ва игнабаргларнинг учлари сарғаяди.

Март-апрел ойларида кунлар исигандан игнабарглар қизғиш-жигарранг тусга киради. Игнабаргларнинг қорамтири бўлиши билан бир вақтда майда нуқталар шаклида пикнидалар ҳосил бўлади. Конидияларнинг қарағай дараҳтини касаллантириши аниқланмаган.

Апрел-май ойларида игнабарглар тўкилади. Ёз давомида тўкилган игнабаргларнинг пикнида ҳосил бўлган ёки бошқа жойларida апотецийлар ҳосил бўлади. Улар қора, чўзинчоқ, ёстиқчалар шаклида, 0,5-2 мм узунликда ва 0,3-1,0 мм кенглиқда бўлади. Пишгандан сўнг узунасига ёрилади. Апотеций ичидаги миқдорда рангиз, тўқмоқсимон халталар ( $130-150 \times 8-10$  мм) жойлашади. Ҳар бир халта ичидаги 8 та ипсимон, рангиз  $45-55 \times 2$  мкм ўлчамдаги халтаспоралар жойлашади. Халталар орасида ипсимон парафизалар бўлиб, улар бир оз йўғонлашган ва юқори қисми бироз эгилган бўлади. Касалликнинг ўзига хос белгиларидан бири – игнабаргларда қора кўндалангига тушган чизик ҳосил бўлиши.

Апотецийлар июн ойларининг охирида пишиб етилади. Сўнг халталар халтаспоралари билан ташқарига чиқиб, игнабаргларни касаллантиради. Бу август ойигача, баъзан ундан ҳам кечроқ давом этади.

Шютте күчтәрларда жуда катта зарап келтиради. 3-4 ёшли

касалланган кўчатларнинг новдалари калта, учлари чўткага ўхшаб йиғилиб қолади. Олдинги йил ҳосил бўлган игнабарглари тўкилади. Натижада ўсимликнинг касалликларга чидамлилиги пасаяди. Шютте касаллиги жуда ҳам хавфли касаллик, шу боис у билан фақат кўчатзорда эмас, балки ўрмонларда ҳам кураш чораларини қўллаш керак. Курашишни юқори сифатли экиш материалларини қўллашдан бошлаш лозим.

**Нихолларнинг жингалаклик касаллиги.** Касаллик қўзғатувчи вируслар. Касаллик бир йиллик қарағай кўчатларида кузатилади. Касалланган ўсимликларнинг игнабарглари деформацияланади, яъни буралиб, ўсимликларнинг ўсиши ёмонлашади. Янги ўрмонзор ташкил қилишда бундай кўчатларни экиш мумкин эмас.

**Илдиз бўғизининг қуийб қолиш касаллиги.** У кўчатларнинг ётиб қолиш касаллигига ўхшаб кетади. Касаллик иссиқ об-ҳаво шароитида, тупроқ ҳарорати  $60^{\circ}\text{C}$  гача етганда пайдо бўлади. Игна барглар юқори томонидан сўлий бошлайди. Касалланган кўчатлар юлиб олинганда илдизи тупроқ ичидаги қолиб кетади, юқори қисми эса синиб кетади. Касалликка қарши курашиш учун тупроқни соялаш ва кўчатларни суғориш лозим.

### **Кўчатлар касалликларига қарши қўлланиладиган тадбирлар тизими**

Ҳимоя тадбирлари мажмуи қўйидагиларни ўз ичига олади:

➤ ўрмон ўсимликлари кўчатзорлари учун жойни тўғри танлаш. Уларни картошка ва сабзавот экинларига яқин жойлаштириш тавсия этилмайди, чунки бундай майдонларда кўчатларнинг ётиб қолишига сабабчи бўладиган касаллик қўзғатувчилари жуда кўп бўлади;

➤ экишдан олдин уруғларни фитопатологик экспертизадан ўтказиш. *Fusarium* ва бошқа туркум вакиллари билан кучли заарланган уруғлар брак қилинади, кучсиз заарланганлари формалин эритмаси билан (1:80) ярим қуруқ усулда ишлов берилади. Ишлов берилган уруғлар 2 соат димланади, сўнгра шамоллатилади ва қуритилади;

➤ касалланган кўчатларни йўқотиш ва тупроқни дезинфекция қилиш. Бунинг учун калий марганец оксидининг 0,5% ли эритмаси ёки формалиннинг 0,15% ли эритмаси (тупроқ намлигига боғлиқ равишда  $1\text{ m}^2$  га 6-10 л эритма) қўлланилади. Суғоришни шундай амалга ошириш керакки, бунда эритма илдиз бўғизидан оқиб ўтиши керак. Зарур холларда 12-14 кундан сўнг такрорий дезинфекция қўлланилади. Бунда тупроқ ҳарорати  $12^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлмаслиги лозим. Дезинфекциядан сўнг тупроқ мулчаловчи қоғоз билан 7-10 кун ёпиб қўйилади;

➤ бегона ўтларга қарши курашиш ва кўчатларни ёпишда қўлланиладиган материалларни хар йили алмаштириш;

➤ кўчатзорларни хар хил ташқи таъсир хамда шамолдан химоялаш

мақсадида девор билан ўраш, қүёшда куйишдан асраш учун илдиз бўғзига тахта қириндиси ва бошқа мулчаловчи материаллар сепиб қўйиш;

➤ барча кўчатчилик тадбирларига риоя қилиш: тўғри парваришилаш, кулаг қалинликда экиш, тупроқ қатқалоғига қарши курашиш ва х.к.

➤ фитофтороз юзага келганда ўсимликларга 1% ли бордос суюқлиги, мис хлор оксидининг 0,3% ли суспензияси ёки улар-нинг ўриндошларини пухта пуркаш. Бунда ишчи суюқлиги сарфи 600-800 л/га.

## 2. Эманнинг ун-шудринг касаллиги

Касаллик қўзғатувчиси – *Microsphaera alphitoides Griff. et Maubl.* Замбуруғ кўпроқ европадан келтирилган эман дараҳтларини (қора эман, эман, тог эмани) ва заранг кўчатларини, американинг шимолидан келиб чиқсан қора қайин, япон каштани ва бошқа каштанларни эса камроқ касаллантиради.

Дараҳтларнинг баргларини касалланган ўсимликларнинг куртакларидағи қишлиған вегетатив мицелийси (оидий) ва халтачалари касаллантиради. Халтаспоралар тўкилган ўсимлик қолдиқларида қишлиған клейстотецийлардан чиқади. Вегетация даврида инфекция манбаи – конидиялар ҳисобланади. Касалликнинг биринчи белгилари баҳорда ёш баргларда ингичка мицелий ҳосил бўлғандан бошланади.

Касаллик июн охири ва июл ойининг бошларида яққол кўринади. Бу даврда клейстотецийлардан чиқсан халтачалар ва биринчи куртакдан чиқиб касалланган барглардаги ҳосил бўлған конидиялар ҳисобига янги барглар касалланади. Касалланиш жадаллиги ва суръати инфекция манбаига боғлиқ. Агар ўсимлик куртакдан чиқиб ҳосил бўлған мицелийдан касалланган бўлса, у фақат ушбу куртакдан ўсган новда ва баргларни касаллантиради. Халтаспоралар эса кўпроқ ва асосан 30-90 см пастки баргларни касаллантиради (17-расм).

Алоҳида клейстотецийларни шамол узоқ масофагача учирив кетиши мумкин. Конидиялар баргларни кучлироқ касаллантиради, чунки уларнинг ҳосил бўлиши вегетация даврида содир бўлади, уларни шамол 100 метрдан ҳам кўпроқ масофага тарқатиб юборади. Замбуруғларнинг халтаспоралари ва конидиялари баргларда томчи сув (ёмғир, шудринг) бўлғандан тезроқ ўсиб чиқади, улар нам ҳавода ҳам ўсиши мумкин.



**17-расм. Эман ниҳолларида ун-шудринг касаллиги**

Замбуруғ касалланган ўсимлик аъзоларининг эпидермис ҳужайраси ичига кириб ҳосил қилган гаусторийлари орқали озиқланади. Юзасида оддий конидиябанди билан конидиялар ҳосил қиласиди. Конидияси овалсимон, рангсиз, бир ҳужайрали, юпқа пўстли, занжирсимон жойлашган, ўлчами 20-55x13-27 мкм. Конидиялар тўпланган жойларда ун-шудринг ғубори ҳосил бўлади.

Ёзниң охири кузнинг бошланишида конидияларнинг ҳосил бўлиши тамом бўлади ва баргларда замбуруғнинг мева танаси клейстотецийлар пайдо бўлади. Улар дастлаб қўнғир, кейин қора тусга киради, шакли шарсимон, диаметри 83-165 мкм. Систематик хусусиятларидан бири – 3 марта дихотомик шохланган, 99-116 мкм узунлиқдаги рангсиз ўсимталарининг мавжудлигидир. Улар клейстотецийларни шамол орқали тарқалишига ёрдам беради. Клейстотецийлар ичида 6-20 дона тўқмоқсимон халталар (43-83x26-55 мкм), уларнинг ичида 8 тадан 17-29 x 8-15 мкм катталиқдаги халтаспоралар ҳосил бўлади.

Клейстотецийлар оддий кўз билан яхши кўринади. Улар қишида тўкилган баргларда қишлийди. Споралар май-июн ойларида учеб чиқади.

Клейстотецийлар ҳар йили ҳосил бўлади, аммо совуқ, сернам об-ҳаво шароитида пишиб етила олмайди. Конидияларнинг ҳосил бўлишига қуруқ, қуёшли ҳаво яхши таъсир қиласиди.

Замбуруғ ёш барг ва кўчатларнинг шохларида ривожланади. Кўпроқ июн ва июлда зарар келтиради. Мицелийлар ўсимликларнинг совуқ урган новдаларида кўпроқ ҳосил бўлади. Эман дарахти тўнкасидан ўсиб чиқсан майда шохларда жуда кучли касалланиш кузатилади. Ун-шудринг касаллиги билан барглар ва катта дарахтлар касалланади, айниқса эрта баҳорда

баргларни ейдиган ҳашаротлардан кейин ҳосил бўлган янги барглар кучли касалланади. Касалланган ўсимликларнинг барги мицелий билан қоплангандан кейин, ўсимликнинг ассимиляцияси пасаяди, буришиб қолади ва тўкилиб кетади. Бу янги ўсаётган ёш дaraohtlarнинг ўсишини пасайтиради, шохларни ўзгартиради.

Касалланган ўсимликлар қишига тайёрлана олмайди, шунинг учун кузги совуқларга чидамсиз бўлиб қолади. Катта дaraohtlar бошқа касаллик қўзғатувчиларга, заараркунанда ва нокулай об-ҳаво шароитига чидамсиз бўлиб қолади. Натижада дaraohtlar ёппасига қуриб қолади.

Ҳозирги вақтда ун-шудринг касаллиги жуда кўп тарқалган. У кўчатзорларга катта зарар етказади. Шунинг учун унга қарши профилактик ва бошқа ҳимоя тадбирларини қўллаш лозим.

Касалланишнинг олдини олиш учун кўчатзорлар эман дaraohtlar ўсадиган жойдан узокроқда жойлаштирилиши керак ёки кўчатзорнинг атрофи 100 м радиус кенглиқдаги барча ёш эман дaraohtlari кесиб ташланади. Кўчатзорлардаги тўкилган ўсимлик қолдиқлари йиғишишилиб ёндириб ташланади.

Эман дaraohти ёнғоқларининг камроқ касалланиши учун, уларни иложи борича эртароқ экиш керак (айниқса кузда экиш), бунда замбуруғ споралари учуб чиққунгача кўчатларнинг барги яхши ривожланиб олади.

Кўчат ораларига бўрилуккак экиш яхши натижа беради, чунки унинг барглари соя ҳосил қилиб, касалликнинг ривожланишини пасайтиради.

Юқорида кўрсатилган тадбирлар натижа бермаганда олtingugurt препаратини қўллаш тавсия этилади. Бунда 0,5 % ли коллоид олtingugurtни 800 л/га меъёрда қўллаш яхши натижа беради. Бундан ташқари, майдалangan олtingugurt билан 25-30 л/га меъёрда кўчатзорларни чанглаш мумкин. Биринчи ишлов бериш касаллик кўринганди, вегетация даврида эса 2-3 хафта оралаб 3 марта ўтказилади. Ўрмон хўжалигига касалликни олдини олиш учун ўсимликларни аралаштириб экиш катта аҳамиятга эга.

#### 4. Ёнғоқ дaraohtinining касалликлари

**Ёнғоқнинг марssoninoz** касаллигини Ҳақиқий замбуруғлар дунёсининг *Ascomycota* филуми, *Ryzenomycetes* тартиблар гурухи, *Diaporthales* тартиби, *Gnomoniaceae* оиласига мансуб бўлган *Gnomonia leptostyla* (сионимлари *Sphaeria leptostyla*, *Ophiognomonia leptostyla* ва б.) тури қўзғатади, анаморфа босқичининг номи *Marssonina juglandis* (сионимлари б тадан кўп).

**Географик тарқалиши.** Марssoninoz касаллигини қўзғатувчи замбуруғ космополит организм бўлиб, оддий ёнғоқ ва *Juglans* туркумининг бошқа турлари ўсадиган барча мамлакатларда учрайди. Ушбу касаллик ҳақидаги

маълумотлар Европа (Болгария, Венгрия, Италия, Молдова, Сербия, Словакия, Украина ва б.), Осиё (Ирек, Тожикистон, Ҳиндистон, Ўзбекистон, Эрон, Қирғизистон, Қозоғистон, Россия, Хитой ва б.), Шимолий (АҚШ, Канада) ва Жанубий Америка (Аргентина), Африка (ЖАР) олимлари томонидан илмий журналларда мунтазам равишда чоп этилади. Россиянинг Узоқ Шарқ ўлкасида манъҷжурия ёнғоғида касалликнинг бошқа қўзғатувчиси – *Marssonina mandschurica* тури кўрсатилади.

**Касаллик белгилари.** Замбуруғ ёнғоқ дараҳтларининг барглари, барг банди, яшил новдалари ва меваларини заарлайди. Касалликнинг илк белгилари одатда май ойининг 1-нчи ўн кунлигига пайдо бўлади. Бунда баргларда олдин кичик, кенглиги 0,5-1 мм келадиган, сал ботик, оч-қўнғир ёки қулранг-қўнғир тусли, думалоқ шаклли доғлар ҳосил бўлади (18-расм). Бундан 2-3 ҳафта ўтганида (май ойининг охирги ҳафтасида) доғларнинг диаметри 3-6 мм га етади ва улар тўқ-қўнғир, ўртаси бироз очроқ тус олади.



**18-расм. Ёнғоқнинг қўнғир доғланиш касаллиги**

Барг бандларида (баъзан ёш, яшил новдаларда ҳам) доғлар барглардагилардан 4-8 кун кейинроқ ҳосил бўлади, улар олдин узунчоқ, эллипс шаклли, эни 1-1,5 мм, кейин нотўғри шаклли, қулранг тусли, ёстиқчалар ҳосил бўлганида қора тусли, август ойида эни 22-27 мм га етади. Кучли заарланган барг бандлари нобуд бўлади.

Ёш, яшил меваларнинг устида (перикарпийда) думалоқ, қора ёки қўнғир тусли, сариқ ёки қизғиши-қўнғир тусли ҳошияли доғлар ҳосил бўлади. Мевалар доғ бўлган томонидан чатнаб, ёрилиб кетади, мева мағзи қорайиши ва қуриб қолиши мумкин.

**Ёнғоқнинг цитоспороз касаллиги.** *Cytospora* туркуми Ҳақиқий замбуруғларнинг Ascomycota филуми, Pyrenomycetes тартиблар гурӯҳи, Diaporthales тартиби, Valsaceae (Cytosporaceae) оиласига, анаморфа босқичида эса Deuteromycota гурӯҳи, Coelomycetes синфи, Sphaeropsidales

тартиби, Sphaeropsidaceae оиласига киради. Ушбу туркумга ўсимлик паразитлари ҳамда сапрофит турлар киради. Улар орасидаги фитопатоген турлари дунёнинг барча қисмларда тарқалган ва кўп турларга мансуб мевали ва ўрмон дараҳт поя, шох ва новдаларининг цитоспороз қуруқ чириш ва нобуд бўлиши (рак) касаллигини кўзгатади. Буларнинг натижасида цитоспороз иқтисодий заар қелтиради ва анча ҳосил йўқотилишига сабаб бўлади.

*Cytospora* туркумининг таксономияси анча чалкаш, турларининг номлари қўп марта ўзгартирилган ва уларнинг синонимлари ҳам жуда қўп. Index Fungorum (2018) базасида туркумнинг 614 та тури қелтирилган, аммо улардан факат 110 таси тан олинган. 2018 йил 28 июнга қадар GenBank маълумотлар базасига 91 та *Cytospora* туркуми турлари нуклеотид кетма-кетликлари рақамлари (GenBank accession numbers) киритилган ва депозитга қўйилган. Шу билан бирга кейинги йилларда туркумнинг янги паразит турлари кашф этилмоқда ва унинг таркибига кирувчи турлар сони ой сайин кўпаймоқда.

Илгари *Cytospora* туркуми турларининг аскомицет (телеоморфа) босқичлари ҳам ҳар хил – *Leucostoma*, *Valsa*, *Valseutypella* – номлар билан тавсиф қилинган, аммо ҳозирги даврда барча турларнинг телеоморфа босқичлари битта – *Valsa* туркумига киритилган, бошқа номлари унинг синонимлари даражасига туширилган.

Оддий ёнғоқ дараҳтларида цитоспороз касаллигини *Cytospora* туркумининг 16 та тури кўзгатади. Ўзбекистонда ёнғоқда улардан иккитаси – *C. juglandicola* ва *C. juglandina* – учрайди; бошқа мамлакатларда ёнғоқни заарлайдиган *C. chrysosperma* бизнинг мамлакатда терак турларида, *C. leucostoma* эса ўрик, олча, шафтоли ва қайрағочда қайд этилган.

**Касаллик белгилари.** Цитоспороз билан ёнғоқ дараҳтларининг танаси, шох ва новдаларининг пўсти ва ёғочлик қисми заарланади, барг ва мевалари заарланмайди. Олдин дараҳт пўстида қизил ёки қизғиши-қўнғир, ўртаси нимранг доғлар пайдо бўлади ва улар остидаги тўқима дарҳол нобуд бўлади. Доғлар ўсиб, эллипс ёки узунчоқ шаклли, узунлиги 50-75 см ёки ундан ҳам узунроқ, қизғиши-қўнғир яраларга айланади. Яралардан шилимшиқ суюқлик оқиб чиқади. Яралар тагидаги пўстлоқ ёғоч қисмигача нобуд бўлади, қуриб, қаттиқ ёки мўрт, уваланадиган бўлиб қолади. Яралар устида пўстлоқни ёриб чиқувчи, ярим шар ёки кўпинча конус шаклли стромалар ҳосил бўлади.

Яра дараҳт танаси ёки шохини ўраб олса, шох ёки бутун дараҳт нобуд бўлади ва қуриб қолади. Цитоспороз сурункали касаллик бўлиб, дараҳт танасидаги яралари йил сайин катталашиб боради ва охири дараҳтнинг катта шохлари ва новдаларини ўлдиради. Заарланган ёш новдалар ва шохлар,

касалликнинг ташқи белгилари намоён бўлмасдан ҳам нобуд бўлиши мумкин.

**Касаллик ривожланиши.** Кўзғатувчи замбуруғлар заарланган дaraohтлардаги яраларда мицелий, пикнида ва (аскомицет босқичи мавжуд бўлган турларда) перитецийлари билан қишлиайди. Ёмғир пайтида яралардан шилимшиқ ичидаги чиққан конидиялар кейинчалик қуриб, буралиб кетган сарик, апельсин ёки қизғиш тусли ипларни ҳосил қиласди. Бу ипларда споралар ҳаётчанлигини бир неча кун ёки ҳафталар давомида саклаши мумкин. Дaraohтлар асосан баҳорда ва кузда (ҳосил терилиши пайтида ва ундан сўнг), ёмғирли об-ҳавода заарланади. Заиф, нимжон ва шикастланган дaraohтлар бутун ўсув даврида заарланиши мумкин.

Баҳорда куртаклар ёзилиши даврида ва кеч кузда заарланган тўқималардан конидиялар (ва аскоспоралар) ёмғир ва шамол билан бошқа шох ва новдаларга тушади ва уларни механик жароҳатлар (совук урган, қуёш таъсирида куйган, кесилган ва синган жойлар, бошқа касалликлар ва ҳашаротлар ҳосил қилган яралар) ҳамда новдалардан барглар чиқиши пайтида новдалардаги чандиқлар орқали заарлайди. Бирор сабабга кўра заифлашган дaraohтлар соғломларига нисбатан қўпроқ заарланади. Заарланган аъзоларда янги яралар ривожланади. Улар баҳорда ва ёз бошларида фаол ўсади, ёзда ва қишида ўсиши секинлашади.

**Кураши чоралари.** Цитоспорозга қарши агротехник тадбирлардан дaraohтларни вақтида суғориш ва ўғит бериш уларнинг касалликка чидамлилигини оширади; кучли заарланган ва қуриган шох ва новдаларни ҳамда поялардаги яраларни қуруқ об-ҳаво пайтида кесиб олиш ва боғдан ташқарида ёқиб юбориш лозим. Кесилган жойларга, ёмғир ёғишигача қолдирмасдан, боғ суртмаси, мойли бўёқ ёки таркибида фунгицид бўлган суртма билан ишлов бериш ёхуд дaraohтларга тезда бирор фунгицид пуркаш лозим.

### *Муҳокама учун саволлар*

1. Манзарали дaraohтлар ниҳолларининг кенг тарқалган касалликлари қайси касалликлар ҳисобланади?
  2. Уруғларни дорилаш ниҳолларни қандай касалликлардан ҳимоя қиласди?
  3. Касаллик кўзғатувчи организмларнинг ихтисослашиши?
- Филогенетик, онтогенетик, органотроп ихтисослашиш. Кенг ва тор ихтисослашган фитопатоген организмларнинг тавсифлари ва мисоллари?
4. Фитопатоген замбуруғларнинг конидиялари ўсимлик субстратларида қандай тузилмалар ҳосил қиласди? Коремия, ёстиқча, спородохий ва

пикнидалар бир-бирларидан қайси белгилари билан фарқланади? Уларни тавсифлаб беринг.

5. Замбуруғларнинг репродуктив ножинсий ва репродуктив жинсий кўпайиши бир мавсумда неча марта учрайди?

6. Замбуруғларнинг репродуктив ножинсий ва репродуктив жинсий кўпайиш усууларининг аҳамияти нимада?

7. Замбуруғларнинг жинсий жараёни неча босқичдан иборат бўлади? Жинсий жараён босқичларини тавсифлаб беринг.

8. Замбуруғларнинг жинсий жараёнида кузатиладиган плазмогамия, кариогамия жараёнларини ҳамда мейоз ва митоз бўлинишларини тавсифлаб беринг.

9. Замбуруғларнинг жинсий жараёнида кузатиладиган копуляция, дикарион, монокариотик мицелий, дикариотик мицелий атамаларини тавсифлаб беринг.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Горленко М.В. Сельскохозяйственная фитопатология. Москва, «Высшая фитопатология», 1968, 433 с.
2. Ҳасанов Б.А. Микология. Тошкент, 2019, 503 б.
3. Ҳасанов Б.А. ва бошқалар. Мевали ва ёнгоқ мевали дарахтлар, цитрус, резавор мевали буталар ҳамда ток касалликлари ва уларга қараш. Тошкент, 2010, 316 б.
4. Ҳасанов Б.А., Сафаров А.А. Ёнгоқ дарахтининг касалликлари. Тошкент, 2019, 155 б.

## IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1- МАВЗУ. ФҮЗАНИНГ ЗАМБУРУҒЛАР ВА БАКТЕРИЯЛАР ҚҮЗҒАТАДИГАН КАСАЛЛИКЛАРИ

**РЕЖА:**

1. Фүзанинг ризоктониоз касаллиги
2. Фүзанинг питиоз касаллиги
3. Фүзанинг гоммоз касаллиги

**Машғулотнинг мақсади:** Мавжуд назарий билим ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш ҳамда таққослаш орқали фүзанинг замбуруғлар ва бактериялар қўзғатадиган касалликларини чуқур ўрганиш, соҳадаги билимларни мустаҳкамлаш.

**Машғулотнинг вазифаси:** Фўзада замбуруғлар ва бактериялар қўзғатадиган касалликларни белгиларини, зарарини ва тарқалишини ўрганиш, шунингдек уларнинг морфологик ва бошқа белгиларига қараб туркум турларини аниқлаш ва бошқа тур замбуруғ, бактериялар билан солиштириш.

**Ишни бажариш учун намуна:** Тингловчилар кичик гурухларга бўлинишади ва мавжуд замбуруғ ҳамда бактерияларнинг соғ культураларидан, расмлар, аниқлагичлар, микроскоп, бинокуляр, лупа, гербарий ва бошқа лаборатория жиҳозларидан фойдаланган ҳолда ўқитувчи ёрдамида замбуруғ ва бактериялар аниқланади ва ўзаро савол жавоблар қилинади.

#### 1. Фўзанинг ризоктониоз касаллиги

Касалликни қўзғатувчи организм *Thanatephorus cicutae* базидиомицетлар синфига оид замбуруғ бўлиб, тупроқда вегетатив *Rhizoctonia solani* шаклида, одатда ўсимлик қолдиқларида сапрофит сифатида яшайди, аммо касалликка мойил экин турларининг илдизлари заарланган тупроққа кирганда, замбуруғ кучли паразитга айланади.

*Rhizoctonia solani* битта ўзи ёки бошқа патоген замбуруғлар билан бирга ниҳол касалликларини барчасини қўзғата олади. Замбуруғ экилган чигитни чиритиши ва ниҳолларни тупроқ юзасига чиқишидан олдин ёки кейин касаллтириши мумкин. Салқин ҳаво туфайли ниҳоллар ўсиши секинлашган ёки тўхтаб турган пайтда заарланиш кучаяди. Аммо *Pythium ultimum* туридан фарқли ўлароқ, *Rhizoctonia solani* ҳаво исигандан сўнг, айникса тупроқ паразит билан кучли заарланган ҳолда, ниҳолларни шикастлашни давом эттираверади. Замбуруғ билан заарланган ўсимлик

қолдиқлари далага ишлов бериш пайтида кенгрөк жойларга тарқалади ва оқибатда, паразит билан ниҳолларни учрашиш эҳтимоли ошиши мумкин. Паразит гифалар ёрдамида, одатда чин барглар чиққунига қадар, ниҳоллар уруғпалла, гипокотиль (поя) ва илдизининг юмшоқ тўқималарига илдизни тешиб киради ва кейинги 2 органда ботик, қўнғир ёки қизғиў қўнғир, кейинчалик тўқ қўнғир, узунлиги 1-2 мм дан бир неча см гача бўлган доғлар ҳосил қиласи. Бу доғлар ва яраларда ривожланган сарғиш-қўнғир гифалар ёрдамида замбуруғ ниҳолнинг ички тўқималарига ўтиб, уларни чиритади.

Замбуруғ ўзидан чиқарадиган оксалат ва бошқа органик кислоталар билан тўқима ҳужайраларини ўлдиради, целлюлаза ва пектиназа ферментлари ёрдамида ҳужайра деворчаларини емиради, тўқимадаги озуқа моддаларни ўзлаштиради, тез ўсади ва унинг гифаларида узоқ вақт сақланишга мўлжалланган йўғон, тўқ-қўнғир ҳужайралар ва тўқ-қўнғир склероцийлар ривожланади. Вақт ўтиши билан склероцийлар қора тусга киради ва ўлчами 1 мм ёки каттароқ диаметрга етади. Бу йўғон ҳужайра ва склероцийлар тупроқда ўсимлик қолдиқларида касалликка мойил хўжайнин экиннинг тўқималари яна пайдо бўлгунча сақланаверади.

Замбуруғ ғўзадан бошқа ҳар хил сабзавот, техник ва бошоқли экинларни ҳам касаллантиради, аммо бир экиндаги популяция иккинчи экин тури учун безарап; мисол учун далада картошкада ривожланган склероцийлар бошқа экинларни касал қилмайди. Бир экин тури далада узоқ йиллар мобайнида ўстирилганда, тупроқда ўша экинни жуда кучли заарлайдиган популяция тўпланиб, йилдан йилга кўпайиб бориши аниқланган.

## 2. Ғўзанинг питиоз касаллиги

Касалликни оомицетлар синфига оид, тупроқда хаёт кечирадиган *Rhizium* замбуруғи турлари қўзғатади. Улар ниҳол касалликларининг барча белгиларини озага келтириши мумкин. Унаётган чигит ва тупроқ юзасига чиқаётган ёки чиққан гипокотиль ва уруғбарг питиозга жуда мойил ва чидамсиз бўлади ва осон заарланади. Кучли шикастланган чигит ва ниҳол органлари (аниқса гипокотиль ва ўқ илдизча) замбуруғ таъсиридан юмшаб, бўтқага ўхшайди ва буришиб қолади. Тадқиқотларнинг қўрсатишича, агар тупроқ ҳарорати ва намлиги паразит учун оптимал бўлса, у 1-2 соат ичидеёқ чигитга ҳужум қиласи. Гипокотилда касаллик кичик доғчлардан бошланади, сўнгра улар ўсиб, бироз ботик, некротик доғлар (яралар) га айланади. Доғларнинг қўриниши қайноқ сувда пишгандай, тузи олдин асал ранг, сўнгра қизғиш-қўнғир бўлади. Улар ривожланиб, гипокотилда узунлиги илдиз бўйинчасига етадиган халқа ҳосил қилиши мумкин. Агар чигит (ва у орқали ниҳол) ҳимоя қилинмаса, питиоз кўпинча уларни нобуд қиласи; нобуд бўлган

ниҳоллар ёки ётиб, ёки тикка ҳолда қуриб қолади. Чин барглар чиққандан, питиоз ниҳолнинг ўқ ва иккиламчи илдизларида оч-жигар ранг, тўқималари юмшаган, доғлар ҳосил қиласди (19-расм).



**19-расм. Ёзанинг питиоз касаллиги**

Шикастланган ғўза намуналаридан 10 тадан кўп *Pythium* туралари ажратиб олинган ва уларда ёзага нисбатан паразитлик хусусияти борлиги сунъий заарсизлантириш тажрибаларида исботланган; улардан энг вирулент (касаллик қўзғатиш қобилияти баланд) ва кенг тарқалгани *Pythium ultimum* тури эканлиги аниқланган. Унинг диагнози: мицелий ҳужайраларга бўлинмаган, фақат эски, анча сақланган замбуруғ культуларида бўлинган. Гифалар диаметри 1,7-6,5 мкм, ўртача 3,8 мкм. Зооспорангийлари гифанинг тепа қисмида ривожланади, думалоқ шаклда, диаметри 12-28 мкм, ўртача 20 мкм, баъзида гифа ўртасида (интеркаляр) пайдо бўлади, шакли бочкасимон, ўлчамлари 14-17 мкм дан 22-28 мкм гача; зооспорангий фақат гифа ўсимталари ҳосил қилиб ниш отади (зооспорангийлари йўқ). Оогонийлари силлиқ, гифанинг тепа қисмида, кам ҳолларда – интеркаляр, думалоқ, диаметри 19,6-22,9 мкм, ўртача 20,6 мкм. Антеридийлари оогоний остида биттадан жойлашган, моколин типида. Ооспоралари аplerотик типида, биттадан, думалоқ, силлиқ қалин деворчали, диаметри 15-19 мкм, ўртача 16,3 мкм, марказида жойлашган глобусининг атрофи тузилиши дона-дона бўлган протоплазма билан қопланган.

### **3. Ёзанинг гоммоз касаллиги**

Гоммоз ёзани бутун ўсиши даврида барча органларини заарлайди. Касалликнинг 4 хил – уруғбарг, чинбарг, поя ва кўсак шакли мавжуд.

Уруғбарг шакли заарланган чигидан ривожланади. Гоммознинг биринчи белгилари ниҳол чиққандан 7-10 кун сўнг яхши кўринади. Уруғбаргларда тўқ-яшил, думалоқ, сув шимиб олганга ёки мой томганга

ўхашаш доғлар пайдо бўлади. Улар кейинчалик қуриб, сарғиш-жигарранг, сўнра қўнғир, атрофи қизгиш тусга киради. Гоммоз кучли ривожланганда, барг банди, пояча (гипокотиль) ва ўсимликнинг ўсиш нуқтаси ҳам заарланади. Поячада чўзинчоқ, қора доғлар пайдо бўлади, улар поячани ўраб олади ва ниҳол нобуд бўлади.

Чинбаргларда доғлар тўқ-яшил, мой томганга ўхашаш, қиррали бўлиб, сўнгра қурийди, қўнғир тус олади ва баъзилари бир-бирига қўшилиб кетади; доатда доғлар баргнинг майда томирчалари билан чекланган бўлади. Об-ҳаво гоммоз учун жуда қулай келганда барг банди яқинидаги бош томирлари бўйлаб тарқалган узун, аввал тўқ-яшил, сўнгра қўнғир некротик доғлар (яралар) ривожланади. Заарланган барглар одатда тўкилиб кетади.

Пояда ҳосил бўладиган доғлар чўзинчоқ, қора, кучли ривожланганда бир-бирига қўшилиб кетади ва пояни ўраб олади. Ингичка толали ғўза навларида заарланган поя синиши кузатилади (20-расм).



**20-рам. Ғўзанинг пояси ва кўсакларида гоммоз касаллиги белгилари**

Кўсакларда ҳам, уругбарглардаги каби, тўқ-яшил, сув шимиб олганга ўхашаш, ботик, думалоқ ёки бироз чўзничоқ, вақт ўтиши билан тўқ-қўнғир ва охири қора тус оловчи доғлар ҳосил қиласди. Касаллик учун қулай об-ҳаво шароитида доғлар бир-бири билан қўшилиб кетади. Заарланган ёш кўсакчалар тушиб кетиши, кечроқ заарланганлари, тола етилганда ҳам, чаноқлари бир-бирига ёпишиб, очилмаслиги ёки яrim очилиши мумкин. Кўсаклар ғўзанинг гоммозга энг чидамсиз органлари ҳисобланади. Кўсакнинг заарланган жойлари емирилади ва бактериялар толага ўтади. Тола сарғиш-қўнғир тус олади, бир-бирига ва кўсак чанофининг ички деворчаларига ёпишиб қолади. Заарланган чигит пишмайди, нимжон бўлиб қолади ва ҳаётchanлигини йўқотади.

Заарланган уруғбарг, чинбарг, поя ва кўсақдаги доғлар устида баъзан (касаллик учун қулай об-ҳаво кузатилганда) қўзғатувчи бактерия массаси қуюқ елимсимон суюқлик (камедъ) ҳолида пайдо бўлади, сўнгра у қотиб, юпқа, оқиш-кулранг парда ҳосил қиласди.

Гоммозни қўзғатувчи бактерия факультатив анаэроб, грамсалбий, учлари силлиқ таёқча, якка ҳолда ёки баъзан 2-4 тадан занжирчаларда жойлашган, ўлчами  $0,6\text{-}2,0 \times 0,2\text{-}0,8$  мкм. Поляр жойлашган битта хивчинчаси ёрдамида харакат қиласди, капсула ҳосил қиласди, спора ҳосил қилмайди.

### ***Назорат учун саволлар:***

1. Ўзанинг ризоктониоз касаллигини қўзғатувчи замбуруг қандай қишлиб чиқади ва улар неча градус совуқ ҳароратда нобуд бўлиши мумкин?
2. *Rhizoctonia solani* замбуруғининг зарари қандай ва ҳосилга қанча зарар келтириши мумкин?
3. Ризоктониоз касаллиги республикамизнинг қайси вилоятида биринчи бўлиб аниқланган?
4. Питиоз касаллиги ғўзада қандай ташқи муҳит таъсирида кучли ривожланади?
5. Питиоз қўзғатувчилари тупроқда қайси шаклда қишлиб чиқади?
6. Питиоз касаллигидан энг кўп қайси давлат пахтачилиги катта зарар кўради?
7. Гоммоз касаллигини қўзғатувчи бактерия учун энг оптиамал ҳарорат қанчани ташкил этади?
8. Ҳозирги кунда республикамизда гоммозга чидамли навлар қайси навлар ҳисобланади?
9. Ўзанинг гоммоз касаллиги кўп тарқалган вилоятлар қайсилар?
10. Ўзанинг гоммоз касаллигига қарши қандай кураш чоралари амалга оширилади?

### ***Ўқув топширик***

***“Блиц-сўров” саволларига жавоб беринг***

<b>№</b>	<b>Саволлар</b>	<b>Жавоблар</b>
1	Доғланиш деб нимага айтилади?	
2	Чириш белгиларини қайси микроорганизмлар қўзғатади?	
3	Ризотониоз касаллигига қандай белгилар ҳосил бўлади?	
4	Замбуруғлар ўсимликларда қандай касаллик белгиларини ҳосил қиласди?	
5	Питиоз касаллигига қандай белгилар ҳосил бўлади?	

6	Гоммоз касаллигини қандай шакллари мавжуд?	
7	Гоммоз касаллигига қарши қандай кураш чоралари қўлланилади?	

## **2- МАВЗУ. БУҒДОЙНИНГ МАЙСА, ИЛДИЗ, ПОЯ ЧИРИШЛАРИ, ҚОРАКУЯ, УН-ШУДРИНГ ВА ЗАНГ КАСАЛЛИКЛАРИ РЕЖА:**

- 1. Буғдойнинг майса, илдиз ва поя чириш касалликлари**
- 2. Буғдойнинг қоракуя касалликлари**
- 3. Буғдойнинг аэроген касалликлари**

**Машғулотнинг мақсади:** Мавжуд назарий билим ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш ҳамда таққослаш орқали буғдойнинг республикамиизда энг кўп заарар келтирадиган замбуруғлар қўзгатадиган касалликларини чуқур ўрганиш, соҳадаги билимларни мустаҳкамлаш.

**Машғулотнинг вазифаси:** Буғдойда замбуруғлар қўзгатадиган касалликларни белгиларини, заарини ва тарқалишини ўрганиш, шунингдек уларнинг морфологик ва бошқа белгиларига қараб туркум турларини аниқлаш ва бошқа тур замбуруғлар билан солиштириш.

**Ишни бажариш учун намуна:** Тингловчилар кичик гурухларга бўлинишади ва мавжуд замбуруғларнинг соф культураларидан, расмлар, аниқлагичлар, микроскоп, бинокуляр, лупа, гербарий ва бошқа лаборатория жиҳозларидан фойдаланган ҳолда ўқитувчи ёрдамида замбуруғлар аниқланади ва ўзаро савол жавоблар қилинади.

### **1. Буғдойнинг майса, илдиз ва поя чириш касалликлари**

**Кузги буғдойнинг унаётган уруғлари ва майсалари чириши** касаллиги уруғлик донни кузда қуруқ ерга экиш, унаётган дон ва майсалар тупроқдаги патоген ёки яrim паразит микроорганизмлар билан заарланиши, уруғликнинг ички ва/ёки устки қисми патоген микроорганизмлар билан заарланган бўлиши ва уруғлик экишдан олдин сифатли дориланмаганлиги сабабли пайдо бўлади (21-расм).

Бу касаллик лалми буғдойда кўпроқ учрайди. Экишдан кейин ёмғир бўлмаса, уруғлик тупроқда 2-3 ҳафтадан 2-3 ойгача унмасдан қолади. Унинг устки қисми ҳар хил мөгорлар билан қопланади. Натижада уруғнинг униш қобилияти пасаяди ёки йўқолади ёхуд ундан нимжон, хунук шакли, илдизлари қисман ёки деярли тўла чириган майсалар унади. Бу майсаларнинг ҳам муайян қисми кейинчалик нобуд бўлади, экин жуда сийрак бўлиб қолади.



**21-расм. Экишдан олдин дориланмаган ва дориланган уруғлардан ўсан ниҳолларни фарқи**

Суғориладиган буғдой далаларида ушбу касаллик камроқ учрайди. Одатда бунга паст сифатли уруғликни сифатли дориламасдан экиш ҳамда экинни кеч суғориш сабаб бўлади.

Уруғлик ва майса чириши туфайли (айниқса лалми) буғдой ҳосилдорлиги эса анча пасайиши муқаррар, аммо йўқотиладиган ҳосил миқдорлари тажрибаларда аниқланмаган.

Буғдойда касалликни замбуруғларнинг *Fusarium culmorum*, *F. gibbosum*, *F. gibbosum* var. *acuminatum*, *Penicillium citrinum*, *Bipolaris sorokiniana*, *Pythium debaryanum*, *Rhizoctonia solani* турлари қўзғатади. Энг агрессив патогенлар сифатида *F. culmorum*, *F. gibbosum*, *F. moniliforme* ва *P. citrinum* турларини кўрсатишиади. Бу замбуруғларнинг барчаси тупроқда ва уруғда, *P. citrinum* эса фақат тупроқда сақланади.

**Буғдойнинг фузариоз илдиз ва поя чиришилари.** Ушбу касалликларни қўзғатувчи замбуруғлар *Fusarium* туркумига мансуб бўлиб, яқингача улар Анаморф замбуруғлар (Anamorphic Fungi) филуми (эски классификация бўйича Дейтеромицетлар, ёки Такомиллашмаган замбуруғлар синфи) нинг Нуромүсете синфи, Нуромүсеталес тартиби, Tuberculariaceae оиласига мансуб, деб ҳисобланар эди. Бу бўлимга ривожланиш циклида жинсий кўпайиш босқичи топилмаган замбуруғ турлари киритилар эди. Вакт ўтиши билан кўп анаморф замбуруғлар, жумладан *Fusarium* туркуми турларининг ҳам анаморфа (ножинсий) ва телеморфа (жинсий) босқичлари орасидаги алоқалар мавжудлиги ва ушбу турларнинг аксарияти халтачали замбуруғларга мансуб эканлиги исботланди. Ҳозирги даврда Ботаника

Кодексининг Халқаро Номенклатурасига биноан, *Fusarium* туркуми турлари Ҳақиқий замбуруглар оламининг Халтачали замбуруглар (*Ascomycota*) филуми, *Sordariomycetes* синфи, *Pezizomycotina* кенжа синфи, *Hypocreales* тартиби, *Nectriaceae* оиласига киритилади. *Fusarium* туркуми турларининг аксариятининг телеоморфа (яъни, жинсий) босқичи *Gibberella* туркумига, фақат баъзи бошқалари эса *Albonectria* ёки *Haematonectria* туркумларига мансубдир. Ушбу турларнинг перитецийлари, халтачалари ва аскоспоралари белгиларининг тавсифи илмий адабиётларда мавжуд.

Касаллик манбаалари заарланган уруғлик дон, ўсимлик қолдиқлари ва тупроқдир. Тупроқда фузариозни қўзғатувчи замбуруғ турлари хламидоспоралари ёрдамида кўп йиллар давомида сақланади. Қўзғатувчилар ўсиши ва ривожланиши учун кардинал ҳароратлар 3-8°C ва 30-38°C, оптимум 20-22°C. Конидиялар ўсиши ва ўсимликларни заарлаши учун тупроқ намлиги 40% дан юқори бўлиши лозим.

## 2. Буғдойнинг қоракуя касалликлари

Чанг қоракуя касаллигини *Ustilago tritici* космополит замбуруғи қўзғатади. Касаллик буғдой бошоқлари чиқсан пайтдан бошлаб кўринади ва ўсув даврида далада осон аниқланади, чунки яшил тусли соғлом бошоқлар орасида заарланганлари қора туси билан яққол ажралиб туради. Касал ўсимликларнинг бошоқлари барг қинидан соғломларникидан сал олдинроқ чиқади. Заарланган бошоқлар ҳали барг қинининг ичидаги пайтида уларнинг ўзагидан ташқари барча қисмлари қўнғир, тўқ-қўнғир, тўқ-зайтун ёки деярли қора тусли чангсимон телиоспоралар кукунига айланади. Улар олдин юпқа, рангиз-оқиши ёки оч-кулранг парда билан қопланган бўлиб, кейинроқ бу парда йиртилади, телиоспоралар чангта ўхшаб, тарқалиб кетади ва бир неча кун сўнгра фақат бошоқнинг ўзаги қолади (22-расм).

**Касалликнинг зарари.** Чанг қоракуя билан заарланган дондан унган майсалар кўпинча заиф бўлиб, уларнинг стресс шароитларга (тупроқ ҳарорати пастлиги, уруғлик донни керагидан чуқур экиш, майсалар сув остида қолиши, қиши совуғи) чидамлилиги камаяди. Касал ўсимликлар илдизларининг сони ва оғирлиги, пояларининг сони, бўйи ва оғирлиги камаяди. Эндиғина бошоқ чиқарган касал ўсимликлар ўсишдан тўхтайди. Уларнинг пастки бўғимлари соғлом ўсимликларникига нисбатан узунроқ, устки бўғимлари калтароқ бўлади, аммо поянинг бошоқка бириккан қисмининг узунлиги анча камаяди. Барвлар, айниқса байроқ барг кичикроқ бўлиб қолади, кўпинча тез сарғаяди. Булар натижасида баъзи йиллари ва айрим далаларда ҳосил йўқотилиши 10-40% га этиши мумкин; АҚШ да чанг қоракуяси туфайли ҳар йили буғдой ҳосилининг ўртача 1% йўқотилади.



**22-расм. Буғдойнинг чанг қоракуя касаллигини кўриниши**

Чанг қоракуя билан заарланган буғдой ўсимликларининг бўйи 10-13% га, оғирлиги 32-36% га камаяди, улар дон тутмайди. Қисман заарланган ўсимликлардан сув буғланиши 20% га кўпроқ бўлади, донда крахмал миқдори камаяди, бошоқ ва дон пуч ёки ярим пуч бўлиб, уларнинг бошқа касалликларга чидамлилиги кескин пасаяди. Заарланган майсаларнинг бир қисми қиши даврида нобуд бўлади. Касалликни кучайтирувчи факторларга уруғликни тавсия қилинган муддатлардан кеч экиш, гуллаш фазасида сернам ва сершамол об-ҳаво кузатилиши, элита ва пастроқ репродукция уруғлари экилган далаларни ёнма-ён жойлаштириш, экишдан олдин уруғлик донни дориламаслик ёки системали таъсирга эга бўлмаган фунгицид билан дорилаш киради. 1970-йиллардан бошлаб амалиётда карбоксин ва триазол гурухларига мансуб бўлган системали уруғ дорилагич фунгицидлар кенг ишлатилиши буғдойзорларда чанг қоракуя тарқалишини кескин камайтирди. Марказий Осиё республикаларида 1968-1972 йилларда кузги буғдойда чанг қоракуянинг тарқалиши 0,1-0,37%, ўртacha 0,24% ни ташкил қилиб, ушбу касаллик туфайли ҳар йили 1,9-5,9% (ўртacha 4%) ҳосил йўқотилган. Фарғона вилояти Бешарик туманининг айрим кузги буғдой далаларида чанг қоракуя тарқалиши 2001 йилда 5% ни ташкил қилган.

**Касаллик белгилари.** Касалликнинг биринчи белгилари дон сутли пишиш даврида намоён бўлади. Касал ўсимликларнинг бўйи соғломларига нисбатан бироз пасаяди, бошоқларининг эни сал кичикроқ бўлиб, бошоқчалари (қилтиқли навларнинг қилтиқлари ҳам) тарвақайланган шакл ва тўқ-яшил тус олади. Улар яшил тусини соғлом бошоқларга нисбатан узокроқ вақт давомида сақлаб қолади. Заарланган донни қўл билан эзганда ундан

сасиган балиқ (триметиламин моддасининг) ҳидига ўхшаш бадбўй ҳидга эга бўлган кулранг суюқлик чиқади. Заарланган дон муртагининг барча ички қисмлари емирилади ва фақат дон пўсти бутунлигича қолади ва бироз қалинлашади, унинг ичидаги дон қисмлари эмас, балки зайдун-қўнғир, қўнғир, тўқ-қўнғир, деярли қора тусли телиоспоралар қукуни ҳосил бўлади, бундай дон қоракуя халтачалари (ёки қоракуя соруслари) деб аталади. Улар қўнғир-кулранг тусли, шакли дон шаклига ўхшайди, аммо соғлом донларга нисбатан сал думалоқроқ. Қоракуя халтачалари донга нисбатан сал каттароқ бўлиб, бошоқчалардан уларнинг уни бироз чиқиб туради. Халтачалар донга нисбатан енгил бўлиши туфайли, заарланган бошоқлар тикка ҳолатда қолади (соғлом бошоқлар дон оғирлиги туфайли эгилади). Битта қоракуя халтачаси ичидаги 4 млн телиоспора ҳосил бўлиши мумкин. Халтачаларни қўл билан эзганда ҳам улардан ўша бадбўй ҳид келади, шу сабабдан касалликнинг яна битта номи «сассиқ қоракуя» деб аталади (23-расм).



**23-расм. Буғдойнинг қаттиқ қоракуя касаллиги**

Баъзан битта бошоқда ёки ҳатто битта халтача ичидаги қаттиқ қоракуянинг ҳар икки қўзгатувчисининг ҳам телиоспоралари учраши мумкин. Касалликнинг бошқа белгилари қуйида «Кўзгатувчиларнинг ривожланиш цикли» қисмида келтирилади.

**Касалликнинг зарари.** Янги самарали уруғ дорилагич фунгицидлар амалиётга киритилгач, дунёнинг кўп мамлакатларида буғдой қаттиқ қоракуя билан заарланиши кескин камайди. Аммо самарасиз дорилар ишлатилганида ҳозиргacha касаллик туфайли кўп буғдой ҳосили

йўқотилмоқда. Уруғлик дон дориланмасдан экилса, об-ҳаво касаллик учун қулай бўлса ва инокулюм миқдори кўп бўлса буғдой бошоқларининг 70% заарланиши мумкин. Далада касал ўсимликларнинг тарқалиши фоизи ҳосил йўқотилиши фоизига teng (заарланган бошоқлар сони 1% бўлса ҳосил ҳам 1% га камаяди).

Касалликнинг зарари яққол ва яширин бўлиши мумкин. Қоракуянинг яққол зарари (бошоқда дон ўрнига қоракуя халтачалари ҳосил бўлиши) дан унинг яширин зарари 5-6 марта гача кўпроқ: заарланган буғдой ўсимликларнинг бўйи 15-20% га пасаяди, бошоқдаги донларнинг сони 10-15% га, маҳсулдор пояларнинг сони анча ва 1000 та доннинг оғирлиги ҳам сал камайиши мумкин, уруғлик доннинг дала унувчанлиги пасаяди. Баҳори ва кузги буғдой экинлари заарланиши, мутаносиб равишда, 30% ва 50% ва ундан кўпроқ бўлганида қоракуянинг яширин зарари бўлмайди ва ҳосил йўқотилиши касал ўсимликлар фоизига teng бўлади. Фарбий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларида 1979 йилда қаттиқ қоракуя туфайли 5-7% буғдой ҳосили нобуд бўлган [Hoffmann, 1982]. Яқин вақтларгача касаллик туфайли анча ҳосил йўқотиладиган мамлакатлар қаторига Сурдия, Туркия, Эрон, Афғонистон, Ироқ, Ливан, Саудия Арабистони, Хиндистон, Покистон, Шимолий Африка, Эфиопия киради. Марказий Осиё республикаларида 1968-1972 йилларда кузги буғдойда қаттиқ қоракуянинг тарқалиши 0,15-0,31%, ўртacha 0,24% ни ташкил қилиб, ушбу касаллик туфайли ҳар йили 2,6-5,9% (ўртacha 3,9%) ҳосил нобуд бўлган. Ўзбекистонда лалми буғдойнинг Сурхак-5688, Тезпишар-412 ва Грекум-439 навлар қаттиқ қоракуя билан заарланиши 40-60% га етганлиги ҳақида хабар мавжуд.

### 3. Буғдойнинг аэроген касалликлари

**Касаллик белгилари.** Ун-шудринг касаллигининг белгилари буғдой ва бошқа ғалла экинларидан умуман бир хил. Ўсимликлар экин ўсиш даврининг ҳар қандай босқичида заарланиши мумкин. Чидамсиз навларнинг барча ер усти қисмлари заарланади, аммо одатда касаллик белгилари пастки ярус баргларининг устки (баъзан пастки) қисмларидан ҳамда барг қинларида кўпроқ намоён бўлади. Заарланган аъзолар устида олдин оқ, ўргимчак инига ўхшаш ғубор пайдо бўлади (24-расм). Кейин ғубор зичлашиб, алоҳида жойлашган, оқ тусли, пахтасимон ёки кийгизсимон ёстиқча (колония) лар ҳосил бўлади. Ёстиқчалар кўзғатувчи замбуруғнинг бир-бирига чирмашиб,чуваллашиб кетган гифалари (мицелий) ва конидиал споралаш органларидан ташкил топади. Олдин ёстиқчалар оқ тусли бўлиб, улар аста-секин зичлашади, бир-бири билан қўшилиб кетади, сарғиш-қулранг ёки ифлос-қулранг-қўнғир тусга киради. Заарланган барглар аста-секин сўлийди ва қуриб, буришиб қолади. Вақт ўтиши билан ёстқчалар устида, мицелий

орасида тўқ-кўнғир ёки деярли қора тусли, етилганлари қуролланмаган кўзга кичик қорамтири нуктачаларга ўхшаб кўринадиган аскокарплар (клейстотецийлар) ҳосил бўлади. Баргларнинг ёстиқчалар бўлган жойларининг айни тескари томонида хлоротик доғлар мавжуд бўлади. Кўзгатувчи учун қулай шароит мавжуд бўлса, ўсимликларнинг барг қинлари, поялари ва бошоқлари (бошоқ тангачалари) ва қилтиқлари ҳам заарланади. Кейинги йиллар давомида Европа мамлакатларида ун-шудринг билан буғдой бошоқлари заарланиши кўп учрамоқда. Пояларни, уларнинг пастки қисмларидан бошлаб ўртасигача, оқ тусли моғор бутунлай ўраб олиши мумкин. Кучли заарланган ўсимликларнинг бўйи пасаяди, улар бошоқ ҳосил қилмайди. Чидамли буғдой навларида замбуруғ ғубор ҳосил қилмайди, балки заарланган баргларда оч тусли кичик доғлар ҳосил бўлади.



**24-расм. Буғдойнинг ун-шудринг касаллиги кўриниши**

**Буғдойда занг касалликларининг белгилари.** Буғдойни заарлайдиган занг замбуруғларининг урединиялари баргларнинг ҳар икки томонида, баъзан пояда, бошоқ қилтиқлари ва дон қобиғида, эпидермис остида ҳосил бўлади. Улар оёқчалари мавжуд бўлган урединиоспоралар тўдачаларидан ташкил топган ёстиқчалардир. Урединиялар якка-якка, тартибсиз равишда ёки гурухларда узунчоқ чизиқлар ёки тасмачалар ҳосил қилиб, жойлашади, тузи сариқ ёки кўнғир. Урединиоспоралар етилганида, ёстиқчаларни қоплаган эпидермис йиртилади ва ёстиқчалар устида урединиоспоралар кукуни намоён бўлади (25-расм).



## **25-расм. Буғдойнинг поя занг касаллигини кўриниши**

**Буғдойнинг поя занги.** Поя зангини қўзғатувчи замбууругнинг телиобосқичи билан заарланадиган хўжайин ўсимликлар доирасини таҳлил қилиш ёрдамида *Russinia graminis* тури биринчи марта Марказий Осиё минтақасида пайдо бўлганлиги аниқланган. Кейинчалик, қишлоқ хўжалиги ривожланиши жараёнида ушбу патоген аста-секин Ўртаер денгизи минтақасига, Европа, Африка, Америка ва Австралияга инсонлар воситасида тарқалган.

Қозоғистонда поя занги мамлакатнинг шимолий вилоятларидағи буғдойзорларга мунтазам равишда хавф туғдириб турди. Олимларнинг ҳисоб-китоблари кўрсатишича, 1950-1990 йиллар орасида ушбу касалликнинг 1-2 млн га майдонга тарқалган эпифитотиялари беш марта кузатилган. Бу ҳолларда касаллик манбай мамлакатнинг бошқа минтақаларида эканлиги ёки қўшни мамлакатлардан ҳаво оқимлари билан учиб келган урединиоспоралар эканлиги тахмин қилинган. Патогеннинг споралари Шимолий Қозоғистонга ҳаво оқимлари билан Ғарбий Сибирдан ҳам учиб келиши мумкинлиги аниқланган.

**Буғдойнинг қўнғир занги.** Қўнғир занг буғдойга урединия босқичида зарар етказади. Қўзғатувчи буғдойнинг баргларини, баъзан барг қинини заралайди. Баргларнинг устки, камроқ остки тарафида, тартибсиз равища, у ер - бу ерда тарқоқ жойлашган, овал ёки думалоқ шаклли, сарғиш-қўнғир тусли ёзги ёстиқчалар, уларнинг ичидаги эса сарғиш-қўнғир тусли урединиоспоралар қукуни ҳосил бўлади. Кучли заарланган баргларнинг усти деярли тўла урединиялар билан қопланади, барглар буралиб, қуриб қолади. Заарланиш типи локал, заарланган тўқима ичидаги мицелий атрофига кам масофага тарқалади ва одатда битта каттароқ урединия ва унинг атрофида бир неча жуда майда урединиялар ҳосил қиласида. Баъзи навларнинг баргларида урединиялар атрофида хлоротик ва/ёки некротик

доғлар ҳосил бўлади. Урединиялар очилганидан кейин 10-20 кун ўтгач баргларнинг ҳар икки (кўпинча остки) томонида телиялар ва телиоспоралар ҳосил бўлади.

**Сариқ занг** дунёда барча буғдой далаларининг 35% дан кўпроғида тарқалган. Ушбу касаллик иқлими салқин бўлган мамлакатларда ҳамда тоғолди минтақалар, водийлар, қир ва адирларда кўпроқ, текисликларда камроқ учрайди. МДХ да Россияда Олтой ўлкаси, Шимолий Кавказ, Кавказ орти, Марказий Осиё, Українанинг Полесье ва Ўрмон-чўл минтақалари, Белоруссия, Литва, Латвия ва Эстонияда тарқалган. Буғдойнинг занг касалликлари орасида сариқ занг Ўзбекистонда барча вилоятларда энг кенг тарқалгани ва энг заарарлисиdir, фақат Хоразм воҳаси ва Қорақалпоғистон республикасида ҳозиргacha кам учрайди. Ўзбекистонда сариқ занг буғдойни ялпи ёки локал заарлаши 1968, 1970, 1978, 1982 (асосан Сурхондарё воҳасида), 1991, 1999, 2000, 2002, 2003, 2005 ва 2009, 2010 йиллари қайд этилган.



**26-расм. Буғдойнинг сариқ касаллигини кўриниши**

Сариқ занг буғдойнинг баргларини заарлайди, кучли ривожланганида барг қини, бошоқ қилтиқлари, бошоқчаларнинг тангачалари ва донга ўтади (26-расм). Кўнғир ва поя зангларидан фарқли ўлароқ, буғдой барглари (ва барг қинлари) қўзғатувчи билан локал-диффуз (локал-системали) типда заарланади, бунда заарланган тўқима ичидаги мицелий узунасига ўсади. Баргларнинг устки, камроқ остки тарафида, эпидермис остида, сариқ ёки тўқ-сариқ тусли, узунлиги 1 см дан баргнинг деярли бутун узунлигигача етадиган урединиялардан иборат бўлган чизиқлар ва тасмачалар ҳосил бўлади.

Урединияларда катта миқдорда чангсимон споралар ҳосил бўлади ва улар эпидермисни ёриб, ташқарига очилади.

Бу ерда шуни **алоҳида таъкидлаш** лозимки, буғдойнинг ёш ўсимликларида сариқ занг касаллигининг урединиялари тартибсиз жойлашади, чизиқли тартибда жойлашиши кузатилмайди, шу сабабдан касалликнинг майсалар баргларида ҳосил бўлган ёстиқчаларини қўнғир зангга мансуб деб, хатолашиб мумкин. Ёстиқчалар чизиқсимон тартибда жойлашиши ўсимлик ривожланишининг кейинги фазаларида, одатда найчалаш фазасидан сўнг кузатила бошлайди.

### *Муҳокама учун саволлар*

1. Аскомицет замбуруғлар бошқа замбуруғлардан қандай белгилари билан фарқланади?
2. Мева танаачалари бўлмаган аскомицет замбуруғларнинг асклари қаерда жойлашади?
3. Клейстотеций, перитеций, апотеций ва псевдотецийларнинг бирбиридан фарқ қиласидиган қандай белгилари бор?
4. Буғдойнинг илдиз чириш касаллиги кўпроқ қандай майдонларда кузатилади?
5. Занг касалликларини қайси шакли республикамиз учун энг хавфли ҳисобланади ва унинг сабаблари нима?
6. Поя занг касаллиги республикамизнинг қайси вилоятларида кузатилади?
7. Қоракуя касалликларига қарши қандай уруғ дорилагичлар ишлатилади?
8. Ун-шудринг касаллиги туфайли буғдойнинг қанча ҳосили йўқотилади?
9. Замбуруғ касалликларига қарши фунгицидларни қайси муддатларда қўллаш яхши самара беради?
10. Буғдойнинг занг ва ун-шудринг касалликларини қўзғатувчи замбуруғлар қаерда, қандай қишлиб чиқади?

## **З-МАВЗУ. ДУККАКЛИ ДОН ЭКИНЛАРИНИНГ КАСАЛЛИКЛАРИ**

### **РЕЖА:**

- 1. Соя касалликлари**
- 2. Нўхат касалликлари**
- 3. Ловия касалликлари**

**Машғулотнинг мақсади:** Мавжуд назарий билим ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш ҳамда таққослаш орқали дуккакли дон экинларида зарар келтирадиган турли микроорганизмлар келтириб чиқарадиган касалликларини ўрганиш, соҳадаги билимларни мустаҳкамлаш.

**Машғулотнинг вазифаси:** Дуккакли дон экинларида замбуруғлар қўзғатадиган касалликларни белгиларини, зарарини ва тарқалишини ўрганиш, шунингдек уларнинг морфологик ва бошқа белгиларига қараб туркум турларини аниқлаш ва бошқа тур замбуруғлар билан солиштириш.

**Ишни бажариш учун намуна:** Тингловчилар кичик гурухларга бўлинишади ва мавжуд замбуруғларнинг соф қультураларидан, расмлар, аниқлагичлар, микроскоп, бинокуляр, лупа, гербарий ва бошқа лаборатория жиҳозларидан фойдаланган ҳолда ўқитувчи ёрдамида замбуруғлар аниқланади ва ўзаро савол жавоблар қилинади.

### 1. Соя касалликлари

**Фузариоз касаллиги.** Соядан фузариозни *Hypromycetales* тартибига мансуб *Fusarium Lk* туркуми такомиллашмаган замбуруғлари қўзғатади. Майса-ларда ва дуккакларда кўпинча *F. gibbosum App. et Wr.* ва *F. oxysporum Schl.*, сўлишда эса *F. oxysporum* учрайди.

Фузариоз қўзғатувчилари тупроқ ва турли ўсимлик қолдиқ-ларида учрайди. Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун ноқулай шароит вужудга келганда (паст харорат ва юқори нам-лик) замбуруғлар мўл ўсади ва паразит хаёт кечира бошлайди. Соядан ташқари кўпинча лавлаги, картошка, помидор, ғўза ва бошқа экинларни заарлайди. Замбуруғ мицелийси ўсимлик тўқимасида хужайралараро жойлашади ва тўқима мацерациясини келтириб чиқаради. Уруғларда замбуруғ одатда қобиғида учрайди, аммо кўпинча эпидермисга, сўнгра муртакка хам ўтади. *F. oxysporum* ўсимликнинг ўтказувчи най тизимини хам заарлайди, уларни беркитиб кўяди ва интоксикацияни келтириб чиқаради, натижада ўсимлик сўлийди.

**Аскохитоз касаллиги.** Касаллик ўсимликнинг ер устки аъзоларида майсалар униб чиққандан пишиб етилгунгача кузатилади. Уруғпаллаларда тўқ тусли жияк билан чегараланган тўқ жигарранг доғлар хосил бўлади. Барглардаги доғлар анча йирик (диаметри 0,5-1,0 см), думалоқ, кулранг-оқищ, кескин қўнғир хошияли бўлади. Баъзан улар ўсиб чўзинчоқ шаклга киради. Кўпинча баргнинг заарланган қисмлари қуриб тўкилади ва фақат доғнинг қўнғир хошияси қолади.

Доғларда баргнинг устки томонида кўп сонли нуқтасимон пикнидалар хосил бўлади, улар барг тўқимасида концентрик айлана бўлиб жойлашади.

Ёш пояларнинг аскохитоз билан заарланган юза тўқималари емирилади ва бўйлама йўлакларга ажралиб кетади. Ёғочлашиб қолган

пояларда чўзинчоқ қора доғлар, сўнгра эса пикнидалар пайдо бўлади. Улар айниқса шохларнинг бирикиш жойида кўп тўпланади. Дуккак қобиқлари яхши кўриниб турувчи пикнида массасига эга бўлган оқиш ва чириган тус олади. Бундай дуккакларда дон хосил бўлмайди.

Замбуруғ уруғларда мицелий кўринишида, ўсимлик қолдиқ-ларида эса пикноспорали пикнида кўринишида сақланади. Қора ва қўнғир уруғли навлар кўпроқ заарланади, сариқ уруғли навлар ичида эса – оқ гуллилари.

Аскохитоз таъсирида уруғ унувчанлиги пасайиши, майсалар ва катта ёшли ўсимликлар ётиб қолиши, шунингдек дон хосили камайиши ва унинг сифати ёмонлашиши мумкин. Айрим холларда касаллик таъсирида 15-20% ва ундан хам кўпроқ хосил йўқотилиши мумкин.

**Пероносзороз ёки сохта ун шудринг касаллиги.** Соя етиштириладиган барча худудларда учраши мумкин, аммо намлик юқори жойларда кучли ривожланади. Касаллик икки шаклда намоён бўлади – ўсимликнинг умумий заарланиши (диффуз заарланиш) ва баргларнинг доғланиши (локал заарланиш).

Заарланишнинг иккинчи шакли баргларда дастлаб хира яшил, кейинчалик қўнғирлашувчи доғларнинг пайдо бўлиши билан ифодаланади, улар баргнинг остки томонида кулранг бинафшаранг ғубор билан қопланади. Заарланган барглар нобуд бўлади. Мазкур заарланиш шакли кўпинча гуллаш ва дуккак хосил бўлиши даврида юзага келади.

Касаллик дуккак ва уруғларда хам кузатилади, аммо дуккак қўзогининг ички деворлари ва уруғнинг ташқи қобигини қоплаб турувчи сарғиш плёнка кўринишидаги заарланиш фақатгина улар пишиб етилганда гина кўринади.

Ўсимликларнинг бирламчи заарланиши ооспоралар орқали амалга ошади, улар ўсиб ўсимликнинг ёш тўқимасига кирувчи инфекцион гифа беради. Олимларнинг аниқлашича ооспоралар одатда манфий харорат ( $-20^{\circ}\text{C}$ ) таъсиридан сўнг ўсади. Аммо уруғлардаги ооспоралар уруғ унганда ўсади ва ўсимликни заарлайди. Кўриниб турибдики, мухит – шишаётган уруғ ооспора-нинг ўсишига имкон беради.

Вегетация даврида ўсимликларнинг иккиласи заарланиши конидиялар ёрдамида юзага келади. Улар томчи холидаги намлик шароитида 2 дан  $30^{\circ}\text{C}$  гача хароратда (қулай харорат  $20^{\circ}\text{C}$ ) ўсади. Инкубация даври харорат ва ўсимлик ёшига боғлиқ равишда 4 дан 15 кунгача давом этади. Пероносзорознинг келтирадиган зарари ўсимликнинг заарланиш даражаси билан аниқланади. Касаллик кучли ривожланганда уруғ хосили 5-7%, мойлилиги 0,6-1% гача пасаяди. Заарланган уруғ ва ўсимлик қолдиқлари инфекция манбаи бўлиб хизмат қиласи.

**Ун-шудринг касаллиги.** Баргларнинг устки томони, поя ва

дуккакларда оқиши ўргимчаксимон ёки унсимон ғубор хосил бўлади. Кейинчалик ғубор тифизлашади, кулранг тусга киради ва унда қора нуқталар кўринишида клейстотеций хосил бўлади.

Замбуруғ заарланган ўсимлик қолдиқларида клейстотеций шаклида қишлийди. Бахорда улардан халтаспорали халталар сочилиб, шамол оқими ёрдамида тарқалади ва ўсимликларни заарлайди. Заарланган баргларнинг ассимиляция майдони камаяди, улар мўрт бўлиб қолади. Касаллик кучли ривожланганда 15% ва ундан ортиқ хосил йўқотилиши мумкин.

**Занг касаллиги.** Касаллик вегетация даврининг иккинчи ярмида кучлироқ ривожланади. Барг, поя ва дуккакларда эпидермисдан чиқиб турувчи майда, думалоқ, зангсимон-жигарранг чангланувчи пустулалар хосил бўлади. Заарланган барглар нобуд бўлади, дуккакларда эса пуч донлар шаклланади.

Касаллик қўзғатувчиси – *Uromyces sojae* Syd. базидияли замбуруғи. У бир уйли паразит бўлиб, барча ривожланиш даврлари сояда ўтади. Бахорда заарланган ўсимликларда қўп миқдорда спермагониал ва эциал даври учратилади. Унинг урединиоспоралари (бир хужайрали, тухумсимон, оч жигарранг, ўлчами 15-20x12-20 мкм, тиканли қобиқли) ва телиоспоралари (бир хужай-рали, думалоқ, жигарранг, учидаги сўргичсимон ўсимталли, узун оёқли, диаметри 20-25 мкм) айниқса хавфлидир.

Замбуруғ тўкилган ўсимлик қолдиқларида телиоспора кўринишида қишлийди. Бахорда улар ўсиб, шамол ёрдамида янги ўсимликларга олиб ўтиловчи ва уларни заарловчи базидиоспорали базидия хосил қиласади.

## 2. Нўхат касалликлари

**Илдиз чириши касаллиги.** Касаллик барча нўхат етиштириладиган худудларда учрайди ва кўпинча майсаларда пайдо бўлади. Майсаларда илдизча, пояча ва уруғпалланинг чириши кузатилади. Ўсимталар кўнғирлашади ва кўпинча тупроқ юзасига чиқмай нобуд бўлади. Айримлари тупроқ юзасига чиқишига муваффақ бўлсада, уруғпаллаларда кўпинча юзасининг қарийб ярмини қамраб оловчи чуқур қўнғир яра кузатилади. Кўп холларда ўсув нуқтасининг қорайиши қайд этилади ва у қора учли ўчирилган шамчироқни эслатади. Катта ёшли ўсимликларда илдиз тизими ва поя асоси қораяди ва нобуд бўлади, натижада ўсимлик ўсишдан тўхтайди ва сўлийди.

Касаллик қўзғатувчиси – *Fusarium Lk*, камдан-кам холларда *Thielaviopsis basicola* Ferr, *Pythium debaryanum* Hesse, *Rhizoctonia solani* Kuehn, *Aphanomyces euteiches* Drechsl. ва бошқалар, баъзида бактериялар.

*Fusarium* замбуруғлари нам об-хавода ўсимликнинг заарланган аъзоларида оқ момик ғубор хосил қиласади, кейинчалик улар оч пушти ёки тўқ сариқ рангли қўтирча кўринишини олади. Уларда тўғри ёки ўроқсимон

эгилган кўп хужайрали конидия кўринишида мўл спора хосил қилиш кузатилади. Мазкур замбурууглар кўпинча хламидоспора ва склероций хосил қиласди.

Заарланган дон ва тупроқ инфекция манбаи бўлиб хизмат қиласди, тупроқда патоген ўсимлик қолдиқларида яхши ривожланади. Паст намлик (50% дан кам) ва тупроқ хароратининг 18-25°C атрофида бўлиши илдиз чиришининг жадал тарқалишига имкон беради. Уруғ жуда чуқур экилганда, шунингдек зич оғир тупроқларда касаллик кучайиши мумкин. Қулай муддатларда экилган экинлар кеч экилганларга нисбатан камроқ касалланади. Касаллик кучли ривожланганда экинлар сийраклашади, натижада хосилнинг йўқотилиши 30% ва ундан кўпроқни ташкил этиши мумкин.

**Аскохитоз касаллиги.** Асосан дуккакларда, камроқ даражада барг ва пояларда тўқ жигарранг хошияли оч бинафшаранг доғлар кўринишида намоён бўлади. Барг ва дуккаклардаги доғлар думалоқ, диаметри 9 мм гача, поя ва бандларда эса – узунчоқ. Уларнинг марказида тўқ жигарранг пикнидалар шаклланади. Баъзан ўсимликлар вегетация якунида заарланганда поя ва дуккакларда доғ хосил бўлмайди, аммо кўп сонли пикнидалар пайдо бўлади.

Касаллик қўзғатувчиси – *Ascochyta pisi Lib.* замбурууглари. Унинг 5 та биологик шакллари аниқланган. Замбуруғ ўз мицелийси билан дуккакдан ўтиб, уруғ ичига киради. Кучли заарланган уруғлар ноаниқ ифодаланган оч сариқ доғли буришган юзага эга бўлади. Заарланган уруғлар касал нихол беради, улар тезда нобуд бўлади.

**Тўқ тусли (доғли) аскохитоз.** Касаллик барг, поя ва дуккакларда диаметри 0,5 дан 8 мм гача бўлган думалоқ ёки нотўғри шаклли тўқ жигарранг доғлар кўринишида пайдо бўлади. Уларнинг четлари енгил хошияланган, маркази доимо тўқ тусли. Катта доғларда унинг бутун юзаси бўйлаб жойлашувчи пикнидалар хосил бўлади. Поялар заарланганда яралар хосил бўлади, майсаларда эса илдиз бўғзи қораяди ва чирийди, натижада кўпинча улар нобуд бўлади. Заарланган уруғлар яхши кўринувчи тўқ тусли доғларга эга бўлади.

Замбуруғ ўсимлиknинг қуриётган қисмларида майда, тўқ жигарранг, деярли қора халта ва халтаспорали псевдотеий хосил қиласди. Халталари тўқмоқсимон ёки цилиндросимон (50-75x11,5-13,5 мкм), ўтирган ёки жуда калта оёқли. Ҳар бир халтада одатда 8 тадан рангсиз, думалоқ-эллипссимон, икки хужайрали халта-споралар (12-15x6-8 мкм) жойлашади. Замбуруғнинг халтали даври *Didymella pinodes Petr.* деб аталади.

**Ёйилувчи аскохитоз.** Поя ва баргларда думалоқ, оч рангли, кўпинча

ёйилиб кетувчи түқ хошияли доғлар күринишида пайдо бўлади. Уларнинг марказида диаметри 100-210 мкм бўлган қора пикнидалар хосил бўлади.

Касаллик қўзгатувчиси – *Ascochyta pisicola* Sacc. Пикноспоралари бир икки хужайрали, рангсиз, ўлчами 9,5-12x3-3,5 мкм. Ўсимликларнинг заарланиши намлик 90% ва харорат  $4^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлганда юзага келади. Касалликнинг кучли ривожланиши  $20-25^{\circ}\text{C}$  хароратли кунларда ёғингарчилик кўп бўлганда кузатилади. Касалликнинг инкубация даври харорат ва патогеннинг турига боғлиқ равишда 2 дан 4 кунгача давом этади. Нам ва қуруқ об-хавонинг навбатлашиб туриши аскохитознинг ривожланишини чеклайди,  $35^{\circ}\text{C}$  дан юқори хароратда эса бутунлай тўхтайди. Нўхат экинларини юқори меъёрда калийли ўғитлар билан озиқлантириш аскохитознинг ривожланишини пасайтириши тажрибалар билан исботланган.

Заарланган уруг ва ўсимлик қолдиқлари касаллик инфекцияси хисобланади. Патоген мицелий кўринишида уругга етарлича чукур (2,5-3,2 мм гача) кириб боради, айrim холатларда дорилашнинг самара бермаслиги мана шу холат билан тушунтирилади. Замбуруғ ўсимлик қолдиқларида пикнидали спора хосил қилиш, айримлари эса халтали давр, мицелий ва хламидоспора кўринишида сақланади. Улар тупроқда узоқ вақт (3-4 йил) сақланади, уругларда патоген бўлмагандага мазкур хламидоспоралар касаллик юзага келишининг бирламчи сабабчиси бўлиши мумкин.

**Занг касаллиги.** Одатда гуллашнинг бошланиши даврида поя ва баргларда йирик оч жигарранг кукунсимон пустула – концентрик жойлашган урединиялар пайдо бўлади. Кейинчалик ўсимликнинг ер устки аъзоларида тўқ жигарранг пустулалар – телиялар (баъзан айланга кўринишида) хосил бўлади. Касаллик кучли ривожланганда барглар вақтидан илгари қурийди ва тўкилади, дуккаклар яхши ривожланмайди.

Касаллик қўзгатувчиси – икки уйли *Uromyces pisi* SchrÖet замбуруги. Нўхатда урединия ва телия, сутламада (*Euphorbia*) ва эциал даврлари ривожланади. Урединиоспоралари бир хужайрали, шарсимон, диаметри 21-25 мм, сийрак сўгалчалар билан қопланган. Телиоспоралари бир хужайрали, ўлчами  $20-31x14-22$  мкм, майда сўгалчали, калта рангсиз тўкилиб кетувчи оёқли.

Нўхатда замбуруғ бир неча авлод урединиоспоралар хосил қилиши мумкин. Сурункали ёмғир ва хаво хароратининг  $20-25^{\circ}\text{C}$  бўлиши замбуруғ учун қулай шароит бўлиб, у касалликнинг ривожланишини кучайтиради.

*U. pisi* дан ташқари, нғхатда занг касаллигини *U. fabae f. pisi-sativae* *Hiretsuka* хам тез-тез қўзгатади. Мазкур замбуруғ бир уйли, унинг барча ривожланиш даврлари нғхатда ўтади. Урединиоспоралари думалоқ, якка, тиканли, оч жигарранг, ўлчами  $21-30x18-26$  мкм. Телиоспоралари бир

хужайрали, думалоқ, ўлчами 25-40x18-28 мкм, силлиқ, рангиз оёқли.

Зангнинг келтирадиган заари ўсимлиқда физиологик ва биокимёвий жараёнларнинг бузилиши, айниқса фотосинтезнинг сусайиши билан ифодаланади. Бунда 30% ва ундан кўпроқ хосил йўқотилиши мумкин. Тупроқда азотнинг меъёридан ортиқ бўлиши касалликни кучайтиради.

**Ун-шудринг касаллиги.** Касаллик ёз ўрталарида барг (хусусан унинг устки томонида), поя, гулолди, гул ва дуккакларда оқ ёки унсимон ғубор кўринишида юзага келади. Кейинчалик ғубор тифизлашади ва патоген-нинг мева танаси (клейстотеций) шаклланиши натижасида кул-ранг тусга киради. Баргнинг касалланган қисми дағал консистенцияли бўлиб қолади ва нобуд бўлади.

Касаллик қўзғатувчиси – *Erysiphe communis* Grev. f. *pisi Diet-rich*. Унинг мицелийси юзада хосил бўлади, ўсимлик тўқималарига апрессорийлари билан ёпишади, тўқима хужайралари ичига эса овал-қопсимон гаусторийлари киради. Мицелийсида шохлан-маган, бироз эгилган конидиябандлар хосил бўлади, уларнинг учидаги бир хужайрали, рангиз, эллипссимон конидиялар (28-44x17-18 мкм) шаклланади. Замбуруғнинг халта ва халтаспорали клейстотеций хосил қилиши тўғрисида ҳам маълумотлар мавжуд.

Конидиялар шамол, ёмғир томчиси ва хашаротлар ёрдамида тез тарқалади ва янги ўсимликларни заарлайди. Конидияларнинг ўсиши учун қулай харорат  $20^{\circ}\text{C}$ , нисбий намлик эса 100% атрофида. Касалликнинг инкубация даври 4-5 кун.

Кечки экилган нўхатда ун-шудринг эртагиларга нисбатан кучлироқ ривожланади. Касаллик таъсирида баргларда хлорофилл 25-30%, каротиноидлар 20-25% ва аминокислоталар 1,5-1,8 баробар камаяди. Кучли заарланганда хосилдорлик 3-3,5 баробар пасаяди, дон пуч бўлиб ривожланади, унинг вазн бўйича чиқиши соғлом ўсимликларга нисбатан 5 баробар кам бўлади.

### 3. Ловия касалликлари

**Ун-шудринг касаллиги.** Барг (асосан устки томонида), поя ва камдан-кам холларда дуккакларда оқ ёки унсимон ғубор хосил бўлади. Кейинчалик ғубор тифизлашади, патогеннинг қора мева таналари – клейстотеций хосил бўлиши натижасида улар кулранг тус олади. Касаллик кучли ривожланганда заарланган ўсимлик ъзолари дағаллашади ва нобуд бўлади.

Касаллик қўзғатувчиси – *Erysiphe communis* Grew. f. *phaseoli* Jacz замбуруғи. Унинг мицелийси юзада хосил бўлади, ўсимлик тўқималарига апрессорийлари билан ёпишади, хужайра ичига эса гаусторийларини киритади. Мицелийнинг ривожланиши билан бир вақтнинг ўзида базипетал

равища эллипссимон, бир хужай-рали, рангиз конидиялар ( $28-44 \times 17-18$  мкм) шакланади. Клейстотецийлар шарсимон, диаметри  $65-180$  мкм, пастки томонида мицелийдан кам фарқланувчи ўсимтаси мавжуд. Клейстотецийларда 8 тагача эллипссимон халталар ( $46-76 \times 30-35$  мкм), хар бир халтада эса 4-6 та бир хужайрали тухумсимон халтаспоралар ( $19-25 \times 9-14$  мкм) шакланади.

Вегетацияси даврида замбуруғ конидиялари билан тарқалади, халтали даврида эса ўсимлик қолдиқларида сақланади. Бирламчи заарланиш халтаспоралар орқали амалга ошади. Ун шудринг ўсимликни бутунлай нобуд қилмасада, кучли ривожланганда дон хосилини  $10-15\%$  гача пасайтириш мумкин.

**Занг касаллиги.** Касаллик ўсимлик аъзоларида (кўпинча баргидা) хар хил типдаги спора хосил қилиш қўринишида юзага келади. Касаллик қўзғатувчиси – *Uredinales* тартибига мансуб *Uromyces phaseoli* Wint бир уйли базидияли замбуруғи. Баргларнинг пастки томонида сарғиш-оқ эциоспорали эзия, устки томонида эса қўнғир нуқталар – спермацияли спермагонийлар пайдо бўлади.

Эциоспоралари эллипссимон ( $20-27 \times 16-21$ ), қобиғи юпқа, майда қавариқчали. Кейинчалик хар хил ярусдаги барглар, поя ва баъзан дуккакларда майда ( $0,5$  мм гача) қўнғир кукунсимон урединиоспорали урединиопустулалар хосил бўлади. Урединиоспоралари тухумсимон ёки думалоқ, оч қўнғир, ўлчами  $20-28 \times 19-21$  мкм, қобиғи тиканли.

Ўсимликлар вегетацияси охирида барг, поя ва дуккакларда тўқ қўнғир телиопустулалар шакланади, уларда бир хужайрали, эллипссимон ёки деярли шарсимон ( $24-35 \times 18-27$  мкм) телиоспоалар хосил бўлади. Телиопустуларнинг қобиғи қалин, силлиқ, сўрғичсимон чўзинчоқ рангиз учли. Телиоспораларнинг оёқчаси рангиз. Патоген ўсимлик қолдиқларида телиоспора шаклида қишлийди. Баҳорда улар ўсиб, базидиоспорали базидия хосил қиласди ва ўсимликни заарлайди. Сўнгра замбуруғ эциоспоралар (қисқа вақт мобайнида) ва урединиоспоралар билан тарқалади.

**Антракноз касаллиги.** Ўсимликнинг ер устки аъзолари бутун вегетация мобайнида, айниқса дуккак шаклланиши даврида заарланади. Майсаларда антракноз унинг уруғпалласида қизғиши-жигарранг концентрик ва уруғпалла ости пояча тирсагида бўйлама қўнғир доғлар кўринишида намоён бўлади. Нам об-хаво шароитида доғларда пушти ёстиқчалар хосил бўлади, тўқима чирийди, ёш ўсимлик нобуд бўлади.

Катта ёшли ўсимликлар заарланганда барг, баргбанди ва пояларда сочилган қўнғир ёки деярли қора доғлар пайдо бўлади, улар қуриганда ёриқлар хосил бўлади, нам об-хавода эса серсув тўқималар чирийди; поя ва

баргбанди синади.

Дуккакларда дастлаб майда дөглар пайдо бўлади, кейинчалик улар катталашиб деярли думалоқ шаклга киради. Уларнинг ранги хира қўнғир ёки қизғиш-қўнғир, кўпинча сарғиши-қўнғир ёки қизғиши хошия билан ўралган. Кўпинча улар ёйилиб яра шаклини олади ва уларнинг узунлиги 1 см дан хам ортиб кетиши мумкин. Бундай холатларда дуккакнинг бутун қалинлиги, шунингдек уруғи хам заарланади, улар қотади, буришади, кораяди ва кўпинча унувчанлигини йўқотади.

Ўсимликлар вегетацияси даврида замбуруғ конидиялар билан тарқалади, улар томчи-намлик ва  $10-29^{\circ}\text{C}$  хароратда (кулай харорат  $15-20^{\circ}\text{C}$ ) ўсади. Касалликнинг ривожланиши хаво намлиги 60% дан юқори ва харорат  $15-19^{\circ}\text{C}$  бўлганда кузатилади. Патоген уруғ ва заарланган ўсимлик қолдиқларида мицелий шаклида сақланади. Антракноз касаллигининг зарари майсаларнинг ётиб қолиши, уруғларни экинбоплик ва товар сифатларининг ёмонлашиши, ўсимлик ер устки массаси ва ялпи хосилнинг пасайиши билан ифодаланади.

**Оқ ёки қулранг чириш касаллиги.** Касаллик поя ва дуккакларда (айниқса нам об-хавода) куза-тилади. Оқ чириш билан заарланганда таъкидланган аъзолар-нинг тўқималарида оқ, тифиз, момиқсимон ғубор хосил бўлади. Кейинчалик ғуборларда йирик, ғуррасимон қора склероций хосил бўлади. Поя ва дуккак тўқималари қўнғирлашади ва чирийди.

Оқ чиришнинг қўзғатувчиси – *Whetzelinia sclerotiorum (dBy) Korf. et Dumont.* халтали замбуруғи, у кўпгина экинларни заарлайди. Кулранг чиришнинг оқ чиришдан фарқи шундаки, заарланган тўқималарда кулранг моғорсимон ғубор хосил бўлади, уларда майда склероцийлар шаклланади. Поя ва дуккак тўқималари қўнғирлашади ва юмшайди. Кулранг чиришнинг қўзғатувчиси – *Botrytis cinerea Fr.* такомиллшмаган замбуруғи, у кўпгина экинларни, ловияда баргла-рини хам заарлайди. Чириш кучли тарқалганда хосил кескин камаяди. Заарланган дуккакларда пуч донлар шаклланади ёки умуман хосил бўлмайди.

### *Мұхокама учун саволлар*

1. Пропагула нима? Замбуруғлар кўпайишида қандай пропагулалар хосил бўлади?
2. Замбуруғларнинг неча хил кўпайиш усуллари мавжуд?
3. Замбуруғларнинг вегетатив кўпайиши қандай пропагулалар воситасида амалга ошади? Бу пропагулалар қайси усуллар билан хосил бўлади ва уларнинг бир-бирларидан фарқлари нимада?

4. Оидиялар ва хламидоспораларнинг бир-бирларидан фарқлари нимада? Улар қайси замбуруугларда учрайди?
5. Соянинг энг кўп тарқалган касалликларини санаб ўтинг?
6. Нўхатнинг фузариоз сўлиш касаллигини қўзғатувчи замбуруғ қаерда, қандай ҳолатда қишлиб чиқади?
7. Нўхатда занг касаллигини қўзғатувчи замбуруғнинг оралиқ хўжайин ўсимлиги қайси ўсимлик?
8. Республикаизда ловиянинг кенг тарқалган касалликлари қайсилар?
9. Нам об-ҳавода антракноз касаллиги қандай белгиларни намоён қиласиди?
10. Замбуруғларнинг *конидиялари конидиофора* учида нечтадан (биттадан, занжирчаларда, конидия бошларида) жойлашади?

#### **4-МАВЗУ. ПОМИДОР ВА КАРТОШКАНИНГ ФИТОФТОРОЗ, ФУЗАРИОЗ ВА ВЕРТИЦЕЛЛЁЗ СЎЛИШ ҲАМДА ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИНИНГ ФУЗАРИОЗ СЎЛИШ ВА УН-ШУДРИНГ КАСАЛЛИКЛАРИ.**

##### **РЕЖА:**

1. **Помидор ва картошканинг фитофтороз касаллиги**
2. **Помидорнинг фузариоз ва вертицеллёз сўлиш касаллиги**
3. **Полиз экинларининг фузариоз сўлиш ва ун-шудринг касаллиги**

**Машғулотнинг мақсади:** Мавжуд назарий билим ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш ҳамда таққослаш орқали помидор ва картошка экинларида замбуруғлар қўзғатадиган касалликларини ўрганиш, соҳадаги билимларни мустаҳкамлаш.

**Машғулотнинг вазифаси:** Помидор ва картошка экинларида замбуруғлар қўзғатадиган касалликларни белгиларини, зарарини ва тарқалишини ўрганиш, шунингдек уларнинг морфологик ва бошқа белгиларига қараб туркум турларини аниқлаш ва бошқа тур замбуруғлар билан солиштириш.

**Ишни бажариш учун намуна:** Тингловчилар кичик гурухларга бўлинишидаи ва мавжуд замбуруғларнинг соф қультураларидан, расмлар, аниқлагичлар, микроскоп, бинокуляр, лупа, гербариј ва бошқа лаборатория жиҳозларидан фойдаланган ҳолда ўқитувчи ёрдамида замбуруғлар аниқланади ва ўзаро савол жавоблар қилинади.

## 1. Помидор ва картошканинг фитофтороз касаллиги

*Помидор фитофторозини* *Phytophthora infestans* оомицет замбуруғи қўзғатади. Кейинги йилларда помидор фитофторози Ўзбекистонда иссиқхоналарда кенг тарқалган касалликка айланди. Салқин ва нам (ёмғирли, шабнамли) об-ҳавода помидор меваларининг 60-70 фоизи заарланиши мумкин. Касаллик ўсимликлар гуллаш пайтида бошланади. Барг бандлари пастга букилади ва барглар осилиб қолади; баргларнинг устида қайноқ сувга куйганга ўхшаш доғлар пайдо бўлиб, улар сўнгра қўнғир ёки тўқ-қўнғир тус олади, кейинчалик барг тўқимаси бироз оқариб, юпқа қоғозсимон бўлиб қолади. Нам об-ҳавода барглар остидаги доғлар атрофида майин, юпқа, оқиш моғор қатлами пайдо бўлади. Юқори намлик ва илиқ ҳароратда барглар бутунлай чириши ва деярли барча ўсимликлар ҳалок бўлиши мумкин. Тўпгуллар заарланганида гулбандлар ва косачабарглари қораяди ва қуриб қолади. Заарланган новдаларда узунчоқ ёки ўзгарувчан шаклли, қизғиши қўнғир доғлар ривожланади, новда ва барглар куйганга ўхшаб қолади. Мевалар устида қаттиқ, нотўғри шаклли, қўнғир тусли, усти бироз ғадирбудур доғлар ва яралар пайдо бўлади (27-расм). Бундай мевалар иккиласмичи микроорганизмлар таъсирида тезда бутунлай чирийди. Касаллик ривожланиши учун юқори намлик (ёмғир, шабнам) ва салқин ҳарорат ( $10 - 25^{\circ}\text{C}$ ) қулай шароит ҳисобланади.



27-расм. Помидорнинг фитофтороз касаллигини белгилари

Замбуруғ очик далаларда тупроқ устида ўсимлик қолдиқларида ва итузумдошлар оиласига мансуб бегона ўтларда қишлиайди. Касаллик экинга қўшни далалардаги картошка ва помидордан ҳам тарқалади. Кўчатхоналарда касаллик пайдо бўлиши жуда хавфли; юқори ҳароратда касаллик белгилари юзага чиқмаслиги мумкин, улар очик далага кўчириб экилгач, фитофтороз ўчоқларини пайдо қиласди. Далада помидорда фитофтороз картошкада пайдо

бўлишидан олдин кузатилади. Кўзғатувчи замбуруғнинг ҳар хил ирқлари мавжуд ва помидор навлари улар билан ҳар хил даражада заарланади.

**Картошка фитофторозини** *Phytophthora infestans* оомицет замбуруғи қўзғатади. Фитофтороз картошка етиширадиган кўп мамлакатларда энг хавфли касаллик бўлиб қолмоқда, Ўзбекистонда ҳам қайд этилган, аммо унинг картошкада тарқалиши ва ҳосилга таъсири етарлича ўрганилмаган.

Касаллик ўсимликлар гуллаш пайтида бошланади. Баргларда қайноқ сувга куйганга ўхшаш доғлар пайдо бўлиб, улар бир неча кундан сўнг тор сариқ ҳошияли қўнғир ёки тўқ-қўнғир тус олади. Нам об-ҳавода барглар остидаги доғлар майин, юпқа, оқиш оч-кулранг моғор қатлами билан қопланади. Доғлар барг банди, новда ва пояга ўтади, тез тарқалади ва ривожланади, бир неча кун ичида ўсимликни нобуд қилиши мумкин. Барг ва бошқа органлардан ёмғир билан тупроққа тушган замбуруғ споралари картошка туганакларини заарлайди, улар устида кўзга яққол ташланувчи кулранг-қўнғир, сўнгра ботик, тўқ-қўнғир некротик доғлар пайдо бўлади; туганак кесилса, унинг периферик қисмлари (четлари) даги тўқималарда занг чиришни кўриш мумкин. Бундай туганаклар омборларда сақлаш пайтида иккиласми микроорганизмлар таъсирида тезда бутунлай чирийди (28-расм).



**28-расм. Картошканинг фитофтороз касаллигини белгилари**

Касаллик ривожланиши учун тез-тез ёмғир ёки шабнам, ҳаво ҳарорати 10°C ёки юқорироқ бўлиши зарур, 20-25°C ҳарорат қулай шароит ҳисобланади. Замбуруғ тупроқда фақат Мексикада, бошқа жойларда тупроқ устидаги ўсимлик қолдиқларида қишлиайди. Заарланган картошка туганаклари асосий инфекция манбаи бўлиб хизмат қиласи. Касаллик экинга қўшни далалардаги картошка ва помидордан ҳам тарқалади. Кўзғатувчи замбуруғнинг ҳар хил ирқлари мавжуд ва картошка навлари улар билан ҳар

хил даражада заарланади. Фитофтороз таъсирида ҳосилнинг 70% гачаси, Ўзбекистонда 30-40 фоизи йўқотилиши мумкин.

## 2. Помидорнинг фузариоз ва вертицеллёз сўлиш касаллиги

**Помидор фузариоз сўлиши (фузариоз вилт)** ҳам иссиқхоналарда, ҳам очик далаларда учрайди. Заарланган уруғ, уруғбарг ва ёш ниҳоллар бутунлай чириб кетади. Касалликни гифомицет замбуруғи *Fusarium oxysporum* f. *lycopersici* қўзғатади, у помидордан бошқа экинларни заарламайди.

Вилт помидорнинг пастки барглари, кўпинча бир томондан сарғайиши ва ўсимликлар сўлғин бўлиб қолишидан бошланади. Сўлган барглар қурийди, бироқ тушмасдан, новдаларда осилиб қолади. Новдалар ҳам ўсимликнинг бир томонида сўлиши мумкин, кейинчалик бутун ўсимлик сўлади. Новдалар устида сариқ чизиқчалар пайдо бўлади.



29-расм. Помидорнинг фузариоз сўлиш касаллиги

Помидор сўлишининг сабаби – ўтказувчи тўқималар замбуруғ мицелийси билан тўлиб қолиши ҳамда ўсимлик замбуруғ чиқарган токсинлари билан заҳарланишидир. Поя қия кесилса, ўтказувчи тўқималар қўнғир тус олгани – кучли доғланиш кузатилади (29-расм). Вилт ўсимликнинг пастки қисмидан юқори ярусларга тарқалиши билан бирга, ўтказувчи тўқималардаги кучли доғланиш ҳам шу йўналишда, тупроқ сатҳидан (илдиз бўғзидан) ўсимлик тепасигача тарқалади (илдиз чириш билан заарланган ўсимликлардаги доғлар илдиз бўғзидан фақат 10-15 см баландликкача кўтарилади). Оғир тупроқларда касаллик жуда тез тарқалади. Замбуруғ иссиқсевар организм, у ўсимликларни тупроқ ҳарорати 21-33°C, оптимум 28°C бўлганида кучли заарлайди. Ортиқча азотли ўғит бериш касалликни янада кучайтиради. Кўзғатувчи ўсимлик тўқималарига

томирлари орқали киради, заарланган помидор ўсимликларининг илдиз бўғзида пушти мөғор кўриниши мумкин. Замбуругнинг хламидоспоралари тупроқда 11 йилгача сақланиши, қўзғатувчи уруғ орқали ҳам ўтиши мумкин.

**Қўзғатувчининг белгилари:** *Fusarium oxysporum*. Мицелий пушти, қизғиши ёки бинафша рангли, камроқ ҳолларда оқ ёки оч-сарғиши. Макроконидиялар ҳаво мицелийсида, пионнотларда ва спородохийларда озроқ миқдорларда ривожланади, кўпчилиги 4, баъзилари 5 ёки 6 ҳужайрали, рангиз, урчук ёки ёй шаклли, деярли тўғри ёки бироз камон каби эгилган, 4 ҳужайралиларининг ўлчами  $25-40 \times 3,2-5$  мкм, 6 ҳужайралилариники  $30-59 \times 3-5$  мкм. Микроконидиялар ҳар доим жуда кўп миқдорда, мицелийда, кўпинча шилимшиқ модда билан ёпишган соxта бошчаларда ёки бевосита гифаларда тўп-тўп бўлиб пайдо бўлади, улар 1 ёки 2 ҳужайрали, цилиндр, эллипсоид ёки тухум шаклли, эгилган ёки эгилмаган, ўлчами  $5-15 \times 2-4$  мкм. Хламидоспоралар кўп миқдорда, гифа ўртасида ёки учидаги, одатда якка ҳолда, баъзан занжирчаларда ривожланади, думалоқ, қалин қобиқли, рангиз, 1 ёки 2 ҳужайрали, диаметри  $3,6-7$  мкм. Замбуруғ склероций ҳам ҳосил қиласи.

**Помидор вертициллёз сўлиши (вертициллез вилт)** иссиқхоналар ва очик далаларда учрайди. Уни камроқ *Verticillium dahliae* ва кўпроқ *V.albo-atrum* гифомицет замбуруглари қўзғатади. Бу касаллик Марказий Осиёда фузариоз вилтга нисбатан анча кам тарқалган, чунки у салқин ҳавони ёқтиради. У мевалаш пайтида бошланади. Ўсимликтин пастки баргларида (кўпинча бир томонида) рангиз, кейин сариқ ва ниҳоят қўнғир тус оловчи, қизғиши ҳошияли доғлар пайдо бўлади ва барглар сўла бошлайди. Ўғит бериб сугорилса ҳам, касалланган ўсимликлар ўсиш ва ривожланишидан тўхтайди. Поянинг пастки қисми қия кесилса, ўтказувчи тўқималарнинг сарғиши-қўнғир тус олгани ва қўнғир доғлар мавжудлигига гувоҳ бўламиз. Бундай доғлар тупроқ сатҳидан (илдиз бўғзидан) тепага қараб 1 метр ва ундан ҳам кўпроқка тарқалади. Салқин ҳавода касаллик кучаяди, доғланиш поя тепасигача етади. Об-ҳаво билан боғлиқ ҳолда, вилтнинг биринчи белгилари кўриниши билан ўсимлик сўлиши орасида 3-4 ҳафта ўтади. Ҳаво ҳарорати  $25^{\circ}\text{C}$  ёки юқоририк бўлса, касаллик ривожланишидан тўхтайди.

**Қўзғатувчиларнинг белгилари:** *Verticillium dahliae*. Гифалари рангиз, диаметри 2-4 мкм. Конидиофоралар ғуж шохча (мутовка) шаклли фиалидалар ҳосил қиласи, рангиз, узунлиги 80-160 мкм (*V. albo-atrum* нинг конидиофоралариникидан қисқароқ), эни 3-5 мкм, тепа қисмининг эни 2-2,5 мкм. Стеригмалар узунлиги 14-26 мкм, эни остида 2,5 мкм, тепасида 1 мкм, энг тепадаги стеригманинг узунлиги (20,4) 30-44 мкм. Конидиялар 1, кам ҳолларда 2 ҳужайрали, рангиз, эллипсоид шаклли, ўлчами  $1,4-12,3 \times 1,4-4,2$ , кўпинча  $3-5,5 \times 1,5-2$  мкм, стеригмаларда биттадан ҳосил бўлиб, шилимшиқ

модда ёрдамида бириккан думалоқ бошчалар пайдо қилади. Тиним давридаги мицелий тўқ-қўнғир тусли, куртакланувчи ва қораювчи. Микросклероцийларнинг шакли ўзгарувчан, одатда думалоқ ёки узунчоқ, қалин қобиқли, диаметри 30-60 (225) мкм, қўнғир, баъзан қизғиш тусли, сўнгра қораювчи.

### **3. Полиз экинларининг фузариоз сўлиш ва ун-шудринг касаллиги**

**Бодринг фузариоз сўлиши (фузариоз вилт)ни *Fusarium oxysporum* f.sp. *cucumerinum* гифомицет замбуруғи қўзғатади.**

Вилт очик далалар ва айниқса иссиқхоналарда дунёning барча минтақаларида, жумладан Ўзбекистонда ҳам кенг тарқалган (қовун ва тарвузда вилтни *F. oxysporum* замбуруғининг уларга мослашган шакллари, тегишли равишда, f.sp. *melonis* ва f.sp. *niveum*, қўзғатади, улар ҳам Ўзбекистонда шу экинларининг энг хавфли касалликлари ҳисобланади).

Заараланган уруғбарглар сарғаяди ва чирийди, экин жуда сийрак бўлиб қолади. Чинбарг чиқарган ўсимликлар илдизи ва илдиз бўғзи тўқ-қўнғир тус олади, пўсти чирийди; улар ўсишдан орқада қолади ва айrim палаклари, сўнгра барчаси сўлиб, қурийди (30-расм). Баъзан ташқи кўриниши соғлом бўлган ўсимлик бир кечада сўлиб қолади.



**30-расм. Бодрингниңг фузариоз сўлиш касаллиги**

Етилган ўсимликларда касалликнинг асосий белгиси – олдин битта ёки бир нечта пастки, сўнгра аста-секин юқорироқ жойлашган барглар, охирида бутун ўсимлик сўлишидир. Поядаги ўтказувчи тўқималар, айниқса илдиз бўғзида, яққол кўринадиган кумуш-оқ тусли иплар шаклини олади. Уларнинг илдизи ёки илдиз бўғзи қия кесилса, сув ўтказувчи томирларида тўқ-сариқ ёки қизғиш-қўнғир доғларни кўриш мумкин. Кейинчалик поядада бароқ оқ мицелий ривожланади. Ўсимлик нобуд бўлгач, мицелий аста-секин очпушти, сўнгра қизил тус олади.

**Қовун фузариоз сўлиши (фузариоз вилт)** ни *Fusarium oxysporum* f.sp. *melonis* гифомицет замбуруғи қўзғатади. Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Жанубий Қозоғистонда қовун етиштиришда энг катта заар келтирадиган ва соҳа ривожланишига тўсиқ бўлиб келаётган иккита замбуруғ касалликлари мавжуд бўлиб, улар ун-шудринг ва фузариоз сўлишдир.

Фузариоз сўлиш экинларда мева ривожланиши ва пиша бошлиши пайтида кўплаб учрайди. Олдин ўсимликнинг пастки ярусдаги баргларида сарғиш, сўнгра қўнғир тус олувчи доғлар пайдо бўлади ва улар юқори ярус баргларига ўтади. Палаклардан бири ёки бир нечтаси, сўнгра бутун ўсимлик сўлади. Илдиз пўсти титилган шакл олади, усти кукунга ўхшаб қолади. Баъзан ўсимлик касалликка мавсум сўнгигача қаршилик кўрсатади, сўлмайди, аммо улар заиф, палаги калта бўлиб қолади, кам ҳосил тугади. Касалликнинг тез ривожланувчи шакли кузатилганда ўсимлик 1-2 кун ичида сўлиб қолади. Сўлишнинг сабаби – ўсимликнинг ўтказувчи томирлари замбуруғ мицелийси билан тўлиши ва сув ўтмай қолишидир. Сўлган ўсимликларнинг илдизи ва пояси кесиб кўрилганда, уларда сарғиш, жигарранг ва қўнғир доғларни кўриш мумкин, аммо бу доғлар ҳар доим мавжуд бўлмайди. Фузариоз сўлиш қовун ҳосилини 30% гача камайтиради. *F. oxysporum* f.sp. *melonis* тор ихтисослашган ва у бошқа полиз экинларини заарламайди.

**Полиз экинларида ун-шудринг касаллиги.** Касаллик билан бодринг, қовун ва қовоқнинг барча турлари, итқовун ва бошқа бир нечта бегона ўтлар, баъзан эса тарвуз ҳам заарланади. Уни аскомицет облигат паразит замбуруғлар, асосан *Sphaerotheca fuliginea* f. *cicatridis*, кам ҳолларда (тоғларда) *Erysiphe cichoracearum* f. *cucurbitacearum* қўзғатади.

**Бодрингда** ун-шудринг Ўзбекистон ва бошқа Марказий Осиё мамлакатларида иссиқхона ва очик далаларда кенг тарқалган. Баргларнинг икки томонида ҳам оқ, сарғиш-қўнғир ёки қизғиш-кулранг, юпқа мөғор қатлами, кейинчалик (мавсум сўнгига) уларнинг устида қорамтири нукталар – клейстотецийлар ривожланади; барглар сарғаяди, сўнгра қўнғир тус олади ва қурийди. Мөғор баъзан ўсимлик пояси ва барг бандларида, кам ҳолларда мевасида учрайди. Иссиқхоналарда ун-шудринг ўсимликларни уруғбарг фазасидан бошлаб заарлайди.

Патогеннинг конидиялари экин ичида шамол билан тарқалади. Улар ўсиши учун мұтадил ҳарорат 25-27°C ни, намлик 50-90% ни ташкил этади, аммо замбуруғ ҳарорат 15-25°C ва намлик 20% бўлганида ҳам нам бўлмаган, қуруқ баргларни заарлай олади. Кам суғорилган экинларда касаллик кучаяди. Касалликнинг яширин даври иссиқхоналарда 3-4 кунни ташкил қиласиди ва замбуруғ ҳар 6 кунда бир авлод бериб кўпаяди.

Патоген ўсимлик қолдиқлари ва бегона ўтларда (баргизўт, окопник – *Sympyrum* sp. ва қайлюгунда) клейстотецийлари билан қишлиайди. Баҳорда уларнинг ичидаги халтачаларда етилган аскоспоралар ўсимликларни бирламчи заарлайди. Ўзбекистонда замбуруғ қайси пропагулалари (мицелий, клейстотеций) воситасида қишлиши ҳақида маълумотлар мавжуд эмас. Уншудринг бодринг ҳосилини далада 20-30%, иссиқхоналарда 50-70% гача пасайтириши мумкин.

### *Муҳокама учун саволлар*

1. Замбуруғларнинг *репродуктив ножинсий кўпайиши* қандай тузилмалар воситасида амалга ошади? Зооспорангий нима? Спорангий нима? Зооспорангий ва зооспоралар ҳамда спорангий ва спорангиспоралар орасидаги фарқлар нималардан иборат?
2. Замбуруғларнинг *репродуктив ножинсий* ва *репродуктив жинсий кўпайиши* усулларининг аҳамияти нимада?
3. Замбуруғларнинг жинсий жараёни неча босқичдан иборат бўлади? Жинсий жараён босқичларида қандай жараёнлар бўлиб ўтади?
4. Замбуруғларнинг жинсий жараёнида кузатиладиган *плазмогамия*, *кариогамия* жараёнларини ҳамда *мейоз* ва *митоз* бўлинишларини тавсифлаб беринг.
5. Кartoшканинг фитофтороз касаллигини қўзғатувчи замбуруғ қайси давлатда тупроқда қишилаб чиқади?
6. Фитофтороз касаллиги ўсимликнинг қайси органларини заарлайди?
7. Уншудринг касаллигини қўзғатувчи замбуруғ қаерда, қандай мева тана шаклида қишилаб чиқади?
8. Помидорнинг фузариоз ва вертицеллёз сўлиш касалликларининг бир-биридан фарқлари нималардан иборат?
9. Нима учун вилт касалликларига қарши кураш чоралари бошқа касалликларга нисбатан самарасиз?
10. Уншудринг касаллигига қарши энг самарали фунгицидлар қайси фунгицидлар ҳисобланади?

## **5-МАВЗУ. ИССИҚХОНА ЭКИНЛАРИНИ КАСАЛЛИКЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

### **РЕЖА:**

- 1. Соғлом қўчат етиштириш**
- 2. Иссиқхона ичи ва иш анжомларини заарсизлантириш**
- 3. Иссиқхона тупроғини заарсизлантириш**
- 4. Фунгицид ёрдмида кимёвий ҳимоя қилиш**

**Машғулотнинг мақсади:** Иссикхоналарда етиштирилаётган экинларни турли хил заарли организмлар (замбуруғ, бактерия, вирус, нематода) дан уйғунлашган ҳимоя қилиш чораларини мукаммал ўрганиш, соҳадаги билимларни мустаҳкамлаш.

**Машғулотнинг вазифаси:** Иссикхонда турли микроорганизмлар келтириб чиқарадиган касалликларга қарши агротехник, биологик, кимёвий ва физик-механик кураш чораларини замонавий усусларда қўллашни ўрганиш ва анънавий кураш чоралари билан солиштириш.

**Ишни бажариш учун намуна:** Тингловчилар кичик гурухларга бўлинишади ва мавжуд кимёвий дорилардан ишчи эритма тайёрланади ва уларни ишлатиш меъёрлари ўқитувчи ёрдамида аниқланади ва ўзаро савол жавоблар қилинади.

### 1. Соғлом кўчат етиштириш

Сабзавот ва полиз экинларининг кўчатлари ҳам иссиқхоналарда, ҳам очиқ далаларда экиш учун етиштирилади. Барча экинларнинг уруғликларини соғлом (ёки кам заарланган) ўсимликлардан олиш, уларни ҳар хил аралашмалар, склероций ва бегона ўт уруғларидан пухта тозалаш ва саралаш, унувчанлиги ва ўсиш энергияси юкориларини танлаб, экишдан олдин микроэлементлар (Mn, Cu, В ва б.) эритмаси билан ишлов бериш, мажбурий равища дорилаш ва ўз вақтида экиш; ниҳоллар униб чиққач, қатқалоқ бўлишига йўл қўймаслик, тупроқни юмшатиб туриш лозим.

Уруғликни экишдан 1-3 хафта олдин термостатда 35-50°C да 1 соат ва 80°C да 1 соат вирус касалликларига қарши қиздириш, сўнгра фунгицид (мисол учун, Витавакс 200 ФФ, 2,5-3,0 л/т меъёрида) билан замбуруғ касалликларига қарши дорилаш лозим. Уруғ экиш учун тайёрланган тупроқ (компост) бирорта фунгицид киритиш усули ёрдамида заарсизлантирилади. Бу мақсадда ишлатиладиган фунгицидлардан дунёда энг кенг ишлатиладигани ва *Rhizoctonia solani*, *Fusarium*, *Pythium* ва *Phytophthora* турларига қарши энг самаралиси Террахлор Супер X (таъсир этувчи моддалари этридиазол ва куинтоцен) ва Витавакс 200 ФФ препаратлари ҳисобланади. Бу препаратлар бўлмаса, кўчат экишдан олдин тупроқни қайноқ сув ёки 1% ли марганцовка эритмаси билан суғориш, лозим.

Агар иссиқхонада помидор, бодринг, карам ва бошқа экинларнинг уруғпалла ва кўчатларида қора оёқнинг ўчоғи топилса, касал ниҳолларни эҳтиёткорлик билан олиб ташлаш ёки қўшимча илдизлар ривожланиши учун ўсимлик тагига 2 см баландликда мульча (юқори ҳароратда қиздирилган қум ёки қум ва кул аралашмасини 1 кв<sup>2</sup> майдонга 100 г сарфлаб) солиш, кўчатлар

тагига калий перманганат эритмаси (10 л сувга 3-5 г KMnO<sub>4</sub>) қуиши, сүнгра бир ҳафта давомида сугормаслик лозим.

Сохта ун-шудринг билан заарланган уруғпалла ва кўчатлар ҳам ягана қилинади, камроқ заарланганларига 1% ли Бордо суюқлиги пуркалади.

Помидор ва бодринг уруғини экишдан олдин 2-4 йилгача сақлаш тавсия қилинади, бунда уруғлардаги вирус касалликлари қўзғатувчиларининг барчаси ёки қўп қисми нобуд бўлади. Экишдан олдин уруғни 70°C да 4 кун давомида, ёки калий перманганатнинг 1% эритмаси билан 20 дақиқа давомида заарсизлантириш ва сув билан яхшилаб ювиш; уруғларни оғирлиги бўйича саралаш – ош тузининг 5% ли эритмасига солиб 3 дақиқа давомида аралаштириш, устига чиққанларини дока билан олиб ташлаш, чўкканларини сув билан бир неча марта ювиш, дорилаш ва қуритиш; ниҳол етиштириш жараёнида 2 марта (кўчат қилиш – пикировка ва доимий жойларга экиш пайтида) ёғи олинган сут (обрат) нинг 10% эритмаси билан профилактик ишлов бериш; 2-3 марта калий перманганатнинг 0,05% эритмаси билан суғориш; кўчириб экишдан 1 ҳафта олдин бор кислотасининг 0,1% эритмасини, 0,15-0,3 л/м<sup>2</sup> меъёрида пуркаш; ширага қарши системали инсектицид пуркаш тавсия этилади. Помидор уруғлари тувакчаларда маҳсус кўчатхоналарда, 20-24°C ҳароратда ундирилиши ва униб чиққан кўчатлар 50-55 кун давомида ўстирилиши, 2-3 чин барг чиқарганда минерал ўғитлар билан озиқлантирилиши лозим.

Бодринг уруғини экишдан олдин уруғларни 50-60°C ҳароратда 4-5 соат давомида иситиш; вироз, фузариоз ва аскохитоздан заарсизлантириш учун уруғларни икки босқичда иситиш (олдин 50-52°C да 3 сутка, кейин ҳароратни аста-секин 78-80°C гача кўтариш ва шу ҳароратда яна 1 сутка сақлаш); саралаш (3-5% ли ош тузи эритмаси ишлатиб); 12-20 соат давомида ивитиш; фунгицид билан дорилаш тавсия қилинади.

Карам уруғларини альтернариоз, томир ва шилимшиқ бактериозларга қарши экишдан олдин 50°C ли сувда 30 мин. ивitiш, қуритиш ва фунгицид ҳамда бактерицид билан дорилаш лозим.

## 2. Иссикхона ичи ва иш анжомларини заарсизлантириш

Иссикхоналардаги экинларнинг ҳосилини мавсумда охирги марта йиғиб олгандан сўнг, ўсимлик қолдиқларини заарсизлантириш лозим. Бунинг учун уларга 40% ли формалиннинг 2% ли эритмаси, 3-4 л/га меъёрида, алоҳида ёки акарицид (Омайт 570EW ёки Зум 10% сус. к.) ҳамда инсектицид (Суми-альфа 5% эм. к. ёки 20% эм.к., Актеллик 50% эм.к.) билан аралаштириб, ҳаво ҳарорати 18°C ёки ундан юқори бўлганида, пуркалади; 3-4

кундан сўнг ўсимликларни илдизи билан суғуриб олиш ва чиқариб йўқотиш, ўсимликларни боғлаш учун ишлатилган ипларни ташқарида ёкиб юбориш, иссиқхона ичини яхшилаб тозалаш, ойналарни ювиш ва уларни ҳамда устун, тиргак, стеллаж ва бошқа қисмларни 40% ли формалиннинг 2% ли эритмаси билан заарсизлантириш лозим.

Иссиқхонадан чиқарилган ўсимлик қолдиқларини маҳсус ахлатхоналарда тупроққа кўмиб ташлаш лозим. Резина қўлқоплар, ўсимликлар шохларини кесишида ишлатилган пичоқ ва қайчилар, белкурак ва бошқа жиҳозлар калий перманганат эритмасида заарсизлантирилади. Яшик, тувак ва бошқа идишлар формалиннинг 2-5% лик эритмасига 1 соат давомида ботирилиб, сўнгра 24 соатга полиэтилен парда билан ўраб қўйилади; уларни 2-3 ҳафтадан сўнг ишлатиш мумкин.

Иссиқхонада ишчилар иш пайтида патоген замбуруулар споралари, вируслар ва ўсимлик қолдиқларини кийимлари, иш қуроллари ва қўллари орқали шу иссиқхона ичида ёки бир иссиқхонадан иккинчисига тарқатади. Бунинг олдини олиш учун ишларни соғлом экинлардан бошлиш, бир экиндан иккинчисига ёки бир иссиқхонадан иккинчисига ўтганда иш кийимларини алмаштириш, уларни мунтазам тозалаб, ювдириб ва дазмоллатиб туриш, ишчилар қўлларини 3 марта совун ва чўтка билан яхшилаб ювишлари талаб қилинади.

Иссиқхона ичини заарсизлантириш учун дезинфекция ва фумигация усуллари қўлланилади.

**Дезинфекция** 40% ли формалиннинг 2% ли эритмаси (1л/куб.м меъёрида) ёки устки фаол модда қўшилган 2% ли фенол эритмаси билан амалга оширилади.

**Фумигация** олтингугурт ёки формалин ёрдамида ўтказилади. Олтингугурт 1 куб м га 16 г (ёки 16 та олтингугурт шашкаси) хисобида ёқилади. Бунда ҳосил бўладиган олтингугурт диоксиди ( $\text{SO}_2$ ) сувда одамлар ва ҳайвонлар учун жуда заҳарли бўлган сульфат кислотасини ҳосил қиласи ҳамда бу кислота иссиқхоналардаги металл қисмларни емиради. Шунинг учун фумигацияни фақат металл қисмлари бўлмаган ёки улар коррозияга қарши модда билан қопланган иссиқхоналарда ўтказишга рухсат берилади. Ходимлар иш пайтида ўзларининг нафас йўлларини ҳимоя қилиши лозим.

Фумигация кўпинча формалиннинг 38% лик эритмасига бирорта қучли оксидант, мисол учун, калий перманганат қўшиб ўтказилади. Бунда иссиқхонанинг ҳар 1 куб м ҳажми учун 10 мл формалин ва 3,6 г калий перманганат олинади. Улар қўшилганда иссиқлик ажралиб чиқади ва формалин буғлана бошлайди. Фумигация ҳаво ҳарорати 10°C дан юқори ва намлиги 50-80% бўлганида ўтказилади, иссиқхона 24 соатга бекитилади,

сўнгра яхшилаб шамоллатилади. Кўчатларни яна 24 соатдан кейин экишга рухсат берилади.

### **3. Иссикхона тупроғини заарсизлантириш**

Тупроқ патогенларнинг асосий манбаидир. Уларнинг кўпчилиги тупроқнинг устки 20 см қатламида жойлашган ва айни шу қатlam жуда пухта заарсизлантирилиши талаб қилинади. Шу билан бирга, вилт ва илдиз чиришнинг қўзғатувчилари илдиз етган чуқурликкача (60 см гача) тарқалади; бу касалликлар кўп учрайдиган иссиқхоналарда тупроқ ўша чуқурликкача заарсизлантирилиши керак бўлади. Заарсизлантириш сув буғи (термик усул) ёки кимёвий моддалар (кимёвий усул) ёрдамида, маҳсус ускуналарни кўллаб ўтказилади.

*Сув буғи билан заарсизлантириши* учун тупроқ олдин 25-30 см чуқурликкача юмшатилади, енгил сугорилади, усти иссиқликка чидамли (пропилен) парда билан бекитилади, парданинг четлари қум солинган қопчалар билан бостириб қўйилади ва сўнгра буғ берилади. Энг юқори самара тупроқнинг устки 20 см қатламида 70°C ҳарорат 10 мин давомида таъминлаганида олинади. Бунда кўп патогенлар, заарли ҳашаротлар ва бегона ўтларнинг уруғлари нобуд бўлади. Бундай тупроққа экин уруғлари ёки кўчатлари тезда (1-2 кун ичида) экилиши мумкин. Бошқа муаллифлар 110-115°C ҳароратни 1-3 соат ёки 10-12 соат давомида сақлашни тавсия қилган. Аммо маълумки, агар ҳарорат 82°C дан ошса, тупроқда аммоний, нитрат ва марганец ионларининг ўсимлик учун заҳарли миқдорлари пайдо бўлади. Бундай тупроққа уруг ёки кўчат экиш учун ижозат заарсизлантириш ўтказилган кундан камида 6 ҳафта ўтгандан кейин берилади.

Тупроқни *кимёвий заарсизлантириши* учун карбатион 40% с.э. (1500-2000 л/га), дазомет (1000 кг/га), тиазон 85% кук. (1500-2000 кг/га) ҳамда хлорпикрин, формалин ва дихлорпропан-дихлорпропен моддалари кўлланилади. Нематицидлар 10-20 см чуқурликка киритилади ва тупроқ дарҳол яхшилаб сугорилади. Экинларнинг уруғлари ёки кўчат экишга заарсизлантириш ўтказилгандан 40-50 кун ёки ундан ҳам кўпроқ вақт ўтгандан сўнг ижозат берилади. Экишдан олдин пестицидлар парчаланганигини назорат қилиш лозим; бунинг учун индикатор ўсимлик (одатда салат) экилади, соғлом ўсимлик униб чиқиши тупроқ тозаланганидан ва асосий экинни экиш мумкинлигидан далолат беради.

### **4. Фунгицид ёрдамида кимёвий ҳимоя қилиш**

Ҳар хил сабаблар (иқтисод, патогенларда чидамлилик ривожланиши, маҳсулотда заҳарли моддалар қолдиқлари пайдо бўлиши) туфайли иссиқхоналарда фунгицид ва инсектицид қўлламасликка ёки қўллашни иложи борича камайтиришга интилиш лозим. Иссиқхоналарда

етиштириладиган ҳосил асосан янги ҳўл мева шаклида истеъмол қилиниши сабабли, маҳсулотда пестицид қолдиқлари бўлмаслигига (маҳсулот экологик тоза бўлишига) ва касалликлар ривожланишини профилактик чоралар ёрдамида камайтиришга ўта жиддий эътибор берилади. Агар пестицид қўллаш ҳақида қарор берилса, иложи борича кам заҳарли препаратлар, биопрепаратлар, ўсимликлар ва бошқа табиий бирималардан тайёрланган дамлама ва қайнатмаларни ишлатиш лозим.

Одатда фунгицид қўллаш ёки қўлламаслик ҳақидаги қарор қўйидаги маълумотлар тўплангандан сўнг қабул қилинади:

-иқтисодий таҳлил (касаллик туфайли йўқотилиши мумкин бўлган ҳосил ва керак бўладиган фунгициднинг қиймати, дорини пуркаш ва қўшимча ҳосилни йиғиб олишга кетадиган харажатлар ва ҳоказоларни ҳисоблаш) натижаси;

-касалликнинг иссиқхонада йилдан-йилга тарқалиши ва унинг кейинги экинга (мавсумга) ўтиш хавфи;

-иссиқхонада қўзғатувчи замбуруғ спораларининг юқори концентрациясининг ишчиларда аллергия қўзғатиш хавфи мавжудлиги ҳақида маълумот.

Фунгицид ишлатиш ҳақида қарор берилса препаратни касалликнинг биринчи белгилари кўриниши билан пуркаш тавсия қилинади. Агар хавфли касаллик иссиқхонада ҳар йили учраши маълум бўлса, экинга касаллик белгилари пайдо бўлишидан олдин ҳам фунгицид билан (профилактик) ишлов бериш мумкин. Иссиқхоналарда ишлатиладиган баъзи фунгицидлар ҳақида маълумотлар қўйидаги жадвалда келтирилган.

**Фунгицидларни ишлатиши усуллари** ҳар хил бўлиб, энг кенг қўлланиладиганлари – кўчатларни кўчириб экишдан олдин ёки эккандан сўнг фунгицидларни тупрокқа солиш (жумладан, фунгицид эритмасини кўчатлар тагига қуиши), урутни экишдан олдин дорилаш, фунгицидларни экинга ўсув даврида ҳар хил пуркагичлар ёрдамида пуркаш ва дориларни сувга қўшиб, экинларни сугориш ҳисобланади. Сабзавот, картошка ва полиз экинлари касалликлари билан курашиш учун Ўзбекистонда рўйхатга киритилган фунгицидлар сони жуда кам.

### **Жадвал. Иссиқхона экинларида қўлланиладиган баъзи фунгицидлар** (Флетчер, 1987)

Кимёвий гурух	Таъсир этувчи модда	Препарат шакли	Қайси касаллик ёки қўзғатувчига карши ишлатилади
Ароматик углеводородлар	Куинтоцен	ПХНБ	<i>Fusarium</i> (сўлишдан ташқари), <i>Botrytis</i> , <i>Rhizoctonia</i>
Ацилаланинлар	Металаксил	Ридомил	<i>Coxta ун-шудринг</i> , <i>Phytophthora</i> , <i>Pythium</i>
Бензимидазоллар	Беномил	Фундазол, бенлат	<i>Botrytis</i>

	Карбендаzим	Дерозал, олгин, БМК, бавистин	<b>Verticillium</b>
	Тиофанат- метил	Топсин-М	<b>Cercospora</b>
	Тиобендаzол	Текто	<b>Fusarium</b>
Карбоксимидлар	Карбоксин	Витавакс (200ФФ шаклидан ташқари)	Занг, қоракуя, <i>Rhizoctonia</i> ва баъзи бошқа базидиомицетлар
	Оксикарбоксин	Плантвакс	
Дикарбоксимидлар	Ипродион	Роврал	<b>Botrytis</b>
	Проксимидон	Сумисклекс	<i>Alternaria</i>
Дитиокарбаматлар	Тирам	Тирам	<b>Сохта ун-шудринг, Rhizoctonia, Botrytis</b>
	Манеб	Манеб	Барча замбуруғларга, айниқса пероноспороз, занг ва баъзи пикнидали замбуруғларга нисбатан юқори даражада фаол
	Манкоцеб	Дитан М-45	
Эргостерол биосинтези ингибиторлари	Фенпропиморф	Корбел, форбел	Ун-шудринг (баъзиларининг таъсир доираси кенгрөк)
	Имазалил	Фунгафлор ва б.к.	
	Прохлораз	Спортак	
	Пропиконазол	Тилт	
	Триадимефон	Байлетон	
	Трифорин	Сапрол	
Гидроксиpirимидин	Бупиримат	Нимрод	Ун-шудринг
Органофосфорли бирикмалар	Толклофос- метил	Ризолекс	<i>Rhizoctonia</i>
Сульфамиллар	Дихлофлуанид	Эупарен	<i>Botrytis</i> , сохта ун-шудринг
Тиокарбаматлар	Пропамокарб- гидрохлорид	Превикур	<i>Phytophthora, Pythium</i>
Тидиазоллар	Этридиазол	Терразол	<i>Phytophthora, Pythium</i>
Фталимиллар	Каптан	Каптан	<i>Botrytis</i> , барг доғланишлари
Фталонитрииллар	Хлороталонил	Даконил	<i>Botrytis</i> , сохта ун-шудринг
Таркибида мис бўлган фунгицидлар	Мис хлороксиди	Мис хлороксиди	Сохта ун-шудринг, <i>Phytophthora infestans</i> , замбуруғ ва бактериялар қўзғатадиган баъзи барг доғланишлари, баъзи ун- шудринг қўзғатувчилари
Олтингугурт	Олтингугурт	Олтингугурт	Ун-шудринг
Динитро- ҳосилалар	Динокап	Каратан	Ун-шудринг
Бошқа фунгицидлар	Фоссетил- алюминий	Альетт	Сохта ун-шудринг, <i>Phytophthora</i>

### ***Муҳокама учун саволлар***

1. *Pythium* туркуми турлари ўсимликларнинг қайси турларида ва қандай қасалликларни қўзғатади?
2. Агротехник кураш чораларига нималар киради ва қайси вақтларда ўтказилади?
3. Иssiқхона тупроғини заарсизлантиш усууллари қандай амалга оширилади?
4. Физик-механик кураш чоралари қандай амалга оширилади?

5. Сув буги билан тупроқни заарсизлантиришда тупроқнинг неча см кисмидаги инфекциялар нобуд бўлади?
6. Фунгицидларни ишлатиш усуллари қандай?
7. Соғлом кўчат етиштириш учун қандай ишлар амалга оширилади?
8. Сабзавот экинларида зарар келтирадаиган касалликларга ташқи мухит факторларни таъсири қандай?
9. Сабзавот экинларида юқумли касалликларни кенг тарқалишига минерал ўғитларни таъсирлари?
10. Иссиқхонада соляризация усули қайси вақтда ва қандай шароитда ўтказилади?

## **6-МАВЗУ: МЕВАЛИ ДАРАХТЛАРНИНГ МОНИЛИОЗ, ЁНГОҚ ВА ЁНГОҚ МЕВАЛИ ДАРАХТЛАРНИНГ КАСАЛЛИКЛАРИ РЕЖА:**

- 1. Уруғ ва данак мевали дараҳтларнинг монилиоз касаллиги**
- 2. Грек ёнгоқ дараҳтининг касалликлари**
- 3. Ёнгоқ мевали дараҳтларнинг касалликлари**

**Машғулотнинг мақсади:** Мавжуд назарий билим ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш ҳамда таққослаш орқали уруғ ва данакмевали ҳамда ёнгоқ ва ёнгоқ мевали дараҳтларда замбуруғлар ва бактериялар қўзғатадиган касалликларини чуқур ўрганиш, соҳадаги билимларни мустаҳкамлаш.

**Машғулотнинг вазифаси:** Уруғмевали ва данакмевали ҳамда ёнгоқ ва ёнгоқ мевали дараҳтларда замбуруғлар ва бактериялар қўзғатадиган касалликларни белгиларини, зарарини ва тарқалишини ўрганиш, шунингдек уларнинг морфологик ва бошқа белгиларига қараб туркум турларини аниқлаш ва бошқа тур замбуруғ, бактериялар билан солиштириш.

**Ишни бажариш учун намуна:** Тингловчилар кичик гурухларга бўлиннишади ва мавжуд замбуруғ ҳамда бактерияларнинг соғ культураларидан, расмлар, аниқлагичлар, микроскоп, бинокуляр, лупа, гербариј ва бошқа лаборатория жиҳозларидан фойдаланган ҳолда ўқитувчи ёрдамида замбуруғ ва бактериялар аниқланади ва ўзаро савол жавоблар қилинади.

### **1. Уруғ ва данак мевали дараҳтларнинг монилиоз касаллиги**

**Олма ва нокнинг монилиоз (мева чириш) касаллиги дунёнинг барча мамлакатларида тарқалган, Марказий Осиё давлатларида ва Ўзбекистонда барча вилоятларда учраши хабар қилинган.**

**Касаллик белгилари.** Касалликнинг энг заарли шакли мева чиришидир. Кўпинча пишиб етилган, кам ҳолларда етилаётган мевалар заарланади. Монилиоз олма ва нок мевалари устида кичик, думалоқ шакли, қўнғир тусли доғлардан бошланади. Улар тез катталашади ва меванинг устини қоплаб олади, тўқ-қўнғир тус олади, мева юмшаб, бутунлай чириб кетади. Доғларнинг устида мицелий ва конидиялардан ташкил топган, олдин оқиш-кулранг, сўнгра сарғиш-кулранг ва ниҳоят қўнғир тус оловчи, кенглиги 2-3 мм келадиган ёстиқчалар ривожланади (31-расм).



**31-расм. Олманинг монилиоз касаллиги**

Ёстиқчалар мева устида концентрик доралар пайдо қиласи. Кейинроқ заарланган мевалар мумланиб қолади, ичи замбуруғ мицелийси билан тўлади ва склероцийларга айланади. Улар ерга тўкилади, баъзилари дарахтда осилиб қолади. Кеч заарланган меваларда касаллик белгилари омборхонада сақлаш пайтида ривожланади. Замбуруғ билан дарахтларнинг тўпгуллари ва новдалари ҳам заарланади. Заарланган гуллар сўлийди, қўнғир тус олади, буришиб, қуриб қолади. Касалланган новдалар устида яралар пайдо бўлади, уларнинг устида эса, даста-даста бўлиб жойлашган, кулранг мицелий ва конидиялар ривожланиши мумкин.

**Касалликнинг зарари.** Монилиоз олма ва нокка дунёning кўп мамлакатларида (Европа, Америка, Осиёning Тинч океан бўйи давлатлари ва б.) сезиларли зарар етказмайди ва бу мевали дарахтларда иқтисодий аҳамиятсиз касаллик ҳисобланади. Мисол учун, Англияда монилиоз ўсув даврида деярли зарар етказмайди, меваларни омборхоналарда сақлаш пайтида эса ўртача ҳосил йўқотилиши 0,2-1,5% ни ташкил қиласи, холос.

Ўзбекистонда монилиоз кенг тарқалган ва жуда заарли касаллик ҳисобланади, унинг зарари калмаразницидан ҳам юқори эканлиги таъкидланади. Аммо шуни айтиш жоизки, мамлакатимизда монилиоз олма, нок ва данакли мева дарахтларида учраши ва тарқалиши ҳақида аниқ, микологик таҳлилларга асосланган маълумотлар йўқ. Касаллик туфайли олма

ва нок ҳосили пасайиши тўғрисида ҳам аниқ рақамларга таянган тажриба маълумотлари мавжуд эмас. Олимлар олдида турган вазифалардан бири Ўзбекистонда олма ва нокда монилиоз тарқалишини ва ҳосилга таъсирини, аниқ ва тўғри таҳлил усуллари ёрдамида тадқиқ қилиш ва ўрганишdir.

**Зарарланадиган экин турлари.** Касаллик қўзғатувчи замбуруғ маданий олма ва нокдан ташқари олхўри, шафтоли, гилос, олча, ёввойи Сибирь олмаси, хитой ноки, оддий ва япон хурмоси, анжир, ток, хўжағат (малина), қулупнай, писта, қизил, четан, оддий ва япон мушмуласи, актинидия ва бошқа турларни заарлайди.

**Касаллик ривожланиши.** Қўзғатувчи замбуруғ заарланган гул бандларида, новдалардаги яраларда ва мумиёланган меваларда қишлияди. Меваларда ривожланган апотецийларнинг аҳамияти кам, чунки улар жуда кам учрайди. Заарланган органларда ривожланган конидиялар (ва кам ҳолларда аскоспоралар) бирламчи инфекция манбай бўлиб, улар баҳорда ёмғир ва шамол ёрдамида гулларга тушади ва уларни заарлайди, сўнгра гифалари билан гуллардан новдаларга ўтади. Уларда янгидан ривожланган конидиялар иккиласми ва кейинги заарланишларни қўзғатади. Оптимал ҳароратда ( $24\text{-}28^{\circ}\text{C}$ ) касаллик белгилари 3-5 кунда, ёстиқчалар эса 8-10 кунда пайдо бўлади. Конидиялар фақат олма қурти, калмараз, қушлар ва бошқа сабаблар туфайли жароҳатланган меваларни заарлайди. Меваларда касаллик ривожланиши учун паст ҳарорат қулай ҳисобланади.

**Беҳининг монилиоз** (мева чириш) касаллиги Европанинг кўп мамлакатларида, Сурияда, Россияда (Краснодар ўлкаси), Кавказ орти давлатларида (Арманистон, Грузия, Озарбайжон) ва Молдавияда тарқалган. Охирги 5-6 йил ичида монилиоз Ўзбекистонда деярли ҳамма вилоятларда учрамоқда, жумладан Тошкент вилоятида кенг тарқалиб, кўп жойларда барча беҳи дараҳтларини заарламоқда.

**Касаллик белгилари.** Монилиоз билан беҳининг фақат физиологик ёш тўқималари, жумладан барглари, гуллари ва новдалари заарланади, етилган мевалари кам ҳолларда заарланади.

Баргларда олдин кичик, нуктасимон қизғиши доғчалар пайдо бўлади. Улар ўсиб, сарғиш ёки тўқ-қўнғир, деярли қора тусли доғларга айланади, барг қўнғир тус олади. Кейинчалик асосан баргнинг устки томонидаги катта томирлари бўйлаб, доғлар устида кулранг моғор ривожланади. Кучли заарланган барглар тўкилади ва новдалар яланғоч бўлиб қолади.

Касалликнинг кенг тарқалган ва энг хавфли шакли – дараҳтларнинг гул ва мева тугунчалари заарланишидир. Гуллар заарланганида мева тугунчалари ва уларнинг атрофидаги япроқчалар бутунлай чирийди, қўнғир тус олади, куйганга ўхшаб, дараҳтларда осилиб қолади. Ёш новдалар устида

кўнгир доғлар ва яралар пайдо бўлади. Дараҳт учлари совуқ урганга ёки куйганга ўхшаб қолади. Барча заарланган органларда ёқимли ертут хидини чиқарувчи кулранг моғор ривожланади. Кузда заарланган тугунчаларда, камроқ ҳолларда баргларда склероцийлар пайдо бўлади.

**Касалликнинг зарари.** Монилиоз кўп мамлакатларда беҳининг энг заарли касаллиги ҳисобланади. Заарланган шона, тугунча, барг ва новда бўғинлари ҳалок бўлади, новдалар ялангоч ва дараҳтлар кучсиз бўлиб қолади. Умуман ҳосил пасайиши шоналар ва тугунчалар касаллик туфайли ҳалок бўлишига мутаносибdir. Касаллик Арманистонда беҳи ҳосилини гектарига 135 центнердан 3,9 центнергача (97,1% га) камайтирган, баъзи йиллари ҳосил умуман олинмаган. Грузияда беҳи ҳосилининг 50% дан 99,7 фоизигачаси йўқотилган. Краснодар ўлкаси, Крим ва Молдавияда ҳам беҳидан ҳосил олишда ва беҳи боғларини кенгайтиришда монилиоз асосий тўсиқ ҳисобланади.

**Касаллик ривожланиши.** Кўзғатувчи заарланган тугунчаларда ва баргларда склероцийлар ёрдамида қишлийди. Замбуруғ 1-2 ёшли заарланган новдаларда мицелий билан ва меваларда конидиялари воситасида қишлиши мумкинлиги тадқиқ қилинмоқда.

Баҳорда, беҳининг гуллари энди ёзилаётганда ва гул куртаклари бўртиб, очила бошлаган даврда, склероцийлардан апотецийлар ўсиб чиқади. Апотецийлар кичикилиги (қалпоқчасининг кенглиги 3-5 мм) ва хазон ичидаги жойлашгани учун уларни топиш анча қийин. Апотецийларда ривожланган аскоспоралар касалликнинг бирламчи манбаи бўлиб, улар ёмғир ва шамол орқали беҳининг барглари ва гултўпларининг розеткаларига тушади ва уларни заарлайди. Гуллар, мева тугунчалари ва уларнинг атрофидаги япроқчалар қуриб, узоқ вақт тўкилмай, осилиб қолади, ҳаво намлигига бутунлай чириб кетади. Заарланган органларда конидиялар ривожланади ва улар дараҳтларнинг барглари, гуллари ва ёш новдаларида иккиламчи ва кейинги заарланишларни қўзғатади. Конидияларнинг пайдо бўлиши гуллар очилиши даврига тўғри келади ва конидиялар гулларга оналик уруғчилари орқали киради. Барглар заарланганидан кейин 15-20 кун ўтганда гул тугунчалари ёппасига заарланади, ҳалок бўлади, замбуруғ ҳосилнинг кўп қисмини нобуд қиласади. Кузда октябрь-ноябрь ойларида заарланган тугунчалар ва баргларда замбуруғнинг қишлоғи босқичи – склероцийлар пайдо бўлади; битта баргда 2 тадан 40 тагача склероций ривожланиши мумкин.

**Данакли мевали дараҳтларнинг монилиоз** касаллиги дунёнинг барча мамлакатларида, жумладан Марказий Осиё давлатларида ҳам тарқалган.

Ўзбекистонда монилиоз (клястероспориоз билан бирга) ўрикнинг иккита энг заарли касалликларидан биридир.



**32-расм. Ўрикнинг монилиоз касаллигини қўриниши**

**Касаллик белгилари.** Дараҳтларнинг новдалари, гуллари ва мевалари заарланади. Баҳорда заарланган дараҳтларнинг мева ҳосил қилувчи шохлари ва новдалари ҳамда гуллари қўнғир тус олади ва қуриб қолади (32-расм). Улар куйганга ўхшаб қолиши туфайли касаллик “монилиоз кўйиш” номини олган. Ўсимликларнинг заарланган қисмларининг анчаси дараҳт устида кейинги баҳоргача осилиб қолади. Баҳорда ўрик гуллаш пайтида, сернам ва салқин об-ҳавода уларнинг устида мицелий ва конидиялардан ташкил топган оч-кулранг ёстиқчалар ривожланади. Паст ҳарорат гуллаш даврини узайтиради, юқори намлик эса конидиялар ривожланиши учун қулай шароит яратади, натижада касаллик тезда дараҳтларнинг гуллари ва бошқа қисмлари ҳамда боғдаги бошқа дараҳтларга тарқалади. Заарланган мевалар устида қўнғир доғлар пайдо бўлади, улар ўсиб, меваларни қоплаб олади, устида оч-кулранг тусли ёстиқчалар ривожланади. Баъзи мевалар мумланиб, склероцийларга айланади, ерга тўкилади, баъзилари дараҳтда баҳоргача осилиб қолади.

**Касаллик ривожланиши.** Кўзғатувчи замбуруг заарланган новдалардаги яраларда ва мумиёланган меваларда мицелий шаклида (қиши илиқ келадиган минтақаларда конидиялари билан ҳам) қишлияди. Меваларда ривожланган апотецийларнинг аҳамияти оз, чунки улар жуда кам учрайди. Заарланган органларда ривожланган конидиялар (ва кам ҳолларда аскоспоралар) бирламчи инфекция манбай бўлиб, улар баҳорда ёмғир ва шамол ёрдамида новдалар ва гулларга тушади ва заарлайди. Уларда ривожланган конидиялар иккиласми ва кейинги заарланишларни қўзғатади. Конидиялар факат механик жароҳатланган (ҳамда Ўзбекистонда ўрик

филчаси заарлаган) меваларни заарлайди. Касаллик ривожланиши учун паст ҳарорат қулай хисобланади.

## 2. Грек ёнғоқ дараҳтининг касалликлари

Ёнғоқнинг қўнғир доғланиш касаллиги барча ёнғоқ ўсадиган минтақаларда, жумладан Европа, Шимолий ва Жанубий Америкада, Марказий Осиёда Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистонда тарқалган.

**Касаллик белгилари.** Барг, барг банди, новда ва мевалар заарланади. Баргларда оч-қўнғир ёки кулранг-қўнғир, думалоқ, кейинчалик ҳар хил шаклли ва ўлчамли, баъзан ўртаси очроқ, атрофи тўқроқ тусли доғлар пайдо бўлади. Баргларнинг ҳар икки томонида, кўпинча остки тарафида майда (нуқта шаклли), жигарранг, кейинчалик деярли қора тусли, кўпинча концентрик доиралар ҳосил қилувчи ёстиқчалар ривожланади. Ёстиқчалар баъзан новда ва мевалардаги доғларда ҳам пайдо бўлади. Улар замбуруғнинг мицелий, конидиофора ва конидияларидан ташкил топган. Барг бандлари ва унинг асосий томирларида узунчоқ, эллипс шаклли, қора тусли доғлар ҳосил бўлади, барглар қурийди ва тўкилади. Ёш новдаларда кулранг тусли ярачалар пайдо бўлади. Меваларда қўнғир доғлар ҳосил бўлади, улар доғ бўлган томонидан чатнаб, ёрилиб кетади, мева мағзи қорайиши ва қуриб қолиши мумкин.

**Касаллик ривожланиши ва зарари.** Кузда тўкилган барг ва заарланган новдаларда қўзғатувчининг перитецийлари ҳосил бўлади ва қишлияди. Эрта баҳорда ҳарорат  $10^{\circ}\text{C}$  га етгач, перитеций ичидаги халтачаларда аскоспоралар етилади. Аскоспоралар ёмғир ва шамол воситасида ёш баргларга тушади ва уларда бирламчи заарланиш қўзғатади. Икки ҳафтача вақт ўтгач, заарланган баргларда юқорида кўрсатилган касаллик белгилари пайдо бўлади. Ёнғоқнинг заарланган қисмларида, асосан баргларида ҳосил бўлган ёстиқчалардан ажратиладиган конидиялар касалликнинг иккиласми манбаи бўлиб, мавсум давомида улар бошқа барг, новдалар ва бошқа дараҳтларга тарқалади. Касаллик иқтисодий аҳамиятга эга, унинг зарари ёнғоқ барглари тўкилиши, новдалари заарланиши, мевалар заарланиши, қуриши ва тўкилиши, натижада дараҳт заифлашиши ва ҳосил камайиши билан ифодаланади. Касаллик туфайли баъзи мамлакатларда ҳосилнинг ярми ёки кўпроги йўқотилади.

Ёнғоқнинг бўқоқ касалликлари барча ёнғоқ дараҳтлари ўсадиган жойларда учрайди. Тошкент вилоятининг тоғолди туманларида кенг тарқалган ва ёнғоқзорларга анча зарар етказадиган турлар қаторига тукли, тангачали ва ҳақиқий бўқоқ замбуруғлари киради. Улардан ташқари Тошкент вилоятида ёнғоқда бир неча камроқ тарқалган турлар ҳам қайд этилган

(*Daldinia concentrica*, *Ganoderma applanatum*, *Polyporus arcularius*). Бўқоқ замбуруглари дарахт танасидан озука моддаларини сўриб, уларни заифлаштиради ҳамда дарахтларда чириш касаллигини қўзғатади. Дарахтлар пояларида паразитларнинг мева танаачалари (шишлар, бўқоқлар) пайдо бўлади. Улар олдин думалоқ кўринишга эга бўлиб, кейин ўсиб, ярим шар, буйрак ёки нотўғри шакл олади, олдин юмшоқ, кейин қаттиқ, ёғочсимон, ранги сарик, кулранг, қизғиш, қўнғир, қора ва бошқа тусли. Баъзи мева танаачаларида концентрик доиралар ҳосил бўлади. Замбуруғлар дарахтларнинг озука моддаларини ўзлаштириб, уларни заифлаштиради. Танасида бир неча мева танаачалари пайдо бўлган дарахтлар қуриб қолиши мумкин.

**Ёнғоқнинг цитоспороз** касаллиги Кўзғатувчи замбуруғ – *Cytospora juglandina*. Ёнғоқнинг поя ва шохларининг қобиғи ҳамда ёғоч қисмлари заарланади, баглари ва мевалари заарланмайди. Заарланган қобиқда олдин қизил ёки қизғиш-қўнғир, ўртаси нимранг тусли доғлар пайдо бўлади. Улар ўсиб, катта (узунлиги 50-75 см гача), эллипс ёки узунчоқ шаклли яраларга айланади. Яралар тагидаги тўқималар ёғоч қисмигача нобуд бўлади, қотиб қолади ёки мўрт, уваланиб кетувчи бўлиб қолади. Яраларда қобиқни ёриб чиқувчи, ярим шар ёки конус шаклли стромалар ҳосил бўлади. Агар яралар поя ёки шохни ўраб олса, бу шохлар ёки дарахт нобуд бўлади.

**Касаллик ривожланиши.** Кўзғатувчи замбуруғ яраларда мицелий ва пикнидалар шаклида қишлияди. Дарахтлар асосан баҳорда ёки кузда, сернам об-ҳавода заарланади. Баҳорда куртаклар ёзила бошлаган пайтда пикнидалардан қўзғатувчининг конидиялари чиқади, улар ёмғир ва шамол воситасида соғлом шох ва новдаларга тушади ва ҳар хил механик жароҳатлар (совуқ урган жойлар, шохларнинг синган жойлари, ҳашаротлар ва касалликлар туфайли ҳосил бўлган шикастланишлар) орқали тўқималарга киради. Заарланган аъзоларда янги яралар заарланишдан кейин 1-3 йил ўтганида пайдо бўлади. Яралар баҳорда ва ёз бошларида ўсади, ёзда ва қишида уларнинг ўсиши секинлашади. Поя, шох ва новдаларнинг қобиқлари, кейинчалик эса ёғоч қисмлари ҳам нобуд бўлади ва қуриб қолади. Соғломларига нисбатан, ҳар хил сабабларга кўра заифлашган дарахтлар кучлироқ заарланади.

### 3. Ёнғоқ мевали дарахтларнинг касалликлари

**Бодомнинг клястероспориоз ва полистигмоз касалликлари.** Клястероспориоз ва полистигмоз Ўзбекистоннинг барча бодом ўсадиган минтақаларида тарқалган. Улар Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида бодомнинг энг зарарли касалликлари қаторига киради.

**Касаллик белгилари ва ривожланиши.** Касаллик билан дараҳтларнинг барг, новда, куртак, гул, гул тугун, мева ва шохлари заарланади. Уларда очжигарранг тусли, атрофида қизғиш-бинафша, қизғиш-қўнғир ёки тўқ-қизил ҳошияли доғлар пайдо бўлади. Доғлар олдин кичик нуқта шаклли, кейин ўсиб кенглиги 2-5 ммга етади, улардан елим оқиб чиқади. Доғлар билан қопланган тўқима 2-3 ҳафта ичида қуриб қолади ва тушиб кетади, барглар илма-тешик бўлиб қолади.

Заарланган баргларнинг кўпчилиги тўкилиб кетади, натижада қишлоғчи куртаклар уйғонади, дараҳтлар совуққа чидамсиз бўлиб қолади ва келгуси йил ҳосили камаяди. Заарланган куртаклар қўнғир тус олади ва нобуд бўлади. Баъзи заарланган гулкуртаклар соғлом бўлиб кўриниши мумкин, аммо кейинги йил баҳорда очилмайди. Заарланган гуллар тўкилиб кетади. Ўрик мевалари устида кичик, қизил ёки апельсин тусли, бироз ботик доғлар пайдо бўлади, улар ўсиб қизғиш-қўнғир ёки қўнғир, ўртаси очроқ тусли сўгалчаларга айланади.

**Бодомнинг ун-шудринг касаллиги.** Бодомнинг ун-шудринг касаллигини иккита замбуруғ тури қўзғатиши мумкин. *Sphaerotheca pannosa* бодомнинг барглари ва новдаларини заарлайди, бу касаллик асосан ёз пайтида ривожланади. Иккинчи тур – *Phyllactinia suffulta* – асосан бодомнинг баргларини, жуда кам ҳолларда новдаларини заарлайди, касаллик ёз охири – кузда кучлироқ ривожланади. Ҳар икки тур билан заарланган ўсимлик аъзоларида мицелий ва конидиялаш органларидан ташкил топган оқ, унсимон ғубор ҳосил бўлади. Кузда ғубор ичида замбуруғларнинг клейстотецийлари ҳосил бўлади. Қўзғатувчилар ўсимлик қолдиқларида клейстотецийлари воситасида қишлиайди.

Ун-шудринг Ўзбекистоннинг барча бодом ўсадиган минтақаларида тарқалган. *Phyllactinia suffulta* тури қўзғатадиган касаллик Тошкент вилоятининг Бўstonлиқ туманида бодомнинг энг заарли касалликлари қаторига киради.

**Бодом барглари бужмайиши** касаллиги Жанубий Европа, Шимолий Америка, Крим ва Марказий Осиёда тарқалган. Заарланган бодом барглари қалинлашади, қинғир-қийшиқ бўлиб, бужмаяди. Баргларнинг остки томонида оқиш мумсимон ғубор – замбуруғнинг халтачалари ва аскоспораларидан ташкил топган ва кутикулани ёриб чиқадиган гимениал қатlam ҳосил бўлади. Ўсув даврида касаллик аскоспоралари ёрдамида тарқалади. Қўзғатувчи замбуруғ куртакларда ва ёш новдаларда, пўстлоқ тагида қишлиайди. Касалликнинг Ўзбекистонда бодомда ривожланиши ва ҳосилига таъсири ўрганилмаган.

**Бодомнинг калмараз касаллигини** *Fusicladium amygdali* анаморф замбуруғи қўзғатади. Бодомнинг барглари ва мевалари заарланади. Баргларда оч-яшил доғлар ҳосил бўлади, кейинроқ уларнинг устида замбуруғнинг мицелийси ва конидиал споралаш органларидан ташкил топган яшил-қўнғир ғубор ривожланади. Ўсув даврида қўзғатувчи конидиялари билан тарқалади. Мавсум охирида ўсимликларнинг заарланган аъзоларида перитецийлар – замбуруғнинг жинсий босқичининг мева танаҷалари ҳосил бўлади. Замбуруғ перитецийлари воситасида қишлиайди.

**Бодомнинг бактериал дөганини.** Касалликни *Pseudomonas caucasicum* бактерияси қўзғатади. Баргларда мой томганга ўхшаш доғлар пайдо бўлади. Улар ўсиб, катталашади ва сариқ, кейинроқ қўнғир тус олади. Тоғли минтақаларда бактерия заарланган новдаларнинг пўстлоғи остида ва куртакларда қишлиайди. Баҳорда қўзғатувчи баргларга ёмғир ва шамол воситасида тушади ва уларни заарлайди.

**Писта дараҳтининг ун-шудринг касаллигини** *Phyllactinia suffulta* аскомицет замбуруғи қўзғатади. Касаллик Марказий Осиёда учрайди. Асосан барглар заарланади. Июнь ойида баргларнинг остки тарафида замбуруғнинг мицелийси ва конидиал споралаш органларидан ташкил топган майин, қўзга ташланмайдиган, ўргимчак уясига ўхшаш оқ ғубор ҳосил бўлади. Бошқа ўсимликларга қўзғатувчи конидиялари билан тарқалади. Касалликнинг энг кучли ривожланиши сентябрь ойида кузатилади. Заарланган барглар сарғаяди ва вақтидан олдин тўкилади, дараҳтларнинг фотосинтетик қобилияти сусаяди, улар ўсишдан орқада қолади, ҳосили пасаяди. Ёз охирида ғубор ичида қора нуқталар – қўзғатувчи замбуруғнинг клейстотецийлари ҳосил бўлади. Замбуруғ клейстотецийлар воситасида қишлиайди.

